

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УО'К: 811.512.133'37**

**БОЙМАТОВА ДИЛНОЗА БАХТИЁРОВНА**

**МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАРДА АКСИОЛОГИК  
МОДАЛЛИКНИНГ СЕМАНТИК-ПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
илемий даражасини олиш учун ёзилган  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илемий раҳбар: Маматов Абдуғафур Эшонқулович,  
филология фанлари доктори, профессор**

**Жиззах – 2022**

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ТИЛШУНОСЛИҚДА МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАР ВА АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИК .....</b>	<b>12</b>
1.1.§.Мураккаблашган содда гаплар таркибига кирувчи синтактик бирликлар.....	12
1.1.1.§ Уюшиқ бўлаклар билан мураккаблашган содда гаплар.....	15
1.1.2.§.Ундалма ва ажратилган бўлакли гапларнинг тилшуносликда ўрганилиши .....	21
1.1.3.§.Кириш сўзлар ва киритма гаплар.....	27
1.2.§.Аксиологик модалликнинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиши.....	32
<b>Боб бўйича хulosалар.....</b>	<b>46</b>
<b>II БОБ. УНДАЛМАЛИ ВА УЮШИҚ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРДА АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИКНИНГ ПРАГМАСЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>48</b>
2.1.§.Аксиологик баҳо ва унинг уюшиқ бўлакли гапларда ифодаланиши.....	48
2.2.§.Ундалмали гапларда ифодаланган аксиологик модалликнинг прагмасемантикаси.....	65
<b>Боб бўйича хulosалар.....</b>	<b>84</b>
<b>III БОБ. КИРИШЛАР ВА АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛИ ГАПЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....</b>	<b>86</b>
3.1.§.Кириш сўзларда аксиологик модаллик .....	86
3.2.§. Киритма гапларда аксиологик модаллик.....	95
3.3.§.Ажратилган бўлакли гаплар ва уларда аксиологик модалликнинг воқеланиши.....	102
<b>Боб бўйича хulosалар.....</b>	<b>119</b>
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>122</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>125</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва заруруати.** Жаҳон тилшунослигига тил ва қадрият ўртасидаги муносабатга асосланган аксиолингвистика йўналиши ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Умуминсоний ва миллий қадрият семасини ифодалаган тил сатҳи бирликларининг матн ва нутқий фаолиятда акс этиши, олам лисоний манзарасини аксиологик баҳолаш, объект ва воқеа-ҳодисаларга субъектив муносабат (баҳо) билдириш ҳамда аксиолингвистика соҳасидаги тадқиқотлар тилшуносликдаги долзарб вазифалардан саналади.

Дунё тилшунослигига тил сатҳи бирликларининг баҳо англатиш хусусиятларини анъанавий ҳолатда эмас, балки нутқий вазиятда, матн доирасида ўрганиш орқали янги хулосаларга келинмоқда. Нутқий вазият ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослиги ҳамда маънавияти орқали акс этаётган қадрият-тушунчалар воситасида намоён бўлади. Шу маънода мураккаблашган содда гапларда ифодаланган аксиологик модалликни тадқиқ этиш, ушбу категориянинг семантик-прагматик хусусиятларини муайян матн доирасида аниқлаш тилшуносликдаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўзбек тили нуфузини янада ошириш, уни дунё тили даражасига кўтариш ва миллий қадрият сифатида асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан ўзбек тилининг миллий қадрият эканлиги, унинг

---

<sup>1</sup> “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2019 йил, 21 октябр // lex.uz.

турли сатҳ бирликларини “қадр-қиймат” семасига эга лексемалар асосида таҳлил қилиш аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.”Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослигига ҳар бир тил соҳаларини антропоцентрик жиҳатдан тадқиқ этиш асосий лингвистик вазифалардан ҳисобланмоқда. Матн муаллифи ва сўзловчининг коммуникатив жараёнда ўз муносабатини билдирувчи, баҳо берувчи мақомида бўлиши субъектив модаллик бўйича тадқиқот олиб боришни

тақозо этади. Шунга биноан субъектив модаллик ва нутқий тузилмаларнинг аксиологик хусусиятли маъно бўлакларини ўрганишга доир тадқиқотлар олиб борилган ва бу жараён давом этмоқда. А.А.Ивин, Е.М.Вольф ва Н.Д.Арутюноваларнинг айрим илмий ишларида аксиологик модалликнинг назарий жихатлари ёритилган<sup>2</sup> бўлса, М.А.Деминова, О.М.Афанасьева, В.Ю.Костюченко, А.А.Салтыковаларнинг илмий тадқиқотлари журналистика ва оммавий ахборот воситалари тилидаги аксиологик модаллик ифодасига бағишиланган<sup>3</sup>. О.Ванденко, Р.Алимпиева, С.Бабуlevich, Я.Киселева, Р.Саттарова, К.Б.Михайлович<sup>4</sup>лар турли матн кўринишларида акс этган аксиологик модалликни тадқиқ этган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам аксиологик баҳо ва аксиологик модаллик доирасида олиб борилган тадқиқот ишлари мавжуд<sup>5</sup>. Бу тадқиқотлар муайян матнда аксиологик модаллик ифодасини тадқиқ этганлиги билан долзарблик касб этган, бироқ аксиологик модалликнинг синтактик сатҳ бирлиги бўлган мураккаблашган содда гапларда ифодаланиши ўрганилмаган.

---

<sup>2</sup> Ивин А.А. Основания логики оценок. – Москва, 1970. – 230 с.; Арутюнова Н.Д. Об объекте общей оценки // Вопросы языкознания. – Вып. 3. – Москва, 1985. – С. 13- 24; Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – Изд. 2-е, доп. – Москва , 2002. – 280 с.

<sup>3</sup> Деминова М. Аксиологическая модальность в языке современной журналистики // Вестник НГУ. Серия: История, филология. 2012. Том 11. Выпуск 6: Журналистика. – С.110-116.; Салтыкова А. Имплицитная аксиологическая модальность в текстах СМИ. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 2014. – С.21 ; Афанасьева О.М. Аксиологическая модальность публицистического текста на материале бюллетеней И.А.Ильина “Наши задачи” // Язык СМИ, 2016. – С.125.

<sup>4</sup> Ванденко О. Аксиологическая модальность романизированной биографии П.Хэртлинга “Гельдерлин” // European Applied Sciences (5), 2013. – pp.70-72.; Alimpieva R., Babulewicz S. Аксиологическая значимость авторской модальности в поэтических текстах Сергея Есенина. // Acta Polono-Ruthenica XIX, 2014. – С.171-178; Киселева Я.В. Аксиологическая модальность в философском романе Антуана Де Сент-Экзюпери “Маленький принц” // Филологические науки,. 2017. – №1 (67), Ч.2 – С.131-133; Саттарова Р.В.Средства моделирования властных отношений в политическом дискурсе (на материале дискурса Д.Кэмерона). Дис. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2019. – 274 с.; Mykhailovych K.B.Axiological modality as a text category // Impatto dell’innovazione sulla scienza: aspetti fondamentali e applicati. –Verona, 26 giugno, 2020. — Р.78.

<sup>5</sup> Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши. Филол.фантлари номзоди...дис. автореф. – Тошкент, 1996.– 256.; Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. Филол.фантлари номзоди... дис. – Тошкент, 2008. – Б.47,72.; Якубов Ж.Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари. Филол.фан. д-ри... дис. – Тошкент, 2006. – 308 б.; Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол.фантлари д-ри...дис. – Тошкент, 2011. – 320 б.; Жўраева М. Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. Филол.фантлари д-ри...дис.автореф. – Тошкент, 2017. – Б.26.; Ibragimova E. O‘zbek tili leksikasining aksiologik tadqiqi. – Farg‘ona, 2018. – Б.8.; Халиллаев А. Испан ва ўзбек тилларида “hombría /мардлик” концепти қўлланишининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятлари. Филол. фантлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Тошкент, 2022. – 49 б.; Комилова Г. Ўзбек тилидаги мақолларнинг аксиолингвистик таҳлили. Филол.фантлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф – Тошкент, 2022. – 50 б.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-сон “Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари” (2018-2020 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мураккаблашган содда гапларда ифодаланган қадрият семасига эга концепт ва аксиологик баҳонинг лингвистик хусусиятларини аниқлаш, шахс омилиниң маълум синтаксемалар орқали аксиологик мазмун ифодалашдаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тилшуносликда мураккаблашган содда гапларга мансуб синтактик бирликлар ҳақидаги фикрлар ва ёндашувлар асосида тадқиқот объектининг мазмунини ифодаловчи таърифини бериш;

тадқиқотлардаги аксиологик ёндашувларнинг фанлараро интеграция намунаси эканлигини таҳлил этган ҳолда аксиологик модаллик ва аксиологик баҳо атамаларининг лингвистик мазмун-моҳиятини ёритиш;

аксиологик модалликнинг мураккаблашган содда гаплардаги ифодаланиш даражасини аниқлаб, лингвистик бирликларнинг аксиологик мазмунини изоҳлаш;

ундалма, уюшиқ бўлакли ва ажратилган изоҳ бўлакли гаплар, кириш сўз ва киритма иштирок этган содда гапларда аксиологик модаллик ифодасининг ўзига хос ва такрорланмас жиҳатларини ёритиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида, асосан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён”, П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, М.Алининг “Сарбадорлар”, С.Вафонинг “Оворанинг қўрган-кечирганлари” романлари, З.Қуролбой қизининг “Армон асираси” романи ва “Ўлим ҳеч нарса эмас” (Хикоялар тўплами) ҳамда Ў.Хошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”

асарларидаги қадрият семасига эга мураккаблашган содда гаплар қатнашган матнлар танланган.

**Тадқиқотнинг предметини** мураккаблашган содда гапли матнларда ифодаланган аксиологемалар, аксиологик баҳо муносабатини ифодаловчи лингвистик бирликларнинг семантик маъноси ва прагматик вазифасини тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий-назарий, тавсифлаш, таснифлаш, функционал-семантик, матний таҳлил, статистик-таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуидагилардан иборат:

мураккаблашган содда гапли матнлар семантик-прагматик мазмунининг таркиб топишида “эзгулик”, “яхшилик”, “мехр-оқибат”, “дўстлик”, “тўзаллик”, “баҳт-саодат”, “она тили” каби аксиологик тушунчаларнинг лексик-семантик, синтактик каби лингвистик хусусиятлари, фалсафий, ижтимоий, маданий омиллар ва тил структуралари билан боғлиқ бўлган баҳолаш фаолиятининг лингвокогнитив жиҳатлари очиб берилган;

аксиологик модаллик ифодасини таъминловчи лисоний ҳодисаларнинг когнитив, семантик ва прагматик хусусиятлари ҳамда “хўжайин”, “дадаси”, “бегим”, “ҳазратим” каби мурожаат бирликлари, “у киши”, “улар” каби мурожаат шакллари этномаданий нутқ жараёни эканлиги асосланган;

аксиологик модалликнинг мураккаблашган содда гаплар қатнашган бадиий матнда ифодаланиши баҳолаш фаолияти натижаси, баҳолаш – объектнинг энг муҳим жиҳатларига танқидий ёндашиши сабабли лингвопрагматика билан боғлиқ эканлиги, унинг адресант ва адресат фаолияти доирасида кечадиган лисоний когнитив фаолият эканлиги очиб берилган;

умумқадрият сифатидаги “яхшилик” ва “ёмонлик” архисемали лексик-семантик майдонга мансуб тил бирликлари “чакмоқ хулқли”, “қатъиятли”,

“чорпахил” каби ижобий қиёфа, “латтамижоз”, “ланж”, “қўпол” сингари салбий қиёфа семаси билан боғлиқ эканлиги далилланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

тадқиқ этилаётган аксиологик бирликлар – аксиологемаларнинг семантик маъноси ва прагматик вазифасини аниқлаш бўйича таҳлил қилиш ва тавсифлаш усуллари ишлаб чиқилди;

ишда тўпланган материаллар семантик-прагматик, функционал-стилистик тадқиқ этиш орқали чиқарилган хulosалар ўзбек тили синтаксиси учун муайян илмий ва назарий маълумотлар бериши, ўзбек тилишунослигининг прагмалингвистика, семасиология, лингвокультурология, гендер лингвистикаси, матн лингвистикаси каби фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммал бўлишига хизмат қилиши далилланган;

мураккаблашган содда гаплар иштирокидаги матнлардаги аксиологик модалликнинг қўлланиши статистик таҳлил қилинди ва статистик таҳлил фоизлари рақамларда аниқ кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хulosаларнинг тавсифлаш, таснифлаш, функционал-семантик, матний-таҳлил, статистик-таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, муайян матнда қўлланилган мураккаблашган содда гаплар ва уларда ифодаланган аксиологик модалликнинг семантикаси ва прагматикасини изоҳлашда ишончли назарий манбалардан фойдаланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тилшуносликда маълум сатҳ бирликларини аксиолингвистик таҳлил этишда манба сифатида хизмат қилиши ҳамда тилда акс этаётган аксиологик баҳо тушунчасига оид янгича ёндашувлар мазкур соҳанинг замонавий назариялар билан бойишига асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимидағи “Хозирги ўзбек адабий тили (Синтаксис)”, “Прагмалингвистика”, “Семасиология”, “Матн лингвистикаси”, “Лингвокультурология” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишида, ихтисослик фанларини ўқитишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мураккаблашган содда гапларда аксиологик модалликнинг семантик-прагматик тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

мураккаблашган содда гапли матнлар семантик-прагматик мазмунининг таркиб топишида аксиологик модалликнинг ўрни ҳамда “эзгулик”, “яхшилик”, “мехр-оқибат”, “дўстлик”, “гўзаллик”, “баҳт-саодат”, “она тили” каби аксиологик тушунчаларнинг лексик-семантик, синтактик каби лингвистик хусусиятлари, фалсафий, ижтимоий, маданий омиллар ва тил структуралари билан боғлиқ бўлган баҳолаш фаолиятининг лингвокогнитив жиҳатларига оид хулосалардан ЎзР ФА ҚҚА Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган FA-FI-G007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот обьекти сифатида” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 24 мартағи 17.01/83-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг қадрият маъно-мазмунини англатувчи лингвистик бирликларнинг ҳар бир тилда мавжуд бўлиши ва уларнинг семантик қатлам эканлиги ҳақидаги илмий қарашлар билан бойишига асос бўлган;

аксиологик модаллик ифодасини таъминловчи лисоний ҳодисаларнинг когнитив, семантик ва прагматик хусусиятлари ҳамда “хўжайин”, “дадаси”, “бегим”, “хазратим” каби мурожаат бирликлари, “у киши”, “улар” каби мурожаат шакллари этномаданий нутқ жараёни эканлиги ҳақидаги хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва

адабиёти университетида 2018-2020 йилларда амалга оширилган ПЗ-20170927147. “Қадимги туркий ёзувлар ва XIII асргача бўлган фольклор тадқики” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 11 апрелдаги 04/1-649-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг қадимги туркий тил ва ёзувларда ифодаланган аксиологик модаллик маъносини ёритувчи тушунчалар билан бойитилишига эришилган;

аксиологик модалликнинг мураккаблашган содда гаплар қатнашган бадиий матнда ифодаланиши баҳолаш фаолияти натижаси, баҳолаш – объектнинг энг муҳим жиҳатларига танқидий ёндашиши сабабли лингвопрагматика билан боғлиқ эканлиги, унинг адресант ва адресат фаолияти доирасида кечадиган лисоний когнитив фаолият эканлиги ҳақидаги хуросалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетида 2018-2020 йилларда амалга оширилган ПЗ-20170927147 “Қадимги туркий ёзувлар ва XIII асргача бўлган фольклор тадқики” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 11 апрелдаги 04/1-649-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа XIII асргача бўлган фолкълор асарлардаги аксиологик баҳо бирликларининг когнитив ҳодиса эканлиги ҳақидаги фикрлар билан бойитилган;

умумқадрият сифатидаги “яхшилик” ва “ёмонлик” архисемали лексик-семантик майдонга мансуб тил бирликлари “чақмоқ хулқли”, “қатъиятли”, “чорпахил” каби ижобий қиёфа, “латтамижоз”, “ланж”, “қўупол” сингари салбий қиёфа семаси билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги хуросалардан Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Жиззах!” дастурида фойдаланилган (Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 6 апрелдаги 10-12/243-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тили ва адабиёти

ихлосмандларида қадр-қиймат семасига эга тушунчаларга нисбатан фахрланиш түйғуси ҳамда у орқали шахсий муносабат билдириш кўникмасини юксалтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжумунларида аprobациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилингандиги.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шулардан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналда нашр қилинган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 124 бетни ташкил этади.

# **І БОБ. ТИЛШУНОСЛИКДА МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАР ВА АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИК**

## **1.1. §. Мураккаблашган содда гаплар таркибига кирувчи синтактик бирликлар**

Бошқа тиллар сатхидан лисоний ва нутқий хусусиятлари билан фарқланувчи ўзбек тили маълум маънода бетакрорлик касб этади. Биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитрат “... Тилимиздаги сўз бойлиғи, иштиқоқ кенглиги, қоида тугаллиғ, сарф-наҳв ингичлари (хусусиятлари) бошқа шарқ тилларидан қолишишмас”<sup>6</sup>, – деган фикрлари ўзбек тилининг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Бу каби имкониятлар синтактик сатҳ бирликлари хисобланган ва қизғин муҳокамага сабаб бўлаётган мураккаблашган содда гапларга бирлашувчи бирликлар орқали ҳам юзага чиқиши мумкин. Дастлаб бу терминнинг тилшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигига қўлланилиши ва унинг таркибига қайси тил бирликлари кириши ҳақида фикр юритсак. Негаки, “мураккаблашган содда гаплар” атамаси ҳамда содда гапларни мураккаблаштирувчи (шаклан ёки мазмунан) синтактик бирликлар хусусидаги фикр ва мулоҳазалар ҳамон тилшунос олимлар томонидан муҳокама қилинмоқда.

Тилнинг ҳар бир сатҳи (макросистема сифатида) микросистемадан ташкил топади. Ўзбек тилшунослигига “мураккаб гаплар” атамасини содда ва қўшма гаплар орасидаги гапларга нисбатан қўллаган F.Абдураҳмонов бу турдаги гапларга дастлаб ажратилган бўлакли гаплар, ундалма, киришлар мансублигини таъкидлаган<sup>7</sup>. А.Ғуломов ва М.Асқаровалар содда гапни мураккаблаштирувчи элементларга уюшиқ бўлаклар, ажратилган бўлаклар, кириш конструкция ва киритма конструкциялар, ундалмаларни киритади ҳамда “бундай мураккаблаштириш гапни содда гап доирасидан чиқариб

<sup>6</sup> Фитрат А. Тилимизнинг абадийлиги. Танланган асарлар, IV жилд. – Тошкент: Маънавият. – 2006. – Б.132.

<sup>7</sup> Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.57.

юбормайди, балки мураккаблашган содда гап ҳосил қиласи”, – деган фикр билдиради<sup>8</sup>.

Ҳ.Болтабоева содда гапларга синтагматик ёки интонацион бўлакларнинг иштироки асосида мураккаблашиши сифатида қарайди ва бу типдаги гаплар ажратилган бўлаклар, ундалмалар, кириш бўлаклар воситасида мураккаблашишини таъкидлаб ўтади<sup>9</sup>. Бундан шуни хulosа килиш мумкинки, содда гап таркибида ана шу синтагматик бўлаклар иштирок этса, бундай гап мураккаблашган содда гап бўлади. Ваҳоланки, синтагматик бўлак таркибида ҳам алоҳида синтагмалар мавжуд бўлиши мумкин.

Б.Ўринбоев эса бу микросистемани кенгайтирган ҳолда уларга қўшимча равишда илова қурилмалари, равишдош ва сифатдош ўрамлар, ҳаракат номили тизимларни ҳам киритади<sup>10</sup>. Айрим илмий адабиётларда ундалма, кириш ва қурилмалар, баъзан ажратилган бўлакларни мураккаблашган гаплар; равишдош, сифатдош, ҳаракат номили, шарт майлидаги феълли ўрам (оборот)лар қатнашган гапларни мураккаблашган содда гаплар<sup>11</sup> деб номланиши ўзбек тилшунослигида бу масалада аниқ фикрга келинмаганлигидан далолат беради.

Содда гапларни юзага келтирувчи бирликларнинг полуфункционал (вазифаси жиҳатидан хилма-хиллик) хусусиятга эгалиги ҳақидаги янги илмий-назарий қарашлар ҳам тилшунослар эътиборидан четда қолмади. Илмий аҳамиятга молик бўлган бу қарашларнинг тарихий асарлар мисолида тадқиқ этилиши ҳали ўрганилиши лозим бўлган тил сатҳи бирликларининг хусусиятлари кўплигидан дарак беради. Ҳозирги туркий тилларнинг дастлабки кўриниши бўлган қадимги туркий тилнинг грамматикасини тадқиқ этган Н.Абдураҳмонов ажратилган бўлаклар, кириш бўлаклар, равишдош ва

<sup>8</sup> Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б.157.

<sup>9</sup> Болтабоева Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. – Тошкент: Фан, 1969. – Б.12.

<sup>10</sup>Ўринбоев Б. Синтактик муносабатлар. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2005. – Б.103.

<sup>11</sup> Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995 – Б.57,69.

сифатдош оборотли гаплар содда гапларни мураккаблаштирувчи синтактик бирлик эканлиги ҳақида фикр билдириб, негадир бу қаторга ундалма ва уюшиқ бўлакли гапларни киритмайди<sup>12</sup>.

Лисоний тараққиёт ва унинг шаклланиши жиҳатидан қадимги туркий тилдан кейинги давр бўлган эски ўзбек тили намуналарида ҳам содда гапни мураккаблаштирувчи бирликлар кўплаб учрайди. Бу даврнинг ёрқин намунаси бўлган Алишер Навоий асарларида “мураккаблашган содда гаплар” атамаси остидаги синтактик бирликларни қўришимиз мумкин. Алишер Навоий насрый асарлари тилининг синтактик қурилишини уюшиқ бўлаклар, ажратилган бўлаклар, сифатдош, равишдош ва инфинитив оборотли қурилмалар, ундалмали, кириш ва киритмали конструкцияларсиз холи тасаввур қилиб бўлмаслиги, бу, айниқса, синтагматик ассимметрия орқали ўзини тўлақонли намойиш этиши ҳақидаги фикрлар мужассам бўлган илмий тадқиқот мураккаблашган содда гапларнинг вазифаси турлича эканлигининг илмий далилидир<sup>13</sup>. А.Навоийнинг насрый асарларида қўлланган мураккаблашган содда гаплар ҳақидаги илмий қарашлар ва фикрлар дастлаб С.Ашироевнинг тадқиқотида ўз аксини топган эди. Тилшунос олим эски ўзбек тилида ёзилган Алишер Навоий насрый асарларида ундалма, кириш сўз, изоҳ ва киритмалар фаол қўлланилиб, содда гапларни ҳам шаклан, ҳам мазмунан мураккаблаштириши ҳақида фикр билдиради<sup>14</sup>.

Мураккаблашган содда гаплар туркий тиллар миқёсида ҳам ўрганилган ( А.М.Пешковский, Х.М.Есенов, Г.А. Габитова )<sup>15</sup>. Туркий тиллардаги содда

<sup>12</sup> Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б.108.

<sup>13</sup>Бердиалиева А.,Зокирова С. Алишер Навоий насрый асарлари тили синтактик қурилишида шаклий-маъновий ассимметрия (“Ва” боғловчили гаплар мисолида) // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни ” халқаро илмий анжуман материаллари, 2017. – Б.251.

<sup>14</sup>Ашироев С. Алишер Навоийнинг насрый асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. Филол.фналари д-ри... дис. – Тошкент, 1990. – Б.231-240.

<sup>15</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении /А.М. Пешковский; [Предисл. Ю.Д. Апресян]. – Москва : Яз. славян. культуры, 2001. – XXXIII, 510 с.; Есенов Х. Синтаксис осложненного предложения в казахском языке / Х. М. Есенов; АН Респ. Казахстан. Ин-т языкоznания. – Алма-Ата : Гылым, 1992.–205 с.; Габитова Г. Простые осложненные предложения в современном башкирском литературном языке. Дис. ... канд. филол. наук – Стерлитамак, 2004. – 169 с.

гапнинг мураккаблашиши ҳақидаги фикрлар қозоқ, бошқирд, татар, қўумик, турк тиллари синтаксисида ҳам тадқиқ этилган. Жумладан, турк тилидаги уюшиқ бўлаклар, киритма конструкциялар, кириш конструкциялар ёки ундалмалар иштирокидаги содда гапларни мураккаблашган содда гаплар дея эътироф этган олимлар негадир бу қаторга ажратилган бўлакларни киритмайди<sup>16</sup>. Кўриниб турибдики, юқоридаги илмий тадқиқотларда, худди ўзбек тилидаги сингари синтактик сатҳ бирликларидан қай бирлари содда гапни мураккаблаштириши ҳақидаги аниқ тўхтамга келингани йўқ. Шундай бўлса ҳам бир гуруҳ тилшунос олимларнинг илмий жиҳатдан асосланган изланишларига асосланиб, ундалма, уюшиқ бўлакли, ажратилган бўлакли гаплар, кириш сўз ва киритма иштирок этган гапларни мураккаблашган содда гаплар таркибига киритган ҳолда ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

### **1.1.1. §. Уюшиқ бўлаклар билан мураккаблашган содда гаплар**

Ҳар бир тилнинг маълум сатҳини тадқиқ этишда унинг ўрганилиш тарихига ҳам назар ташланади. Тарихийлик ва замонавийлик бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланиш босқичларини босиб ўтади. Жумладан, содда гапларни мураккаблаштирувчи синтактик сатҳ бирликлари – ундалмалар, уюшиқ бўлаклар, ажратилган изоҳ бўлаклар, кириш ва киритмалар ҳам ўрганилиш, тадқиқ этилиш тарихига эгадир. Қуйида уларнинг ўрганилиш тарихига тўхталамиз.

Бир хил синтактик қийматга эга бўлган ва улар гапнинг бошқа бир бўлагига тегишли бўлиб, шу бўлакка нисбатан бирдай синтактик муносабатда бўлган бирдан ортиқ гап бўлаклари уюшиқ бўлаклар саналади<sup>17</sup>.

“Гапнинг уюшиқ бўлаклари”, “уюшиқ бўлакли гаплар”, “мураккаб гаплар”, “уюшиқ қурилмалар” каби атамалар сифатида номланиб келинаётган бу синтактик бирликларнинг қўлланилишини қадим даврлар

<sup>16</sup> Худойберганова З., Ҳамидов X. Турк тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2015. – Б.261.

<sup>17</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик муносабатлар. – Самарқанд, 2003. – Б.65.

ёзма манбаларидагы ҳам учратишимиз мүмкін. Хусусан, XI аср ёзма ёдгорлиги бўлган “Девону лугатит турк”да уюшиқ бўлаклар фикрни таъсирчан ифодалаш воситаси сифатида қўлланилган:

Куш, қурт қамуғ тирилди,

Эрлик тиши терилди.

Ўкур олиб тарилди

Йинқа яна киргусуз (М.Қошғарий. “Девони лугатит турк”).

Асарда қўлланилган *қуш*, *қурт*, *эрлик*, *тиши* сўзлари уюшиқ эга сифатида тўртликнинг поэтик таъсирчанлигини акс эттириш учун хизмат қилмоқда.

Уюшиқ бўлакларнинг қўлланилиши қадим давларга бориб тақалса, уларнинг тишлинуослиқда тадқиқ этила бошланганлиги XX асрнинг 30-40-йилларига тўғри келади. Шу йилларда тадқиқот олиб борган Г.Д.Санжеев, Н.П.Дыренкова, М.Б.Балакаев каби тишлинуос олимларнинг илмий изланишларида туркий тилларда уюшиқ бўлакларнинг қўлланилиши ва вазифаси ҳақидаги фикрларни учратиш мумкин<sup>18</sup>.

А.Н.Кононов ўзбек ва турк тилларига оид грамматикаларида уюшган бош ва иккинчи даражали бўлакларни алоҳида-алоҳида баён этади. Олимнинг таъкидича, грамматик (морфологик) кўрсаткичлар орқали уюшиқ бўлакларнинг ифодаланиши 2 хил йўл билан амалга оширилади: 1) уюшиқ бўлакнинг ҳар бир аъзосига морфологик кўрсаткич алоҳида-алоҳида қўшилади; 2) бу кўрсаткич уюшиқ бўлакнинг факат охирги аъзосига қўшилади<sup>19</sup>. А.Н.Кононовнинг тадқиқ ишидан шу нарса ойдинлашадики, морфологик кўрсаткич уюшиқ бўлакли гапнинг ҳар бир аъзоси таркибида келишида мантиқий ургу асосий роль бажарса, иккинчи ҳолатда эса ўхшаш субъект ва объектлар орасидан мантиқан танланмаган уюшиқ бўлакли гап

<sup>18</sup>Санжеев Г.Д. Грамматика калмыцкого языка. – М.-Л., 1940. – С.106,109,119,120.; Дыренкова.Н.П. Грамматика шорского языка. – М.- Л., 1941. – С. 282—284.; Балакаев М. Б. Современный казахский язык. Синтаксис. – Алма-Ата, 1959. – С. 213—222.

<sup>19</sup> Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.-Л., 1960. –С. 387-389.

аъзолари учун ишлатилади. Муаллиф турк тили грамматикасига оид асарида мазкур тилдаги уюшиқ бўлакларнинг ифодаланиши, уларнинг боғловчи воситалар билан қўлланиши ҳамда айрим хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритади<sup>20</sup>.

Маълумки, Фитратнинг “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Наҳв” китоби ўзбек тилшунослиги тарихидаги муҳим манба ҳисобланади. Ҳали ўзбек тили синтаксиси деярли ривожланмаган, айрим синтактик атамалар тизими изга солинмаган даврда Фитратнинг ушбу дарслиги ўзбек тилшунослиги тарихида катта янгилик бўлди. Бу дарслик 1925-1930 йиллар давомида уч марта нашр этилди. Унинг 1930 йилда нашр этилган варианти нисбатан мукаммал бўлиб, “гапнинг уюшғон бўлаклари ёки қисқача уюшмалар” атамалари билан номланган уюшиқ бўлаклар дастлаб Фитратнинг шу асарида келтирилади. Шунингдек, аниқлов ва сифат уюшмаларида қаратқич ва сифатларнинг бирдан ортиқ келиши таъкидланади.<sup>21</sup> “Тил сабоқлиғи” ва “Наҳв” асарларидаги уюшиқ бўлакларга оид фикрлар ҳозирги даврга нисбатан анча содда бўлса ҳам, лекин тилшунослик учун муҳим илмий қарашлардан ҳисобланади.

Ўзбек тили синтаксисига оид масалаларнинг қизиқарли жиҳатлари турколог олимларнинг ҳам эътиборидан қолмади. “Современный узбекский язык” асари муаллифи, тилшунос В.В.Решетов уюшиқ бўлакли гапларнинг таркиб жиҳатидан содда ёйиқ гапдан фарқ қиласлигини айтиб<sup>22</sup>, ўзбек тилидаги уюшиқ бўлакларни уч гурухга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди<sup>23</sup>.

---

<sup>20</sup> Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М. – Л., 1956. – С. 630- 633.

<sup>21</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. Наҳв. (IV жилд) – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.197-200.

<sup>22</sup> Решетов В. Современный узбекский язык. – Ташкент, 1946, Ч. I. – С. 149.

<sup>23</sup> Решетов В. Современный узбекский язык. –Ташкент, 1946, Ч. I. – С. 149-150.

Ўзбек тилшуноси А.Ғуломов қайта таҳрирдан чиққан “Содда гап” илмий асарида гапда қўлланиладиган уюшиқ бўлаклар, уларнинг турлари ва ифода этиш йўллари ҳақида маълумот беради<sup>24</sup>.

Д.Ашурева, Ф.Убаева, Ҳ.Болтабоеваларнинг “Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари” илмий асари 2 қисмдан ташкил топган бўлиб, биринчи қисмда уюшган бўлакларнинг семантик-логик хусусиятлари, морфологик ҳамда синтактик белгилари, уларнинг ўзаро боғланиш усуллари ёритилган<sup>25</sup>.

Содда гап таркибини мураккаблаштирувчи уюшиқ бўлаклар ўзига хос услубий хусусиятга эга. Унинг бу хусусияти асосан, бадиий услубда намоён бўлади. Мураккаблашган содда гапни юзага келтирувчи ушбу синтактик бирлик бадиий асар таъсирчанлигини таъминловчи услубий восита сифатида пейзаж деталлари, ҳаракат динамикасини ифодалаш учун ишлатилади. Шунга асосан тилшунос Ҳ.Холиқов ёзувчи Абдулла Қаххор асарлари мисолида мураккаблашган содда гаплар услубиятини тадқиқ этиш жараёнида уюшиқ бўлакларнинг услубий хусусиятларини маҳсус тадқиқ этган<sup>26</sup>.

Бадиий услуб фақат замонавий ёки тарихий асарларга оид бўлмасдан, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам шу услубда яратилади. Эртакларга маълум халқнинг оғзаки ижоди намунаси сифатида таъриф берилар экан, уларнинг мазмунини ёритиши тил бирликлари воситасида амалга оширилади. Юқорида уюшиқ бўлакларда ҳаракат динамиклигини амалга оширувчи хусусият борлигини таъкидлаган эдик. Эртакларда воқеа-ҳодисалар, албатта, хатти-ҳаракат орқали ифодаланади. Шу жиҳатдан ўзбек халқ эртакларидағи аниқловчиларни маҳсус тадқиқ этган Н.Досанов бу бўлакларнинг уюшиқ ҳолда қўлланилишига ҳам эътиборни қаратади. Унинг фикрича, уюшиқ

---

<sup>24</sup> Ғуломов А. Содда гап. —Тошкент: ЎзФА, 1955. —Б. 92-97.

<sup>25</sup> Ашурева Д., Убаева Ф., Болтабоева Ҳ. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. — Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1962. — Б.179.

<sup>26</sup> Холиқов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти (А. Қаххор асарлари материаллари асосида). Филол.фандлари номзоди... дис. автореф. — Тошкент, 1993. — Б. 8-10.

бўлаклар фикрни аниқ, тўлиқ, образли ифодалаб, нутққа ифодалилик, эмоционаллик ва кўтаринкилиқ бериш учун хизмат қилади. Булар, айниқса, эртак тили учун жуда зарур хусусият<sup>27</sup> эканлигини таъкидлайди.

Ижтимоий фанларнинг ўзгарувчанлик хусусияти маълум фикр, масала доирасида турғунлик ва қатъийликнинг йўқлигига намоён бўлади. Бир мавзу доирасидаги фикр ва мушоҳадалар вақтга ва қарашларга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Жумладан, эътиборимизни қарататётган уюшиқ бўлаклар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар ҳам бир хилликни ташкил этмайди. Тилшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигига “уюшиқ бўлаклар” атамасининг ноўрин қўлланиши ҳақидаги қарашлар ҳам юзага келган. Маълумки, уюшиқ бўлаклар ўзаро teng алоқа муносабатига асосланувчи, икки ёки ундан ортиқ гап бўлакларининг синтактик вазифаси жиҳатидан бир хиллиқда бўлувчи, шунга биноан сўроғи ҳам бир хил бўлган тил сатҳи бирлигидир. Ш.Рахматуллаев таъкидича, “уюшиқ қатор ҳосил этувчи икки ва ундан ортиқ аъзо (лексемашакл, бирикмашакл) бир бутун ҳолда битта синтактик бўлак вазифасида келади, шунга кўра уюшиқ қатор билан ифодаланган эга, сифатловчи ва х.к. ҳақида гапириш тўғри, “уюшиқ бўлаклар” терминини ишлатиш ноўрин, чунки *-лар* аффикси “бир неча бўлак” тушунчасини беради, ваҳоланки, синтактик бўлак битта, фақат у уюшиқ қатор билан ифодаланган”<sup>28</sup>.

Анъанавий тилшуносликнинг синтаксис бўйлимида ўрганилаётган эга таркиби ва кесим таркиби, рема ва тема каби илмий атамалар ҳар қандай гап учун алоқадордир. Бу алоқадорликка биноан сўз ва гаплар мазмунан ҳамда шаклан кенгаяди. Тилшунос Ё.Тожиев мана шу жараёнга эътиборини қаратган ҳолда содда гапдаги тема ва рема қисмларининг кенгайишидан мураккаблашган содда гапнинг ҳосил бўлишини таъкидлайди. Олимнинг фикрича, содда гапнинг мураккаблашган содда гапга айланишини

<sup>27</sup> Досанов Н. Ўзбек халқ эртаклари тилида аниқловчилар. Филол.фанлари номзоди....дис. автореф. – Тошкент, 1994. – Б. 6.

<sup>28</sup> Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – Toshkent: Universitet, 2006. – Б. 364.

белгиловчи аниқ бир ўлчов, меъёр ёки қандайдир аниқ чегара, тамойил йўқ. Барча мураккаблашишлар тема ва реманинг кенгайиши ва изоҳланиши натижасида юзага келишини айтади... Мураккаблашган содда гапларнинг барча асосий андозаларини белгилаб чиқиш эса гап тема ва рема қисмларини белгиловчи эга ва кесимнинг кенгайиши имкониятлари ва қонуниятларини белгилашдан бошланади<sup>29</sup>.

Ўзбек тилшунослигида содда гапларнинг мураккаблашувини “синтактик шакл кенгайиши” деб аталувчи фикр илмий факт сифатида ўз исботини топаётганини юқорида айтган эдик. Р.Самандаров ҳам гап шаклининг синтактик мураккаблашуви кириш сўз ва бирикмалар, ундалмалар ва киритма қурилмалар орқали рўй бериши мумкинлиги, мазкур воситаларнинг гап таркибига киритилиши учун прагматик воқелик томонидан эҳтиёж сезилиши лозимлиги ҳақида ўз фикрини баён этган. Олимнинг қайд этишича, мазкур воситаларнинг синтактик фаоллиги аппликатив модел доирасида рўй бермайди. Зотан, улар гап таркибida қатнашаётган сўзлар билан тўғридан-тўғри синтагматик муносабат ташкил эта олмайди<sup>30</sup>.

Ўзбек тилшунослигида содда гап ва унинг трансформаларини ҳосил қилиш ҳақидаги фикрлар илгари сурилган илмий тадқиқотлар юзага кела бошлади. Хусусан, Ш.А.Алиеванинг илмий тадқиқотида иккинчи даражали бўлаклар, ундалмалар, ажратилган бўлаклар, кириш ва киритмалар каби кенгайтирувчи синтактик қурилмаларнинг содда гап трансформаларини ҳосил қилиши асосланган<sup>31</sup>.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, уюшиқ бўлаклар тилшуносликда маълум даражада ўрганилган ва ўрганилмоқда. Тилшунос

<sup>29</sup>Тожиев Ё. Туркий тилларда гап бош бўлакларининг кенгайиш имкониятлари ва қонуниятлари // Тил илмига садоқат. (Тўплам) — Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. — Б.3-9.

<sup>30</sup> Самандаров Р. Содда гап шаклининг аппликатив модел доирасида кенгайиши. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. — Фарғона, 2019. — Б.19.

<sup>31</sup> Алиева Ш. Тилнинг турли сатҳ бирликлари трансформация ва деривацияси. Филол. фанлари фалсафа докт-ри (PhD)... дис.автореф. — Фарғона, 2019. — 53 б.

олимларни қизиқтираётган мавзу бўлгани учун ушбу синтактик бирлик тўғрисида баҳсли фикр-мулоҳазалар ҳам бўлмоқда. Муайян мавзу атрофидаги баҳсли фикрлар эса ҳар доим қизиқарли ва салмоқли илмий янгиликлар яратилишига сабаб бўлади.

### **1.1.2. §. Ундалма ва ажратилган бўлакли гапларнинг тилшуносликда ўрганилиши**

Субъектнинг шахсий муносабати ўз фикрини тингловчига баён этиш жараёнида намоён бўлади. Бу баён этиш мазмунан ҳар хил шаклда ифодаланиши мумкин: қувонч, таъна, қўрқинч, нафрат каби. Мазмуний муносабатнинг гап бўлаклари ва уларга мансуб бўлмаган синтактик бирлик – ундалма воситасида ифодаланиши уларни функционал ва прагматик жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади. Тилшуносликда “ундаш оти” (А.Фитрат)<sup>32</sup>, “ундалма” (А.Гуломов, Ф.Абдураҳмонов, Б.Ўринбоев ва бошқа тилшунослар)<sup>33</sup>, “мурожаат бирликлари” (Н.Аҳмедова, Ҳ.Турдиева)<sup>34</sup>, “мурожаат шакллари” (З.Акбарова)<sup>35</sup> ва шу каби лисоний атамалар билан ўрганилиб келинаётган синтактик бирлик – ундалма ҳақидаги назарий қарашлар грамматик, услубий, қиёсий аспектда ўрганилган.

Деярли барча тилларда гап бўлаклари бош бўлаклар ва иккинчи даражали бўлаклардан иборат эканлиги маълумдир. Лексик, синтактик, морфологик хусусиятларига кўра ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларга эга гап бўлаклари сўз бирикмаси ва гапда, суперсегмент бирлик бўлган матнда бир гурухга бирлашади ёки айrim гурухларга ажralади. Гап бўлаклари қаторида

<sup>32</sup> Фитрат А. Танланган асарлар, IV жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.206.

<sup>33</sup> Гуломов А. Сода гап. – Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1955. – Б.97.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б.200.; Абдураҳмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 95-105.; Ўринбоев Б. Синтактик муносабатлар. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2005. – Б.119.

<sup>34</sup> Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б; Турдиева Ҳ. Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи (Форс ва ўзбек тилларидаги материаллар асосида ). Филол. фанлари фалсафа докт-ри (PHD)...дис.автореф. – Тошкент, 2020. – 50 б.

<sup>35</sup> Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи. Филол.фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 2007. – 135 б.

ундалманинг лексик ва семантик хусусияти, морфологик ва синтактик ифодаси, стилистик вазифасини тадқиқ этган А.Сайфуллаев уни “Учинчи даражали бўлак” деб атайди<sup>36</sup>. Олимнинг фикрича, ундалма гапда бош ва иккинчи даражали бўлак вазифасини бажара олмайди, балки сўзловчининг ўз сухбатдошига мурожаатини билдиради. Шунинг учун ундалма, умуман, гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган бўлаклар – гапнинг учинчи даражали бўлаклари деб аталиши мақсадга мувофиқ<sup>37</sup>. Бунга кўра, гап таркибидаги бош бўлаклар сифатида эга ва кесимни, уларга тобе боғланиб, маъносини изоҳлаб келган бўлаклар сифатида иккинчи даражали бўлакларни, ҳар иккала гурухга кирмайдиган синтактик бирликларни эса учинчи даражали бўлакларга киритади<sup>38</sup>. Учинчи даражали бўлак ва унга ундалманинг мансублиги ҳақидаги фикр-мулоҳазага қўшилиш қийин. Сабаби тилшуносликда бу тўғрисидаги илмий назариялар ишлаб чиқилмаган. Изоҳ сифатида шуни айтиб ўтишимиз жоизки, дастлаб турколог олим И.А.Батманов томонидан илмий муомалага олиб кирилган учинчи даражали бўлаклар атамаси бевосита иккинчи даражали бўлакларга тааллуқли бўлиб, уларни кенгайтириб келган таркибий қисмлардир. Мустақил бўлаклар (независимые члены) номи билан изоҳланган ундалма, кириш сўз ва кириш гаплар ана шундай таркибий қисм сифатида таъкидланади. А.Сайфуллаевнинг юқоридаги фикрига мантиқан жавоб билдирган Ҳ.Усмонова бутунни бўлакларга ажратиш тамойили нуктаи назардан муаллиф фикрлари тўғрилигини, аммо “гап бўлаклари” атамаси остида тобе муносабатга киришувчи синтаксемаларнигина тушуниш гапни ташкил этган бирликларнинг айримларини гап бўлаклари тизимидан чиқариб юбориши<sup>39</sup> ҳақидаги долзарб масалани илгари суради. “Ундалма ва кириш

<sup>36</sup> Сайфуллаев А. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлакларининг семантикаси ва грамматикаси. –Тошкент, 2000. – Б.32.

<sup>37</sup> Сайфуллаев А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма. –Тошкент: Фан, 1968. – Б.71.

<sup>38</sup> Қаранг. Усмонова Ҳ. Ўзбек тилидаги гап бўлакларининг позицион тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2005. – Б.7.

<sup>39</sup> Усмонова Ҳ. Юқоридаги асар. – Б. 6.

курилмаларнинг хос гап бўлаги эканлигини таъкидлаган”<sup>40</sup>, “ундалмалар орқали маълум мақсад, маълум фикр ҳам ифодаланиши мумкин, асосий гап мазмуни ана шу мақсад ёки фикрга муносабат билдиради”<sup>41</sup> – дея мулоҳаза юритган Ф.Абдураҳмонов тарихий асарларда, хусусан, “Ҳибатул ҳақойик” асарида ундалмаларнинг қўлланилишини тадқиқ этган.

Ундалмани мазмунан кенгроқ тушунча – мурожаат бирлиги сифатида талқин этган Р.Расулов ва Н.Ахмедовалар “ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни ифодаловчи ва гап бўлаклари билан мазмунан боғланадиган, аммо грамматик алоқага киришмайдиган синтактик бирлик ”<sup>42</sup> эканлигини изоҳлайди. Бошқа бўлаклар билан мазмунан боғлиқ бўлган ундалманинг грамматик жиҳатдан алоқага кириша олмаслиги ҳақидаги назарий фикрлар тилшуносликда кўплаб учрайди.

Шунга ўхшаш фикр баъзи ғарб тилшунослари, хусусан, Г.А.Руднев илмий асарларида ҳам учрайди<sup>43</sup>. Лекин айрим илмий тадқиқотларда бу фикрларга қарши фикрлар ҳам мавжуд. Хусусан, ундалманинг учинчи даражали бўлак эканлигига қўшилмаган ўзбек тилшунослари О.Бозоров ва О.Бозорвлар бу бирлик ҳақида қўйидаги фикрларларни билдиради: “Бўлак (гап бўлаги)нинг нечанчи даражали бўлишидан қатъий назар, назарий ажратилиш асоси “грамматик боғланиш”дир. Ундалма бошқа сўzlари билан грамматик боғланмас экан, уни бўлак ёки учинчи даражали бўлак ҳисоблаб бўлмайди... Гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайдиган синтактик бирлик ўта умумий ва мавхум баҳоланувчи ундалма-гап, “ундалмали содда гап-қўшма гап”, – деган фикрга келади<sup>44</sup>.

---

<sup>40</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.57.

<sup>41</sup> Абдураҳмонов Ф. Тарихий синтаксис. – Тошкент: Фан, 1974. – Б.112.

<sup>42</sup> Расулов Р., Ахмедова Н. Ундалмами ёки мурожаат бирлиги? // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – № 2. – Б. 87.

<sup>43</sup> Руднев. А.Г. Синтаксис осложненного предложения. – Москва : Учпедгиз, 1959. – С.97.

<sup>44</sup> Бозоров О., Бозоров О. Ундалма-гап, ундалмали содда гап-қўшма гап // Тилшуносликнинг долзарб муаммолари, VI китоб. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.104-106.

Тилшунослиқда тил сатҳи бирликларини қиёслаб, өфшириш асосида уларга оид ҳар қандай назарий қарашлар “чархланади”. Айниқса, турли оила ва туркумга киравчи тиллар доирасида бўлса маълум тил бирлигининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бир-бирига муқояса қилинади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги ундалмага замонавийлик жиҳатдан ёндашиб ўрганилган ишлардан бири сифатида Ж.Е.Сейтжановнинг илмий тадқиқот ишини келтириш мумкин. Ундалманинг лисоний хусусиятларини инглиз ва ўзбек тиллари мисолида тадқиқ этган олим ушбу синтактик бирликнинг прагматик, когнитив ва маданий хусусиятларига ҳам қиёслаб ўрганади. Замонавий тилшунослик йўналишларига асосланиб ундалманинг 9 хил вазифасини кўрсатган ҳолда баҳолаш вазифасини ҳам алоҳида таъкидлайди ва баҳо муносабатининг нейтрал, ижобий ва салбий турларини қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этади<sup>45</sup>.

Синтактик бирликнинг кичик тизими сифатида талқин қилинаётган ундалманинг грамматик, синтактик вазифаларни бажариши тилшунослар томонидан ўрганилган. Замонавий тилшунослиқда ҳар бир лисоний ҳодисага прагматик ва семантик жиҳатдан ёндаиш тил бирликларининг янги қирраларини “кашф этиш”га сабаб бўлмоқда. Бу эса прагматик назариянинг асосий ўрганиш обьекти бўлган нутқий фаолиятда акс этади. Нутқий фаолият маъно-мазмунининг сўзловчи ва тингловчи томонидан бир хил тушунилиши прагматик аспектлардан бири саналади. Прагматикада нутқий акт ва уни юзага келтирувчи воситалар, этнопрагматик омилларнинг мулоқот матнида ифодаланишини хорижий тил мисолида ўрганишга бағишлиланган тадқиқот ишларининг ривожини алоҳида таъкидлаш зарурдир. Нутқий мулоқот ҳар бир тилда мавжуд ва бу ўша тилда сўзлашувчи шахсларнинг коммуникатив мақсади билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Коммуникатив мақсад эса очик, яширин ёки тагмаъноли тарзда амалга ошади ва бу жараёнда лисоний

---

<sup>45</sup> Сейтжанов Ж. Инглиз ва ўзбек тилларида ундалманинг қиёсий тадқиқи. Филол.фанлари номзоди... дис. — Тошкент, 2012. — 132 б. // uz. denemetr.com.

воситалар фаол иштирок этади. А.Ф.Шамахмудова испан тилидаги мuloқот мақсадининг тагмаъноли воқеланишини таъминловчи лисоний воситалар гурухларини ажратган. Бу ажратишга “нутқий актлар назариясида фаолиятга ундаш ҳаракатини директив нутқий актлар сифатида қараш”<sup>46</sup>га асос бўлғанлиги инобатга олинса, ушбу фаолиятда, албатта, ундалма иштирок этади. Демак, ундалма синтактик бирлик сифатида ҳар қандай нутқий мuloқотда фаол ишлатилар экан, бу фаолиятнинг самарали ва таъсирчан бўлишига ёрдам беради. Негаки, мuloқот жараёнида икки коммуникант – адресант ва адресатнинг фаол иштирокини эътиборга олсак, ундалма тингловчи, яъни адресат мақомида бўлади. Адресат мақомида бўлган ундалма узатилаётган ахборотни қабул қилувчи сифатида когнитив таҳлилни амалга оширади, анализ ва синтез қилади.

Анъянавий ва замонавий тилшуносликда ундалмага синтактик бирлик сифатида қаралган илмий тадқиқотлар кўп бўлишига қарамасдан, унинг аксиологик модалликни шакллантириш имкониятлари алоҳида ўрганилган эмас. Бу эса ундалманинг янги лисоний–прагматик хусусиятларини тадқиқ этишни тақозо этади.

Тилшуносликда гап бўлаклари концепцияси ҳозирга қадар гапнинг синтактик анализида асосий роль ўйнайди. Синтактик сатҳнинг асосий бирлиги бўлган гап бўлаклари ўзига хос вазифа ва моҳиятга эгалиги билан характерланади. Аммо гап бўлаклари, хусусан, ажратилган бўлакларга нисбатан илмий қарашлар бир хил бўлган эмас.

Рус тилшуноси А.М.Пешковский томонидан олиб кирилган гапнинг ажратилган бўлаклари термини остида гапнинг иккинчи даражали бўлакларининг маълум бир шароитда интонация, ритм ҳамда ўзини қуршаб

<sup>46</sup> Шамахмудова А.Ф. Билвосита нуткий актларни мuloқот матнида воқелантирувчи этнопрагматик омиллар (испан тили мисолида ). Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. — Самарқанд, 2019.—Б.15.

турган бошқа бўлакларга муносабати нуқтаи назардан алоҳида эргаш гапларга ўхшаб қолиши тушунилади<sup>47</sup>.

Синтактик бирлик бўлган, гапнинг асосий бўлакларидан пауза билан ажратилиб, ўша бўлакни таъкидлаб, бўрттириб, алоҳида интонация билан талаффуз қилинувчи ажратилган бўлак ҳақидаги дастлабки маълумотлар ўзбек тилшунослигида F.Абдураҳмонов томонидан тадқиқ этилган. Шу тариқа олимларнинг дикқат-эътибори ушбу бирликка қаратилди.

Ажратилган бўлак ҳақидаги лингвистик назариялар мукаммаллашиб, оборотлар, кўмакчили конструкциялар, изоҳлар, грамматик тартибининг ўзгариши асосида ҳосил бўладиган ажратилган бўлак ҳақидаги янги қарашлар юзага келди<sup>48</sup>. Б.Ўринбоев эса ажратилган бўлак гапнинг синтактик шаклига эмас, мазмунига таъсир қилишини таъкидлайди.

Ўзбек тилшунослигида ҳар бир сатҳ бирликларининг мазмун томонини ўрганишга қаратилган илмий назариялар тадқиқот обьектига айланди. Синтактик сатҳда ўз ифодасини топган ва айрим синтактик бирликларнинг мазмунини ўрганишни мақсад қилган мазмуний синтаксисда ажратилган бўлакларга ҳам эътибор қаратилган. Содда гапни мураккаблаштирувчи ажратилган бўлаклар айнан мана шу мазмуний синтаксиснинг ўрганиш обьекти ва бу бўлаклар гапнинг синтактик шаклига эмас, кўпроқ мазмунига дахлдор эканлигидан бу бўлакка нисбатан янгича илмий қарашнинг бўлиши табиий. Гап бўлакларининг ажратилиши маълум бир мақсад билан амалга оширилар экан, ушбу мақсаднинг натижаси мазмуннинг мураккаблашиши билан якун ясади: “Ажратилган бўлак гапнинг бошқа қисмларидан ифодаланган асосий ахборотга қўшимча ахборот юклайди. Натижада бундай

---

<sup>47</sup>Бу хақда қаранг. А.Нурмонов. Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари. Танланган асарлар, 3-жилд. – Тошкент, 2012. – Б.164.; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – Москва, 1956. – С. 412.

<sup>48</sup> Болтабоева Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. – Тошкент: Фан, 1969. – 173 б.

бўлаклар иштирок этган гаплар мазманий мураккаблик касб этади: асосий ахборот, қўшимча ахборот”<sup>49</sup>.

Ёрмат Тожиев озарбайжон тилшуноси Э.Х.Тоғазода, ўзбек тилшунослари А.Ғуломов, Ф.Абдураҳмоновлар илгари сурган (ажратилган бўлаклар қатнашган гапларнинг мураккаблашган гаплар деб аталиши) назарияга ўз муносабатини билдириб, ажратилган бўлаклар қатнашган гаплар мураккаблашган содда гапларнинг алоҳида кўриниши эканлигини исботлаб берди<sup>50</sup>.

Турли тиллар тизимидағи тил сатҳи бирликларини қиёсий ўрганиш, маълум мавзу доирасидаги илмий қарашларни таққослаш ва қиёслаш фан ривожига самарали ҳамда ижобий таъсирини ўтказади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муаллифларнинг ажратилган бўлакли гаплар ҳақидаги илмий-назарий қарашлари ҳар хил бўлганлиги билан фикр қаратилган обьект – ажратилган бўлакларнинг хусусиятларини изоҳлаш умумийликка эга.

### **1.1.3.§. Кириш сўзлар ва киритма гаплар**

Нутқий мулоқотда сўзловчи барча лисоний бирликлардан бирдек фойдаланишга ҳаракат қиласи, шу жараёнда коммуникатив синтаксисга эҳтиёж туғилади. Сўзловчи, тингловчи ҳамда нутқий фаолиятни асосий ўрганиш обьекти деб қарайдиган коммуникатив синтаксис нутқий алоқалардаги ўзига хосликларни ҳам назардан четда қолдирмайди. Нутқий мулоқотда фаол қўлланиладиган кириш қурилмалар ҳам семантик маъно ва прагматик вазифа бажарганлиги учун тилшуносларнинг диққат марказида бўлган. Рус тилшунослигига кириш сўзларни В.А.Ицкович, Н.Ю.Павловская,

<sup>49</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 63.

<sup>50</sup> Тожиев Ё. Туркий тилларда гап бош бўлакларининг кенгайиш имкониятлари ва конуниятлари // Тил илмига садоқат. (Тўплам) –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б.12 .

О.М.Лашкевич, И.Е.Намакштанская, Е.В.Романова, Е.Маркасова,  
Д.В.Руднев<sup>51</sup> каби олимлар ўзларининг тадқиқот объектига айлантирганлар.

Тилшунос олима О.С.Ахманова сўзга “гапнинг юзага чиқиши имконияти бўлган ва фақат синтактик планда қараладиган минимуми” сифатида қаралиши лозим бўлган ҳосила деб таъриф беради ва уни синтактик вазифаларига кўра турларга ажратиб чиқади<sup>52</sup>. Мана шу ажратиш парадигмасига кириш сўз ва киритувчи сўзларнинг ҳам тааллуқлигини айтади. Кириш сўз ва киритмалар тилшунослик мактабларида “вставочные конструкции”, “вводные слова” (кириш сўзлар) атамалари билан изоҳланган<sup>53</sup>.

Тилшуносликда кириш сўзлар, кириш бирикма ва киритмаларнинг айни бир лингвистик атама остида бирлашиши ҳақида ягона фикрнинг мавжуд эмаслиги ўзбек тилшунос олимлари ўртасида ҳам турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Кириш ва киритмаларнинг асосий гап ёки микроматн билан бевосита грамматик алоқага кириша олмаслигини англатувчи ва умумлаштирувчи атама йўқ. Ўзбек тилида ҳам бошқа айрим тилшуносликлардаги каби кириш ва киритмаларни умумлаштириб ифодаловчи атама сифатида “парантеза”, “парантез бирликлар терминларини

<sup>51</sup> Ицкович В. А. К истории вводных слов, словосочетаний и предложений в русском языке .Автореф. дис. ... канд. филол. наук / В. А. Ицкович. – Львов, 1954. – 16 с.; Павловская Н. Ю. Вводные единицы в текстах памятников старорусской письменности XVI–XVII вв. (состав, происхождение, вопрос генезиса). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Минск, 1990. – 24 с. ; Лашкевич О.М. Роль вводных слов и словосочетаний в выражении модальности текста. Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1984. – 174 с.; Намакштанская И.Е., Романова Е.В. Вводные конструкции в текстах поэтических произведений В.С.Высоцкого // Научный вестник Воронежского государственного архитектурно-строительного университета. – Воронеж, 2013. – № 10. – С.20-30.; Маркасова Е. «Я не употребляю древние вводные слова...» (о судьбе вводных конструкций в русском языке последнего десятилетия) // Slavica Bergensia. From Poets to Padonki : Linguistic Authority and Norm Negotiation in Modern Russian Culture. Т. 9, 2009. –С.80–96.; Руднев Д.В. История образования вводного слова значит // Вестник ВГУ. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2014. – № 3. – С.79-82.

<sup>52</sup> Карапг. Пардаев А.Б., Курбонов С.А. Сўз таърифи хусусида // Журнал «Интернаука». – № 11 (15), Часть 2, 2017 г. – Б.95-96.; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Москва, 1969. – 608 с.

<sup>53</sup> Котляр Т.Р. Вставочные конструкции в современном английском языке: Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1961.– 400 с. ; Малявин Д.В. Вводные элементы и вставки в составе предложения в современном английском языке: Автореф. дис. .... . канд. филол. наук. – Запорожье, 1963. –20 с. ; Останин А. Вводные слова и словосочетания в современном русском языке. Автореф. дис. .... канд. филол. наук. – Саратов, 1969. –17 с.; Кадыров Б. Вставочные слова и словосочетания в современном таджикском литературном языке. Дис. ...канд. фил. наук. – Худжанд, 1999. – 142 с. // dissertcat.com.; Рысаева Г.А. Вставочные конструкции в современном башкирском литературном языке. Дис. ... канд. филол. наук. – Стерлитамак, 2002. – 155 с.

кўллаш мақсадга мувофик. Бу синтактик бирликларнинг янги ва тадқиқ этилмаган қирраларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан очиб бериш тилшунос олимлар олдидаги асосий вазифалардан бири саналади.

Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек тилидан бир тажриба. Наҳв” асарида кириш сўз ҳам, киритма гаплар ҳам ягона – “кириш сўз” атамаси остида ўрганилган ҳамда араб тилида “муътариза”, рус тилида “вводное слова” деган сўзларига тўғри келиши ҳақида маълумот берилган<sup>54</sup>.

Ўзбек тилшунослигидаги янги илмий-назарий қарашлар кириш курилмаларнинг янги хусусиятларини ўрганишни, тадқиқ қилишни тақозо этмоқда. Айниқса, кейинги йилларда замонавий тилшуносликда алоҳида тадқиқ этилаётган матн лингвистикасида лисоний бирликларнинг семантик, прагматик, лингвокультурологик, лингвопоэтик хусусиятлари олимларимиз томонидан ўрганилаётганлиги тилшунослигимиз ривожидан далолат беради.

Парантеза термини остига бирлаштирилган синтактик бирликларнинг содда гапларни мураккаблаштиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида мунозарали фикрлар ҳам бор. Жумладан, Д.Жамолиддинова киритма қатнашган гапларни “мураккаблашган содда гап”, “кириш гапли содда гап” каби ифодалар тарзида эмас, балки қўшма гап таркибида ўрганиш кераклигини таъкидлайди. Бунга “предикатив парантезали гапларда икки (ёки ундан ортиқ) кесимнинг мавжуд”лигини, “одатдаги қўшма гапларда тенгланиш (боғланган қўшма гаплар) ва тобеланиш (эрғашган қўшма гаплар) муносабатидаги алоқа мавжуд бўлса, парантезали қўшма гапларда киритиш, яъни интродуктив муносабатдаги алоқа мавжудлигини”<sup>55</sup> сабаб қилиб кўрсатади. Бизнингча, бу фикрга қўшилиш қийин. Негаки, қўшма гап ва киритма гаплар ўрганилиш объекти жиҳатидан бир сатҳга мансуб бўлса ҳам, грамматик структураси ўхшащдек қўринса ҳам, аммо киритмаларнинг ўзлари

<sup>54</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б.208-209.

<sup>55</sup> Жамолиддинова Д. Қўшма гапларнинг ўзига хослиги хусусида // Тил ва адабиёт таълими, 2009. – №10. – Б.17.

қатнашаётган гап орасидаги синтактик алоқаси қўшма гап қисмлари орасидаги алоқадан фарқ қилади.

Ўзбек тилшунослигига киритмаларни маҳсус тадқиқ этган олимлардан бири И. Тошалиев ушбу синтактик бирликларнинг нафақат содда гапларда балки қўшма гап, мураккаблашган гап турли типлари, мустақил гаплар орасида ҳам қўлланилишини таъкидлайди: “Киритма конструкциялар ўзлари киритилган гап типини ўзгартирмайди, балки уни мураккаблаштиради, холос. Киритма конструкциялар билан гап структурасининг мураккаблашуви содда ва қўшма гаплар доирасида бир хилдир”<sup>56</sup>. Олимнинг ушбу фикрларидан киритмалар ҳар қандай гап типларида қўлланилиши ва уларнинг иштирокидан ўша гап мураккаблашган гапга айланади, деган якуний хуносага келамиз.

Тилшунослик соҳасида айрим вақтларда баъзи лисоний бирликларга нисбатан шартли равишда ишлатилиш сифатлари қўлланилади. Баъзи илмий адабиётларда “кириш сўзлар” атамасининг шартли қўлланганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди. Масалан, “Русский синтаксис в научном освещении” илмий асарида “Рус тилида шаклсиз сўзларнинг саккиз тури бор”лиги санаб ўтилиб, “кириш сўзлари (у, албатта, келади; йўқ, у келмайди; ҳа, мен биламан); “кириш” атамаси биз томонимиздан шартли равишда қабул қилинган ва бу ушбу тоифадаги баъзи сўзларга мос келмайди” деган фикрлар бор<sup>57</sup>. Бу фикрда, бизнингча, ғализлик бор: сўзлар шаклсиз бўлиши мумкинми? Мумкин бўлса, нима учун кириш сўзларни бу тоифага киритган? Бу каби фикрга келишининг сабаби – киришлар мустақил лексик маънога эга эмаслиги, матндаги айрим сўз, сўз бирикмалари маъносига фақат қўшимча маъно берадиган сўзлар бўлганлиги учун ҳам шундай фикр юритишга асос бўлган.

<sup>56</sup> Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.121.

<sup>57</sup> Пешковский А. Русский синтаксис в научном освещении /А.М. Пешковский; [Предисл. Ю.Д. Апресян]. – Москва : Яз. славян. культуры, 2001. – С. 30 – 61, 85 – 89.

Кейинги йилларда матн ва у билан боғлиқ прагматик хусусиятлар тишлиунослар эътиборини тортмоқда. Матннинг мураккаб синтактик структурадан иборатлилигини эътироф этган ҳолда, унинг таркибий қисмлари орасини ўзаро боғлаш вазифасини бажарувчи дейктик бирликлар борлигини алоҳида қайд этишимиз зарур. Дейктик бирликлар бу – матн семантик қурилишида ўзига хос ўрин тутган ишора бирликлари. Р.Давлатова айрим олмош ва олмошли қурилмалар, баъзи мустақил ва ёрдамчи сўзлар, айрим сўз бирикмалари ва гаплар қаторида кириш қурилмаларни ҳам дейктик бирликлар қаторига қўшади ва “бу бирликлар ўзи қўлланган гапдан олдинги ёки кейинги қисмга ишора қилиб дейктик хусусият касб этиши”ни таъкидлайди<sup>58</sup>.

Илмий тадқиқот ишимиznинг асосий обьекти бўлган модаллик категорияси ҳам “кириш сўз вазифасида келган маҳсус модал сўз ёки модал вазифадаги бошқа сўзлар ёрдамида ифодаланади. Субъектив модаллик орқали, ўз навбатида, сўзловчининг ўз фикрига турли муносабатлари намоён бўлади: ишонч (албатта, келаман), тасдиқ (тўғри, келаман), гумон (эҳтимол, келаркан), ачиниш (афсус, келаман) ва бошқалар”<sup>59</sup>.

Кириш сўз ва қурилмаларнинг тил ва нутқ нуқтаи назаридан ўрганилиши уларнинг имкониятлари кўплигидан далолат беради. Бу имкониятларни иложи борича ҳар бир тил сатҳи бўйича кўриб чиқиши тишлиунослик соҳасида ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар борлиги билан изоҳланади. Кўриниб турибдики, юқоридаги илмий тадқиқотларда синтактик сатҳ бирликларидан қай бирлари содда гапни мураккаблаштириши хақидаги аниқ тўхтамга келингани йўқ ва буни қўйидаги жадвал асосида изоҳлашга ҳаракат қилдик:

<sup>58</sup> Давлатова Р. Матн дейксиси ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши // Филологические науки: состояние, перспективы, новые парадигмы исследований. II Международная научная конференция, посвященная 100-летию образования Республики Башкортостан и 110-летию создания Башкирского государственного университета. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2019, ТОМ 1. – С.50.

<sup>59</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 39.

## 1.1-жадвал

### Синтактик сатҳ бирликларининг мураккаблашган содда гаплар таркибиға киритилиши

(Ўзбек тилшунос олимлари тадқиқига асосан )

Мураккаблашган содда гаплар										
№		Үндаима	Уюшик бўлакли гаплар	Кириш ўзлар	Киритма гаплар	Ажратилган изоҳ бўлаклар	Равишдош феъли ўрамлар	Сифатдош феъли ўрамлар	Ҳаракат номили феъли ўрамлар	Шарт майлидаги феъли ўрамлар
1	Ғ.Абдураҳмонов	+	-	+	+	+	-	-	-	-
2	А.Ғуломов	+	+	+	+	+	-	-	-	-
3	М.Аскарова	+	+	+	+	+	-	-	-	-
4	Х.Болтабоева	+	-	+	-	+	-	-	-	-
5	Б.Ўринбоев	+	+	+	+	+	+	+	+	
6	Н.Махмудов, А.Нурмонов	+	+	+	+	+	+	+	+	+
7	С.Аширбоев	+	-	+	+	+	-	-	-	-
8	З.Худойберганова, Ҳамидов Ҳ	+	+	+	+	-	-	-	-	-

Жадвалдан кўринадики, мураккаблашган содда гаплар ва унинг таркибиға кирадиган синтактик бирликлар бир хил эмас. Мураккаблашган содда гапларга баъзи бир тилшунос олимларимиз мураккаб гап деб, баъзилари эса қўшма гап сифатида қарашади. Ҳозирги замон тилшунослик фанида мураккаблашган содда гап тушунчасига тез-тез мурожаат қилинади. Бу тушунчанинг баҳсли, мунозарали томонлари синтаксемаларнинг мазмун ва шакл тузилишига тааллуқлидир.

### 1.2.§. Аксиологик модалликнинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигига ўрганилиши

Инсоният пайдо бўлибдики, ҳар бир фаолият ва жараёнга ўзининг шахсий (хусусий) муносабатини тил орқали баён этади. Тил ҳар бир халқнинг ифодаловчиси сифатида қадриятлар тизимини, жамиятда мавжуд бўлган баҳоларни, ҳар бир миллат учун доимий ва аҳамиятли бўлган

қадриятларни акс эттиради. Қадрият тушунчаси инсон ва у ҳақидаги мазмун-моҳиятни белгиловчилардан бири ҳисобланади ва унинг фаолиятини йўналтириб, белгилаб туради. Қомусий олим Беруний таъкидлаганидек, “Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришидир”<sup>60</sup>.

Дунёдаги ҳодисаларнинг долзарб ёки мумкин бўлган вазияти ҳақида маълумот берувчи маънолар тизимини шакллантириш билан боғлиқ бўлган билими ва когнитив фаолияти жараёнида субъект фаол шахс сифатида намоён бўлади. Негаки, шахснинг онгли фаолияти ҳақиқатни ҳиссий ва баҳолаш идроки билан акс эттиришда намоён бўлади. Баҳолаш идроки ўз навбатида “донолик” билан ўзаро боғлиқдир. “Донолик – инсонга Аллоҳ баҳш этган, ҳаёт сабоқлари билан сержило бўлган ақлий салоҳиятдир, юксак ахлоқий қадриятларга таяниб ўйлаш ва фикрлаш, умумий хуносалар қилиш имкониятидир”<sup>61</sup> ва бу имкониятдан барча бирдек фойдалана олиши мумкин.

Инсоннинг ташқи дунё билан мураккаб муносабатларини ўрганиш тарихи қиймат ва баҳони шахс онгининг энг муҳим даражаларидан бири деб ҳисоблайди. Шу сабабли ижтимоий фанларнинг турли соҳа мутахассислари “қадрият” тушунчасини ўз ёндашувлари бўйича талқин қилганлар. Қиймат ва баҳолаш муаммоси фалсафий фанларда (аксиология, гносеология, мантиқ, ахлоқ, эстетика, этика) атрофлича муҳокама қилинди, уларнинг баъзиларида қиймат ва баҳолаш “акс эттириш” ва “англаш”га асосланган илмий категориялар вазифасини бажаради. Фалсафий термин сифатида қўлланилаётган “аксиология”да қадриятлар ҳақида баҳс юритилади. Шу ўринда қуидагини таъкидлаш ўринлики,... инсон табиатнинг энг олий мўъжизаси, тарихий тараққиётнинг ижтимоий маҳсули сифатида жамиятдаги асосий қадриятдир. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий одиллиги унда умуминсонийлик мезонларига амал қилиниши, пировард натижада инсон қадрининг қай даражада эканлиги, шахснинг индивидуал қадриятларни

<sup>60</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўхна Шарқ даргалари. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.38.

<sup>61</sup> Юсупов Э. Шарқ фалсафаси ва инсонпарварлик // Жаҳон адабиёти, 2003. – №.10. <https://ziyo.uz>.

намоён қилиши учун имкониятлар яратилганлиги билан боғлик. Инсоннинг ўзи ижтимоий тизим бўлгани каби, унинг шахсий–индивидуал қадриятлари ҳам якка аксиологик тизимдир<sup>62</sup>. Демак, даставвал аксиологик муносабат (модаллик) инсонга нисбатан берилаётган баҳо муносабатида ўз аксини топиб, “қиймат” тушунчаси билан яхлитликда намоён бўлади.

“Қиймат” тушунчаси XIX асрнинг 60-йилларида фалсафий лексема сифатида немис файласуфи, врач ва табиатшуноси Герман Лотце томонидан илмий муомалага олиб кирилди. XX асрнинг биринчи ўн йилликларида қадр-қиймат ҳақидаги билимдан мустақил соҳа – “аксиология” ажралиб чиқади. Бу терминнинг муаллифлари француз файласуфи Паул Лапи (1902 й.) ва немис файласуфи Эдуард фон Хартменн хисобланади (1908 й.)<sup>63</sup>. “Аксиология” сўзи юонон тилидан олинган бўлиб, **axia**-қадр, қиймат, **logos**-таълимот, деган маъноларни билдиради, яъни “қадр-қиймат, қадрият ҳақидаги таълимот”dir. Бугунги кунда кўплаб тадқиқотчилар XXI асрни фанлар интеграцияси асри деб хисобламоқдалар. Маълум фан соҳасига оид атамаларнинг маъно ва мазмунидан чекинмаган ҳолда бошқа соҳада қўлланиши ана шу интеграциянинг бир кўринишидир. Фалсафа ва мантиқ илмида қўлланувчи “аксиология” термини тилшуносликка кириб келди ва аксиологик тилшунослик (лингвоаксиология) соҳаси ўзининг предмети, мақсади ва вазифасига эга бўлди. Шу ўринда мантиқда қўлланилиб келинаётган модаллик (муносабат) ва баҳо категорияси ҳам аксиология билан уйғунлашиб, “аксиологик модаллик” ва “аксиологик баҳо” лингвистик терминлари пайдо бўлди.

Тилшуносликда баҳо назарияси ва аксиологик муаммога қизиқишнинг ортиши натижасида илмий тадқиқотлар юзага кела бошлади. Рус тилшунослари Е.М.Вольф, Н.Д.Арутюнова, А.А.Ивин каби тилшуносларнинг

<sup>62</sup> Назаров К. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксиологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари). Фалсафа фанлари д-ри дис. – Тошкент, 1996. – Б.157.

<sup>63</sup> Багаутдинова Г. Человек во фразеологии: антропоцентрический и аксиологический аспекты. Автореф. дис. ... д-ра филол.наук. –Уфа, 2007. – С.27.

тадқиқотларида баҳолаш ва аксиологик модалликка доир қимматли фикрлар мавжуд.

Шу ўринда аксиологик модаллик ва аксиологик баҳо фалсафий терминларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларига бир оз тўхталсак. “Воқеликка, ундаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан қадриятли муносабат ва ҳамда уларни қадрлаш туйғуси асосида шаклланган ҳукм ва хуласалар аксиологик баҳода акс этади... аксиологик баҳолаш нарса, ҳодиса ёки жараённинг иқтисодий қийматини, фойдалигини белгилаш орқали эмас, балки унинг субъект маънавий олами учун қандай аҳамият касб этишини аниқлаш орқали амалга ошади”<sup>64</sup>. Аксиологик модаллик эса қадрият семасига эга тушунча ва лексемаларга нисбатан субъектнинг шахсий муносабати сифатида матнда акс этади. Демак, аксиологик баҳо негизини аксиологик модаллик ташкил этар экан.

Тилшунослиқда модаллик ҳақида кенг ва атрофлича ёритилган хилмачил қарашлар мавжуд (А.Шахматов, Ш.Балли, Э.Бенвинист, Е.Вольф, Н.Арутюнова, Ж.Якубов)<sup>65</sup>. Шу ўринда модаллик ҳақидаги фикрларни умумлаштириб модалликка ишчи таъриф беришни лозим топдик: модаллик нутқий акт мазмунининг сўзловчи онгида акс этиши ва унинг сўзловчи томонидан турли семантик категориялар орқали муносабат “кўринишида” юзага чиқишидир. Баҳолаш фаолиятида ҳам акс этадиган ушбу муносабатда модаллик категорияси ҳам ифодаланиб, функционал-семантик вазифаси жиҳатидан мутаносибликка эга.

Илмий тадқиқотларида қадрият ва баҳо, уларнинг семантик вазифаларини тадқиқ этган Е.М.Вольф аксиологик модалликка оид жиҳатларни ҳам ёритиб ўтади ва бу жараённи функционал-семантик

<sup>64</sup> Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. –Б.24.

<sup>65</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языке. – Москва: Иностранная литература, 1955. – С. 234-235.; Арутюнова Н.Д. Об объекте общей оценки // Вопросы языкоznания. – Вып. 3. – Москва, 1985. – С. 13- 24; Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – Изд. 2-е, доп. – М., 2002. – 280 с. ; Ивин А.А. Основания логики оценок. – Москва, 1970. – 230 с.

томондан текширади. Модаллик ва унинг турлари ўртасидаги алоқани мисоллар ёрдамида тушунтирган рус тилшуноси Е.М.Вольф аксиологик модалликнинг ўзига хос формуласини яратади ва уни қуийдагича таҳлил этади: *A* г *B*. Бу формулада *A* - баҳолаш субъекти, *B* -унинг объекти, *г* эса яхши ёки ёмон маъносига эга баҳолаш муносабати<sup>66</sup>. Формула орқали олим фақат объектнинг ижобий ва салбий хислатига муносабат билдириб, нейтрал баҳолашни муҳим деб билмаган. Бизнингча, модалликнинг бу тури “яхши”, “ёмон”, “бефарқ”, “яхшироқ”, “ёмонроқ”, “тeng” сингари семантик модулларда ифодаланади.

Н.Д.Арутюнова эса баҳо тушунчасининг лингвистик табиати ва хислати ҳақида изланиш олиб бориб, баҳо механизмини тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилган: гапнинг грамматик характеристкаси, сифат сўз туркумининг ўрни ва вазифаси, “яхши” ва “ёмон” тушунчалари ва х.к.<sup>67</sup>. Тилшунос олиманинг таъкидича, баҳо тушунчаси... ҳаётий механизмда боғлиқлик (инсон ва объект ўртасида), рағбатлантирувчи (йўналтирувчи фаолият), таълимий ва бошқарувчи (кўрсатма) вазифаларни бажаради<sup>68</sup>. Н.Д.Арутюнова таъкидлаб ўтган баҳо категориясининг тўрт хислати ўзаро бирлаштирилса, баҳонинг аксиологик қиймати намоён бўлади.

Рус мантиқшуноси А.А.Ивин биринчилардан бўлиб мантиқий баҳонинг аксиологик баҳо билан боғлиқлигини, “ҳар қандай баҳолаш маълум субъектга тегишли” эканини таъкидлаган ҳолда субъектив баҳонинг аҳамиятли томонини ёритиб беради<sup>69</sup>. Аксиологик баҳонинг субъектив баҳо таркибига киришини назарда тутсак, олим учун субъективизм асосий масалалардан бири эканлиги англашилади.

Шунингдек, рус тилшунослигига Л.П.Дронова, В.А.Марьянчик, А.А.Салтыкова, О.М.Афанасьева, В.Ю.Костюченко, А.А.Медова,

<sup>66</sup> Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. – Изд.2-е, доп. – Москва, 2002. – С.25.

<sup>67</sup> Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений: Оценка.Событие. Факт. – Москва: Наука, 1988. – С.73.

<sup>68</sup> Бу ҳақда қаранг. Бычкова С. Е. Фундамент языковой аксиологии: оценка, ценность, норма, аномалия // Гуманитарные науки № 6, 2019. – С.100.

<sup>69</sup> Ивин А. Основания логики оценок. – Москва: Изд-во Московского университета, 1970. – С.54.

С.В.Мощева, А.С.Тимошукларнинг илмий изланишлари матннинг турли кўринишларида ифодаланган аксиологик модалликнинг тадқиқига бағишиланади<sup>70</sup>.

В.П.Фролов ва В.Н.Фоминлар аксиологик модаллик нуқтаи назаридан шахсий муносабат, қадрият ва унинг йўналишларининг замонавий ахборот жамиятидаги роли ва аҳамиятини ёритиб беради. Муаллифлар қадриятни “жамият ҳаётининг нормал ишлаши учун тартибга солувчи”<sup>71</sup> механизм сифатида таърифлашади.

Тилга аксиологик аспектда ёндашув Қозон тилшунослик мактаби вакиллари олиб борган илмий тадқиқотларда ҳам ўз аксини топа бошлади. Жумладан, Г.А.Багаутдинова, Л.К.Байрамова, Д.Р.Москалёва, Г.Ф.Гибатоваларнинг илмий изланишларида тилшуносликнинг турли сатҳ ва турли матн кўринишларидағи аксиологик таҳлил намуналарини учратамиз<sup>72</sup>. Л.К.Байрамова аксиологик фразеологизмларнинг луғатини рус, француз ва инглиз тиллари материалларига асосланиб тузган бўлса<sup>73</sup>, Г.Ф.Гибатова ҳар бир тилда мавжуд ва аксиологик мазмунга эга бўлган сўзлар, хусусан, қадрият семасига оид бўлган лексемалар тўғрисида, рус тилидаги ментал

<sup>70</sup>Дронова Л. Становление и эволюция модально-оценочной лексики русского языка: этнолингвистический аспект. Автореф. дис. ...д-ра филол.наук. – Томск, 2006. – 46 с.; Марьянчик В. Аксиологическая структура медиа-политеского текста (Лингвостилический аспект). Автореф. дис...д-ра. филол.наук. – Архангельск, 2013. – 38 с; Салтыкова А. Имплицитная аксиологическая модальность в текстах СМИ. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Москва, 2014. – 22 с.; Афанасьева О.М. Аксиологическая модальность публицистического текста на материале бюллетеней И.А.Ильина “Наши задачи” // Язык СМИ, 2016. – С.125.; Костюченко В.Ю. Категория модальности с точки зрения логики и лингвистики: сходства, различия и перспективы синтеза // Журнал Белорусского государственного университета. Филология. 2018 – №3. – С.71-82.; Медова А.А. Онтология модальности. Дис... д-ра. филол .наук. – Красноярск, 2016. – 303 с.

<sup>71</sup>Фролов В.П., Фомин В.Н. Аксиологические модальности в современном информационном обществе // История и обществознание, 2019. – С.205-208.

<sup>72</sup> Багаутдинова Г.А., Байрамова Л.К. Аксиологическая фразеология о счастье // Ученые записки Казанского государственного университета. Том 148, кн 2. – 2006. – С.53-68.; Байрамова Л.К. Интерпретация фразеологизмов в свете когнитивистики и аксиологии // Фразеология и когнитивистика. Идиоматика и познание. – Белгород: БелГУ, 2008. – Т.1. – С.298-302.; Байрамова Л.К. Аксиологический фразеологический словарь. Слоты – Казань: Центр инновационных технологий, 2011. – 91 с.; Гибатова Г.Ф. Аксиология в языке. Вестник ОГУ № 2 (121) февраль, 2011. – С.127- 132.

<sup>73</sup>Байрамова Л.К. Аксиологический французско-русский фразеологический словарь / Л.К.Байрамова, Д.Р.Москалёва– Казань: ИЯЛИ им.Г.Ибрагимова АН РТ, 2011. – 123 с.; Байрамова Л.К. Аксиологический фразеологический словарь русского языка. Словарь ценностей и антиценностей – Казань: Центр инновационных технологий, 2011. – 360 с.; Байрамова Л.К. Аксиологический фразеологический словарь английского языка. Словарь ценностей и антиценностей. – Казань: Центр инновационных технологий, 2011.– 376 с.

мухит, муносабат ва баҳо ўртасидаги боғлиқлик ҳақида илмий изланишлар олиб борган<sup>74</sup>. Шунингдек, Г.А.Багаутдинованинг ҳам илмий тадқиқотининг асосий негизини фразеологизмлардаги инсон омилининг аксиологик аспектда ўрганилиши ташкил этади<sup>75</sup>.

Таъкидлаш ўринлики, ҳар қандай матн муаллифи (ёзувчи, ижодкор, сўзловчи) даставвал инсон ва у билан боғлиқ қадриятларга асосий эътиборни қаратади. Аксиологик баҳога эга бўлган қадрият-тушунчалар матннинг ҳамма турларида учрайди ва ўзининг обьектга таъсир ўtkазиш вазифасини бажаради. Бу жараённи алоҳида ижодкор асарлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Матнда қадр-қиймат семасига эга лексемаларнинг аҳамиятли томонларини ёритиш алоҳида муаллиф асарлари мисолида ҳам ўрганилган. Бу жараён эса қадрият-тушунчаларнинг инсон маънавияти ва маданиятини акс эттириш даражаси юксак эканлигидан далолат беради. Р.Алимпиева ва С.Бабуlevичлар буюк рус шоири С.Есениннинг шеърий асарларидағи аксиологик маънога эга сатрларни илмий таҳлил этиб, шоир ижодини тавсифловчи қадриятлар тизимини миллий-маданий қадриятлар билан боғликлигини ёритиб беради<sup>76</sup>. Я.В.Киселева эса Антуан Де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” фалсафий асарида аксиологик модалликка оид жиҳатларини Қирол образи орқали талқин этади. Француз ёзувчисининг фалсафий асарида модалликнинг лисоний уч кўриниши – оддийлик, субъективлик ва ихчамликни муаллифнинг Қиролга ва унинг нутқи орқали ифодаланган аксиологик баҳо бирликларида учратишимиз мумкин<sup>77</sup>лиги таъкидланади.

<sup>74</sup> Гибатова Г.Ф. Ментальные сферы русского языка: мнение и оценка. Автореф. дис. ... д-ра филол.наук. – Уфа, 2011. – 44 с.; Гибатова Г.Ф. Аксиология в языке // Вестник ОГУ. № 2 (121), 2011. – С. 127-130.

<sup>75</sup> Багаутдинова Г.А. Человек во фразеологии: антропоцентрический и аксиологический аспекты. Автореф. дис. ... д-ра филол.наук. – Уфа, 2007. – 44 с.

<sup>76</sup> Alimprijeva R., Babulewicz S. Аксиологическая значимость авторской модальности в поэтических текстах Сергея Есенина // Acta Polono-Ruthenica XIX, 2014. – С.171-178.

<sup>77</sup> Киселева Я.В. Аксиологическая модальность в философском романе Антуана Де Сент-Экзюпери “Маленький принц” // Филологические науки. – №1 (67), Ч.2, 2017 – С. 131-133.

О.А.Ванденко ҳам П.Хэртлингнинг “Гельдерлин” биографиясидаги аксиологик модаллик ифодаланишини ёритиб беради<sup>78</sup>.

О.М.Афанасьева аксиологик модалликни публицистик матнлар мисолида ёритишни мақсад қиласи ва бу мақсадига эришади ҳам. Тадқиқотчи И.А.Ильиннинг “Бизнинг вазифаларимиз” асари мисолида аксиологик модалликка оид илмий қарашларини баён этади ва унинг фикрича, аксиологик модаллик (баҳо) “объектнинг ўзига хос қадриятлар тизимининг таснифи”<sup>79</sup>.

Семантик категория сифатида тадқиқ қилинган ва қилинаётган модалликнинг икки тури – объектив ва субъектив модаллик мазмунан бир хил бўлса ҳам, муносабат англашиб нуқтаи назаридан турли даражани акс эттиради. Объектив модаллик айтилган фикринг борлиқка ва теваракатроғга муносабатини ифодаласа, субъектив модаллик эса сўзловчининг айтилган фикрига хусусий муносабатни акс эттиради. Модалликнинг ушбу турларидан қайси бири бирламчи ва асосий эканлиги ҳақида аниқ тўхтамга келинмаган. Лекин шуни алоҳида қайд этиш керакки, нутқий фаолиятда объектив модаллик субъектив модалликка айланиши ёки унинг вазифасини бажариши мумкин.

Субъектив модаллик ва унинг турлари ягона тизим асосида ўзаро бирлашади ва бу бирлашиб парадигма дейилади. Субъектив модалликнинг бир парадигма доирасида ўрганишга асосланган тадқиқот ишлари бу соҳа учун янгилик сифатида юзага келди. Хусусан, Р.В.Саттарова модалликнинг 7 та турини алоҳида тавсиф қилган ҳолда таъриф бериб, мисоллар асосида тушунтириб беришга ҳаракат қиласи. Аксиологик модалликни ахлоқий ва салбий каби турларга бўлишни таклиф этган олиманинг фикрича, агар нутқнинг иллоқутив қучи вазиятга мос баҳоловчи хукмни чиқарса,

<sup>78</sup> Ванденко О. Аксиологическая модальность романизированной биографии П.Хэртлинга “Гельдерлин” // European Applied Sciences (5). 2013. – pp. 70-72.

<sup>79</sup> Афанасьева О.М. Аксиологическая модальность публицистического текста на материале бюллетеней И.А.Ильина “Наши задачи” // Язык СМИ, 2016. – С.125.

аксиологик модалликни ифода этувчи сўзларни объектлар ва ҳаракатлар номини кўрсатувчи тўғридан-тўғри ёпиқ восита сифатида киритиш мумкин<sup>80</sup>.

Украин тилшуноси К.Б.Михайлович аксиологик модалликни матн категорияси ва матн модаллиги сифатида талқин этиб, матн модаллиги муаллифнинг мавжуд нарсага муносабатини ифодалаш, унинг концепцияси, нуқтаи назари, ўрни ва қадрият йўналишлари ҳақида хабар берадиган ҳамда ўқувчини хабардор қиласидиган тузилма эканлигини баён этади<sup>81</sup>.

Жамиятда яшовчи ҳар бир шахс ўзига хос лисоний онг ва лисоний тафаккурга эгадир. Лисонийликка эга бўлган онг ва тафаккур ҳосиласи тилда ўзини намоён этади, маълум маънода қадрият-тушунчалар тилда ҳам акс этади. Қадриятларнинг тилдаги ифодасини ўрганганд С.Г.Тер-Минасова жамият ва ҳар бир шахс учун муҳим бўлган қадриятларни рус ва инглиз тилларини қиёслаш орқали ёритиб беради. Унинг таъкидлашича, рус тилига қараганда инглиз тили сўз бирикмаларидағи фаоллик билан қуйидаги қадрият маънолари устунлик қиласи: ҳалоллик, эҳтиёткорлик, меҳнатсеварлик, профессионаллик, масъулият, нутқда ўзини тутиш, тежамкорлик, худбинлик, шахс эркинлиги, консерватизм, моддий фаровонлик, оилавий ҳаёт ёпиқлиги<sup>82</sup>. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, икки миллат қадрият-тушунчалари қиёсланаётганда маълум миллат қадриятини иккинчи миллатницидан афзал ва юқори дейишимиз, бизнингча, мантиқан нотўғри. Объектлар ўртасидаги қиёсий таҳлил нафақат уларнинг устунлик жиҳатларини, балки ўзига хос ва такрорланмас жиҳатларини ҳам очиб беришга ёрдам беради.

Ўзбек тилшунослигига ҳам модаллик, субъектив модаллик ва унинг турлари, аксиологик баҳо ва аксиологик модаллик масалалари маълум

<sup>80</sup> Саттарова Р.В. Средства моделирования властных отношений в политическом дискурсе (на материале дискурса Д.Кэмерона). Дис. .... канд. филол. наук.– Уфа, 2019. – С.25.

<sup>81</sup> Mykhailovich.K. B. Axiological modality as a text category // Impatto dell'innovazione sulla scienza: aspetti fondamentali e applicati. – Verona, 26 giugno, 2020. – P.78

<sup>82</sup> С.Г. Тер-Минасова. Язык и межкультурная коммуникация. – Москва: Слово, 2000. – 624 с.

даражада тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда матн ва унинг кўринишлари, нутқ ҳамда унинг турларидаги модаллик ҳодисасининг функционал, когнитив, семантик, прагматик хусусиятлари ёритилган.

Инсон тафаккурининг ҳосиласи бўлган оғзаки нутқ коммуникантларнинг иштирокига кўра монологик, диалогик, полилогик турларга бўлинади. Нутқнинг бу турларида шахс ва шахсларо фикр ифодаланар экан, субъектив муносабатнинг бўлиши табиийдир. Субъектив муносабат ҳар бир оғзаки нутқ турларида турлича ифодаланади ва ҳар хил ифода воситаларига эга. Шу ўринда Ў.Лафасовнинг илмий тадқиқот ишини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Тилшунос олим диалогик нутқда субъектив модаллик ифодаланишини фонетик, морфологик, синтактик воситалар ва фразеологизмлар орқали ёритиб беради<sup>83</sup>.

Тил доимо тафаккур ва унинг шакллари билан узвий муносабатда бўлган. Ушбу муносабат мантикий ва семантик категорияларнинг ҳосил бўлишига, маълум соҳага оид тадқиқ обьекти иккинчи соҳада ҳам обьект сифатида ўрганилишига замин яратади. Мантиқ илмида қўлланилаётган модаллик категориясининг тилшуносликда ҳам ифодаланиши мана шу муносабатнинг бир кўринишидир. Ж.Якубов мантиқ ва тилда модаллик категорияларининг умумий ва хусусий жиҳатлари ёритилган ilk тадқиқот иши билан тилшуносликда дастлабки қадамни қўйди. Ж.Якубовнинг алоҳида хизматлари шундан иборатки, модалликнинг икки тури – обьектив ва субъектив модалликнинг роман-герман, ўзбек ва туркий тилларда ўрганилишини тадқиқ этди, унда модаллик категориясининг мантиқ ва тилшуносликда қўлланишини илмий таҳлил қилиш билан бирга, содда ва қўшма гапларда “*реаллик*”, “*истак*”, “*мумкинлик*”, “*зарурият*” семантик категориялари француз ва ўзбек тилларида қандай лисоний бирликлар билан қўлланишини текширди. Тилшуносликда “маънодан шаклга” тамойилига

---

<sup>83</sup>Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши. Филол.фанлари. номзоди... дис. автореф. – Тошкент, 1996. – 25 б.

асосан модаллик маъносини ифодаловчи лексик, морфологик ва синтактик бирликларга нисбатан биринчи бор “модаллема” атамасини илмий муомалага олиб кирган олим унга қуидагича изоҳ беради: “Биз биринчи марта модаллема атамасини илмий муомалага кириятпиз. Модаллема – бу модаллик категориясининг морфологик, лексик ва синтактик ифодаланишидаги турли лисоний бирликларнинг аниқ бир тизимга солинган шакли”<sup>84</sup>.

Ғ.Қамбаров эса баҳо муносабатига бағишланган тадқиқот ишида баҳони прагматиканинг марказий ва асосий тушунчаларидан бири эканлигини таъкидлайди ҳамда унинг назарий асосланиши формал аксиологияда ўз аксини топғанлигини қайд этиб, синтактик усул билан баҳо ифодаланишида ундалма, кириш сўз, кириш гап, модаллик муносабати, инверсия ва бошқа синтактик узвлар фаол ишлатилиги мумкинлиги ҳақида ўз фикрини баён этади. Олимнинг илмий хулосасига кўра, ўзбек тилида баҳо муносабати номинатив маъно устига қўйилган аксиологик маъно орқали юзага чиқади ва у турли хил воситалар орқали ифодаланади<sup>85</sup>. Юқоридаги илмий қарашлардан шундай хулосага келиш мумкинки, аксиологик маъно (баҳо-Б.Д.)нинг асосий вазифаси матндаги очиқ ва яширин жиҳатларни турли хил нутқий воситалар орқали намоён эттиришdir.

Тилшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигига матн лингвистикаси доирасида олиб борилган ва борилаётган илмий изланишлар модаллик категориясини ҳам четлаб ўтмади. Матн модаллигига коммуникатив-прагматик мазмуннинг шаклланиши ҳақидаги илмий изланишларнинг юзага келишида С.Боймирзаеванинг хизматини алоҳида таъкидлаш зарур. Матн модаллиги майдонида аксиологик баҳо ва аксиологик фаолиятнинг намоён бўлишини бадиий, илмий, публицистик услубларга оид мисоллар ёрдамида

<sup>84</sup> Якубов Ж. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари. Филол.фналари д-ри...дис. – Тошкент, 2006. – Б.13.

<sup>85</sup> Қамбаров Ғ. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (Шахсларро муносабат асосида). Филол.фналари номзоди. ...дис. – Тошкент, 2008. – Б.47, 72.

тушунтириб берган олима “ушбу турдаги модалликнинг асосий мундарижаси воқеликни тавсифлаш ва уни баҳолаш йўли билан коммуникатив мақсадга эришиш кўзланган муаллиф интенциясидир”<sup>86</sup>, – деган фикри орқали аксиологик модалликнинг матн мазмунидаги воқеланиш имкониятларининг кенглиги ва мазмунан хилма-хиллигини ёритиб берган.

Модаллик категориясининг турли халқларнинг маданий концептлари билан боғлиқлигини инобатга олсак, қадр-қиймат семасига эга ифодалилик ҳар бир миллатнинг халқ оғзаки ижодида ҳам воқеланган. Француз ва ўзбек эртакларидағи модаллик категориясини маҳсус тадқиқ этган М.Жўраева иккى миллат эртакларидағи ўхшашлик ва дифференциал белгилар, модаллик категориясининг ўзига хос миллий-маданий жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилган. “Француз ва ўзбек эртакларидағи гап мазмунини баҳолашда, субъектив модаллик хусусиятларини очиб беришда аксиологик модаллик кенг семантик майдонни эгаллаши”<sup>87</sup> ҳақидағи фикри бу категориянинг лингвокогнитив хусусиятга эгалигидан далолат беради.

Халқ оғзаки ижодининг яна бир намунаси – ўзбек мақолларининг аксиологик мазмун ифодаловчи восита эканлигини тадқиқ этган Г.Комилова уларнинг “миллий, ижтимоий, маданий характерда бўлиши, тил эгалари лисоний онгини акс эттириши, коннотацияга асосланиши, мазкур коннотация бошқа миллат вакилларига тушунарли бўлмаслиги”<sup>88</sup>ни аксиологик шкалалар ёрдамида таҳлил этади.

Маълумки, аксиологик баҳо даставвал фалсафа фанида обьект сифатида ўрганилган. Кейинчалик бу жараён тилшунослик (лингвистика)нинг тадқиқ обьектлари сирасига киритилди. Э.Ибрагимова “Ўзбек тили лингвистикасининг аксиологик тадқиқи” асарида аксиологик

<sup>86</sup>Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив–прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол.фналари д-ри... дис. – Тошкент, 2011. – Б.194.

<sup>87</sup> Жўраева М. Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. Филол. фанлари д-ри...дис.автореф. – Тошкент, 2017. – Б.26.

<sup>88</sup> Комилова Г. Ўзбек тилидаги мақолларнинг аксиолингвистик таҳлили. Филол.фналари фалсафа д-ри (PhD)... дис.автореф. – Тошкент, 2022. – Б.8.

баҳонинг ҳам фалсафий, ҳам лингвистик категория сифатида намоён бўлиши, баҳонинг эстетик функцияси ҳақида ўз фикрларини баён этган. Олиманинг фикрича, “баҳо маъноси объект ва субъект муносабатлари асосида юзага чиқади, яъни сўзловчи (субъект) объектдан таъсирланса ёки унга ўз муносабатини билдириш истаги туғилса, ўз фикрини баён қиласди. Натижада баҳо муносабати юзага чиқади”<sup>89</sup>. Юқоридаги ўзига хос илмий қарашда баҳолаш жараёни тўлиғича субъектга боғлиқ эканлиги таъкидланмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқотчи баҳолаш деганда, фақат ташқи нутқий хатти-ҳаракат орқали амалга ошириладиган фаолиятни назарда тутмоқда. Бизнингча, объектнинг ҳаракатига баҳо беришда ички нутқ ҳам иштирок этади ва бу аксарият ҳолларда ёзма шаклда юзага чиқади.

Маълумки, аксиологик баҳо миллий-маданий коннотатив бирликлар орқали ҳам намоён бўлади. Бу коннотатив бирликлар, ўз навбатида, қадрият семасини ифода этган ҳолда тил ва маданият субъектининг хусусий муносабатини ифодалайди.

Кейинги йилларда лингвистик тадқиқотларда етакчи масала сифатида тадқиқ этилаётган баҳолаш (аксиологик) категорияси ижобий ва салбий семага эга концептларда ҳам ўз ифодасини топади. Баҳолаш фалсафий, ижтимоий, маданий омиллар ва тил структуралари билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинадиган жараёндир. Бу жараён, айниқса, турли тизимдаги тиллар ўзаро қиёсланганде яққол намоён бўлади. А.Халиллаев ўз илмий изланишини айнан шу масалага қаратган ҳолда испан ва ўзбек тилларида “hombría /мардлик” концепти қўлланишининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятларини аксиологик жиҳатдан ҳам ифодалаб беради: “... мардлик” концепти бевосита “баҳолаш” категорияси билан узвий боғлиқлиги маълум бўлди ва биз ушбу категорияга мурожаат қиласди. Мисоллар таҳлили ва кузатишларимиз шуни кўрсатдики, испан ва ўзбек тилларида “hombría/мардлик” концептини таҳлил қилиш жараёнида икки тилда ҳам

<sup>89</sup> Ibragimova E. O‘zbek tili leksikasining aksiologik tadqiqi. – Farg‘ona, 2018. – B.8.

инсонни баҳолаш ҳолатини катта 3 та семантик синонимик гурухга ажратиш лозимлиги кузатилди: 1) мардлик, 2) жасурлик, 3) ботирлик<sup>90</sup>. Олим “hombría/мардлик” концептини таҳлил қилишда испан ва ўзбек тилларидағи бадиий матнларга мурожаат қилиб, баҳолаш категориясини түртта семантик гурухга ажратиб таҳлил қиласы:

- 1) баҳолашни мантиқий (лингвофалсафий) аспектда ўрганиш;
- 2) баҳолаш маъноларининг прагматик аспекти;
- 3) баҳолашнинг функционал-семантик аспекти;
- 4) баҳолашнинг миллий-маданий аспекти.

Баҳолаш фаолиятини турли аспектларда ўрганиш бу жараённинг кўп вазифалилиги билан изоҳланади. Бу вазифаларнинг субъектив муносабат доирасида бажарилиши ҳамда билим ва тажрибанинг уйғун ҳолда намоён бўлиши аксиолингвистик тадқиқ учун муҳимдир.

Аксарият ҳолларда нутқий мулоқот иштирокчилари, яъни коммуникантлар қадр-қиймат семасига эга матний тузилмалар орқали ўзаро фикр алмашадилар. Алоҳида шахсларнинг коммуникатив муносабатлари асосида юзага келадиган матнда инсонлар бажарадиган фаолият натижаси орқали билим, малака, тажриба, қадрият кабиларнинг алмашинуви таъминланади. Айнан мана шу алмашинув натижасида шахснинг оламга муносабати намоён бўлади ҳамда матнда лисоний бирликлар воситасида ифодаланадиган ғояда ўз аксини кўрсатади. Бу ғоя қадриятли муносабатлар ва қадрият семасига эга лексик, семантик, синтактик бирликлар умумлашмасидан ҳосил бўлади.

---

<sup>90</sup> Халиллаев А. Испан ва ўзбек тилларида “hombría /мардлик” концепти қўлланишининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятлари. Филол. фанлари бўйича фалсафа докт-ри (PhD)... дис. – Тошкент, 2021. – Б.41, 44, 47.

## **Боб бўйича хулосалар**

1. Мазкур тадқиқотда мураккаблашган гаплар атамаси остига бирлашадиган синтактик бирликларни ўрганиш муаммолари тилшуносликнинг муҳим масалаларидан бўлиб келаётганини ҳисобга олган ҳолда, олимлар томонидан бу борада олиб борган изланишлари даврма-давр изоҳланди; айрим синтактик бирликларнинг содда гапни мазмунан ва шаклан мураккаблаштириши тўғрисидаги лингвистик қарашлар хилма-хил эканлиги таъкидланди, содда гапни мураккаблаштирувчи ундалма, уюшиқ бўлаклар, кириш сўз ва киритма гаплар, ажратилган бўлакли гапларнинг тилшуносликда тадқиқ этилиши алоҳида ёритилди ҳамда жадвал кўринишида асослаб берилди.

2. Замонавий тилшуносликнинг тадқиқ обьекти бўлган аксиологик баҳо (маъно) ва аксиологик модаллик тушунчалари атрофлича ёритилди, жаҳон ва ўзбек олимларнинг модаллик категорияси бўйича тадқиқ этилган илмий изланишларига муносабат билдирилди: биринчидан, обьектив ва субъектив модаллик ҳақидаги фикрлар назарий асосланди, иккинчидан, субъектив модалликнинг тури бўлган аксиологик модаллик тадқиқи доирасидаги прагматик ва семантиқ мазмун-моҳиятни аниқлаш назарий исботлаб берилди.

3. Бугунги кунда “модаллик” тушунчасини ўрганишда иккита асосий ёндашув ажратиб кўрсатилди: фалсафий (мантикий) ва лингвистик. Бундай ёндашув – фанлараро интеграция илмий тараққиётга ижобий таъсир этишидан дарак беради.

4. Ҳозирги кунда лингвоаксиология соҳасида амалга оширилаётган тадқиқотлар тилнинг қадрият билан мослигини ўрганишга бағишлиланганлиги сабабли, бир томондан, лингвоаксиологиянинг тилдаги қадр-қиймат семасига эга бирликларга муносабати таъкидланди, иккинчи томондан, инсоннинг ўзи ҳам қадрият эканлиги асосланди. Шахсларнинг коммуникатив муносабатлари асосида юзага келадиган матнда инсонлар бажарадиган фаолият натижаси

орқали билим, малака, тажриба, қадрият кабиларнинг алмашинуви таъминланади. .Шу боисдан тадқиқот ишимизнинг антропоцентрик хусусиятга эгалиги ҳам намоён бўлди.

## II БОБ. УНДАЛМАЛИ ВА УЮШИҚ БЎЛАКЛИ ГАПЛАРДА АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИКНИНГ ПРАГМАСЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

### **2.1.§. Аксиологик баҳо ва унинг уюшиқ бўлакли гапларда ифодаланиши**

Ҳамма соҳаларда бўлгани каби тилшуносликда ҳам янги йўналишлар, лингвистик бирликларни турли аспектларда ўрганишга доир назарий ва амалий қарашлар юзага келмоқда. Бу каби тадқиқотларнинг бир қисми сифатида шахс (субъект) томонидан билдираётган баҳо категориясини киритсак бўлади. Субъектив баҳо ҳақидаги фикрлар ўзбек тилшунослигидаги тадқиқот ишларида ҳам ўз ифодасини топган<sup>91</sup>. Шунингдек, лисоний бирликларининг субъектив баҳони ифодалаш хусусиятлари ҳам ўзбек тилшунослигига маълум даражада ўрганилган<sup>92</sup>. Субъектив баҳога доир тадқиқотларнинг мавжудлиги бу борада тилшунослик соҳасида етарли ва салмоқли даражада ўрганилганлигини билдиради. Шундай бўлса ҳам, субъектив баҳонинг тури – аксиологик баҳонинг аниқ лингвистик бирликлар, хусусан, уюшиқ бўлакли гаплар мисолида ўрганилмаганлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Аксиологик баҳо – субъектив баҳонинг ажралмас тури сифатида ўзида “қадрият”-тушунчаларни акс эттиради. “Қадрият” сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да қуйидагича таъриф берилади: Қадрият (арабча-қиймат, аҳамият; қимматбаҳо буюмлар; ҳалқ бошлиғи) – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий, маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун

---

<sup>91</sup> Ҳожиев А. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1978. – № 1. – Б.3-6.; Кўнгурев Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 150 б.; Пардаев З. Нутқ инновацияси ва уларда баҳо муносабатининг шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. – № 4. – Б.10; Isaqova Z. Ingliz va o’zbek tillarida subyektiv bahoning ifodalanishi // Til va adabiyot ta’limi. 2019. – № 2. – Б. 42.

<sup>92</sup> Кўлдошев Б. Модаллик категорияси ва субъектив баҳо муносабатлари // Тил ва адабиёт таълими. 2000. – №6. – Б.64-68.; Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши. Филол.фан. номзоди дис. автореф. – Тошкент, 1994; Қамбаров Ф. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахсларро муносабат асосида): Филол.фанлари номзоди... дис.автореф. – Тошкент. 2008. – 26 б.

аҳамиятли бўлган барча нарсалар, масалан, эркинлик, тинчлик, адолат, маърифат, ҳақиқат, яхшилик, моддий ва маънавий бойликлар ва бошқалар қадрият ҳисобланади<sup>93</sup> ва бу тушунчалар ижобийлик семасига бирлашади. Зеро, аксиологик баҳо айнан “воқеликдаги предмет, ҳодисаларга уларнинг қадр-қиммати, муҳимлиги, аҳамиятига нисбатан берилади”<sup>94</sup>. “Ҳодиса ва предметларнинг қадр-қиммати ва аҳамиятлилигини белгилашда субъектнинг шахсий фикри ва дунёвий билимлари муҳим ўрин тутади. Кимгадир аҳамиятли туюлган ҳодисалар ким учундир арзимасдек бўлади. Бу эса аксиологик баҳо категориясининг турлича намоён бўлиши билан характерланади. Матндаги аксиологик баҳо тузилмалари баъзан бир шахс ёки ҳодисани бошқасига қиёслаш орқали ҳам воқеланади: – *Мавлоно Фазлидин сиздек хиёнатчи бекдан минг ҳисса соғдил, минг ҳисса олижсаноб!* – деди Хонзода бегим<sup>95</sup> (П. Қодиров. Юлдузли тунлар. – Б.128).

Тилшунос олима С.Боймирзаеванинг таъкидича, воқеликдаги ҳодисалар қадр-қийматига нисбатан баҳоланаётганда, нормадан кескин чекиниш (ҳатто бу ижобий томонга бўлса ҳам), сифат ва миқдорнинг кескин ўсиши кузатилади. Бадиий матнларда баҳолашнинг бу тури таъсирчанликни ошириш учун хизмат қиласи<sup>96</sup>. Матн ижодкори (муаллифи) гап ёки жумланинг таъсирчанлигини ошириш учун баҳо берилётган обьектга нисбатан (объект шу хусусиятга эга бўлмаса ҳам) ҳис-туйғу ва баҳо ифодаловчи лексемаларни қўллашни маъқул кўради: – *Менга ёрдам берган ошпаз ҳам, Аҳмад чоинагир ҳам, каниз ҳам ботир қасоскорлар* эди. Ҳаммаси мардларча жсон берди (П.Қодиров. Юлдузли тунлар – Б.429). Келтирилган матнда адресант – малика Байда нутқий мулоқот ташааббускори сифатида унга хизмат қилган шахслар ҳақида умумий баҳо беради ва бу баҳо

<sup>93</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. III жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2007. – Б.207.

<sup>94</sup> Боймирзаева С. Аксиологик модалликнинг матнда воқеланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. – № 4. – Б. 85

<sup>95</sup> Boymatova D. Axiological evaluation and its expression in an organized sentence // Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal.. Vol 10, Issue 5, May 2020. – P.556.

<sup>96</sup> Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол.фанлари д-ри дис. – Тошкент, 2011. – Б.183.

маълумотини адресатга узатади. Узатилган бу баҳо ижобий маънода берилган бўлса ҳам, адресат уни салбий характерда деб қабул қиласди. Сабаби, аксиологик модаллик тузилмасига эга юқоридаги баҳолаш жараёни иштирокчиларининг мақсади ва ҳаракати тўлиғича салбийликни ифода этади. Бу каби “баҳо бериш ахбороти эса, ўз навбатида, тингловчига таъсир ўтказиш ва уни бирор хатти-ҳаракат, фаолиятга ундаш мақсади учун хизмат киласди”<sup>97</sup>. Содир этилган иш-ҳаракат салбий натижа берган тақдирда ҳам аксиолик баҳо тузилмалари матн фрейм тузилишидан ижобий тарзда ўрин олганлигини қўйидаги матнда кўришимиз мумкин: – *Ё алҳазар! Ахир сиз ҳам Муҳаммад умматисиз, муслимасиз-ку!.. Агар сизда инсофу иймон бўлса, қўлида қиличи билан очиқчасига жсанг қилган саркардага яшириқча заҳар бермас эдингиз!* (П. Қодиров. *Юлдузли тунлар.* –Б.429 ). Адресант томонидан адресатга нисбатан берилаётган ижобий мазмундаги баҳо англатувчи муслима лексемаси матн ичида ҳам, матндан ташқарида ҳам субъектив маъно оттенкасига эга бўлган лексемадир. Келтирилган матний тузилмада умуминсоний қадрият сифатида ардоқланиб келинаётган “яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтармаслик” мазмунини ифодалаган гап сўзловчининг танбех акти орқали юзага чиқмоқда. Танбех нутқий актининг воқеланишида сўзловчи ва тингловчининг руҳий ҳолати, оилавий яқинлиги, ёши каби бир қатор жиҳатлар муҳим ўрин тутиши<sup>98</sup>ни эътиборга олган ҳолда юқоридаги матнда сўзловчининг руҳий ҳолати (дарғазаблиги) етакчилик қилмоқда.

Аксиологик баҳонинг қадрият сифатига эга бўлган лексема ва тушунчаларга нисбатан берилишини таъкидлаб ўтдик. Фалсафа илмида қадриятлар – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг қимматини белгилаш учун хизмат қилувчи фалсафий категория сифатида таърифланиб, у мазкур ҳодисанинг субъект томонидан акс эттирилиши натижасида пайдо бўлиши

<sup>97</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Узбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.189

<sup>98</sup> Пардаев З. Танбех мазмунли нутқда баҳо // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. – № 5. – Б.80.

айтиб ўтилади<sup>99</sup>. Шундай экан, инсоният пайдо бўлганидан буён қадрланиб, ардоқланиб келинаётган эзгулик, яхшилик, меҳр-оқибат, дўстлик, гўзаллик, баҳт-саодат каби умуминсоний қадрият-тушунчалар аксиологик баҳо негизини ташкил этади: *Салтанатлар оиласи билан Энахонлар оиласи орасида ота-бободан қолиб кетган дўстлик, қадрдонлик ҳукм сурарди* (*Чўлпон. Кеча ва кундуз.* – Б.29). Муаллиф ёки адресант воқеликка нисбатан баҳо беряётганда, биринчи навбатда, ўзи учун муҳим жиҳатларни эътибордан четда қолдирмайди. Бу муҳимлик ҳар бир адресант учун турлича намоён бўлади. Зоро, “қадриятларнинг баҳоси нисбий бўлиб, у инсонга боғлиқдир”<sup>100</sup>. Ким учундир аҳамиятли бўлган жараён бошқа шахс учун у қадар аҳамиятга эга эмас. Аммо миллийлик уфуриб турган қадрият семасига эга лексема ҳар қандай матнда ифодаланса, аҳамиятсизлик касб этмайди. Бу, айниқса, бадиий матнда акс этган бўлса: “...Ўланларда, лапарларда жаранглаган гўзал тили бор” – ўйлар эди ичида. *Шоир қирқ ёшида умрининг буюк гояси, энг қучли орзусини дўсти мавлоно Жомийга айтди* (*Ойбек. Навоий.* – Б.282). *Она тили* концептининг аксиологик қиймати умуминсоний ва шахсий муносабат маъно мундарижасидан иборат бўлади.

Аксиологик баҳо инсоннинг лингвокогнитив фаолият маҳсули сифатида миллий қадриятларимиз акс этаётган тушунчаларга нисбатан қай даражада берилиши муаллиф интенциясига боғлиқдир. Миллий қадрият тушунчаси жуда кенг қамровли бўлиб, ҳар бир миллатнинг асрлар давомида ардоқлаб, эъзозлаб келаётган, ўзга миллатда такрорланмас маросим, тантана ва шу кабиларни ҳам ўз ичига олади: ... *Ҳар йил баҳорда халқ унинг бўйларида тўпланиб “Қозон тўлди”, “Бой бўлди” қабилидаги сайил ва маросимлар ўтказарди* (*М.Али. Сарбадорлар.* – Б.11). Миллий қадриятларимиз акс этган бадиий матнларда аксиологик баҳонинг намоён бўлиши таъсирчанликни

<sup>99</sup> Аҳмедова М. ва бошқалар. Фалсафа. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – Б. 434.

<sup>100</sup> Аҳмедова М. ва бошқалар. Фалсафа. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – Б.433.

ошириш билан бирга ўзлигимиздан фахрланиш туйғусини ҳис эттириш учун ҳам хизмат қиласи: *Ўзбек хонадонидан нон варайхон иси келади* (Ў. Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. –Б.133). Аксар ҳолларда аксиологик модаллик объектнинг вазифаси ва хусусиятига ишора орқали берилади ва бу ишоралар нутқий бирликларнинг маъновий жипслashiшидан ҳосил бўлади: *Ўзбекда ота-онани эъзозлаш, қадрлаш деган удум бор. Албатта, комедияни дастлаб кўрган ажнабий томошибинга бу ҳолат эриш ва ҳатто ишинарсиз кўриниши мумкин* (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар.– Б.268).

Шахс баҳолаш фаолиятининг асосий иштирокчиси сифатида унинг фаоллиги талаб этилади. Рухшунос олим А.Н.Леонтьев шахсий фаоллик “натижали фаолиятнинг ўз-ўзидан ҳаракатга келиши ва ўзини намоён қилишини таъминловчи ички туртки, асос”<sup>101</sup> деб таъриф берган эди. Баъзида инсон фаоллиги ҳиссиёт (эмоция)га ҳам боғлиқдек кўринади. Эмоционаллик ҳамма вақт нутқда экспрессивлик, баҳолаш, муносабат билдириш хусусиятига эга<sup>102</sup> эканлиги маълум ҳодисадир. Айтиш жоизки, эмоция (ҳиссиёт) аксиолик баҳо мазмунида ҳам намоён бўлади ва баъзан асосий ўринга чиқади: ...*Андижону Самарқандни, мени ўстириб шоир қилган ўлкаларни қанчалик согинганимни билсангиз эди, мавлоно!* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар.–Б.449). Уюшиқ бўлаклар қатнашган ушбу матнда адресант соғинч ҳиссининг ортиқлигини қанчалик сўзи билан ифодалашни маъқул кўради. Негаки, бу каби ҳис-ҳаяжон ифодаловчи сўзларнинг маълум меъёри ва аниқ ўлчови мавжуд эмас. “Аксиологик баҳо айнан шу турдаги, аниқ чегара ва ўлчовга эга бўлмаган ҳодисаларга нисбатан берилади”<sup>103</sup>ган субъектив баҳо туридир.

<sup>101</sup> Леонтьев А.Н. Избранные психологические произведения. – Москва: Педагогика, 1983. Т.2. – С.245.

<sup>102</sup> Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. – Тошкент: Наврӯз, 2019. – Б.107.

<sup>103</sup> Боймирзаева С. Аксиологик модалликнинг матнда воқеланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. – № 4 – Б.85.

Баъзан муаллифнинг бераётган аксиологик баҳоси (ахборот ва маълумот шаклида) обьектнинг аҳамиятли жиҳати билан унинг “яширин” томонига ҳам бирдек тааллуқли бўлади. Фақат бу яширин жиҳат матнда ўзини аниқ кўрсатмайди: ўқувчи ёки тингловчидан лисоний билимлари асосида пайқаб олишини талаб этади: *–Амирзодам! Адолат қилинг! Мен отангизнинг содиқ раиятлариданмен. Сиз ёшиз, беғуборсиз!* (П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*. –Б.51). Келтирилган матний тузилмада сўзловчининг тингловчига бераётган баҳоси (*ёшиз, беғуборсиз*) замирида *сиз ҳали бу бекларни ва уларнинг қабиҳ ниятларини билмайсиз, уларнинг гапига кирманг мазмунидаги яширин ифода акс этган*. М.Ҳакимовнинг таъкидича, бирор ифодани маълум коммуникатив мақсад билан ифодалаш иллокутив акт саналади. Иллокутив акт ахборотнинг оддий ифодаси бўлиб, унда сўзловчи нияти яширин бўлади<sup>104</sup>. Ифоданинг яширин мазмунда акс этиши ва тушунарли бўлиши учун коммуникация иштирокчиларининг фикрлаш фаолияти, уларнинг олам ҳақидаги тасаввурлари узвий боғлиқ бўлиши талаб этилади. Бу узвийлик аксиологик баҳо мужассам бўлган ҳар қандай матнда – хоҳ ошкоро, хоҳ яширин тарзда бўлсин намоён бўлади. Предмет-ҳодисаларни ошкоро ва яширин тарзда баҳолаш баъзан табиат тасвири билан омухта олиб борилади: *Атрофдаги табиатнинг гўзаллиги, баҳор ва тоғлар айвонга ишланган нақшларни, гумбаздаги кошинлар рангини алланечук жуда очиб кўрсатар эди* (П.Қодиров. *Юлдузли тунлар*–Б.74). Муаллиф асар қаҳрамонларининг маълум вазиятдаги ҳолатини (қўтаринки ёки тушкун) ўқувчи кўз ўнгидаги ёрқинроқ акс эттириш ниятида ҳам табиат лавҳаларига ургу беради. Негаки, “табиат лавҳалари, аксар, қаҳрамонларнинг кайфияти ва ҳолатига уйғун бўлиб келади”<sup>105</sup>. Юқоридаги матнда табиат тасвирига берилган баҳо ифодаловчи *гўзаллиги, алланечук жуда очиб кўрсатар эди*

<sup>104</sup> Ҳакимов X. Ўзбек тилида нутқий актнинг баъзи муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999. – № 1. – Б.45

<sup>105</sup> Ҳомидий X., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б.163.

ифода бирликлари орқали асар қаҳрамонларининг кўтаринки кайфиятда эканликларини билиб олишимиз қийин эмас. Табиат тасвирининг шахс жисмоний ва руҳий ҳолати билан уйғун келиши муаллифнинг прагматик мақсади ва когнитив истаги натижасидир: *Агранинг кеч кузи худди Андижоннинг баҳор пайтлариdek салқин ва майин туюлар эди. Қоп-қора осмонда юлдузлар чарақлаб турибди. Бобур кўзини юмди:*

— *Баданимда қон уюшиб қолаётгандай... — деди Тоҳирга (П.Қодиров. Юлдузли тунлар. — Б.462). Юқоридаги матнда муаллиф шахс ва унинг фаолиятига баҳо беришда уюшиқ бўлакли гаплардан унумли фойдаланганлигини кўрамиз. Уюшиқ бўлакларнинг матн ва унинг таркибий қисми бўлган гапларда иштирок этиши муаллиф мақсадининг ўқувчига етказилишидаги таъсирчанликни таъминлайди. Зоро, “уюшиқ бўлаклар бадиий асарларда унинг таъсирчанлигини таъминловчи услубий восита сифатида қўлланади. Улар бадиий тасвирда пейзаж деталлари, ҳаракатнинг ўсиш суръатини ифодалаш учун қўлланади”<sup>106</sup>. Буни қуйидаги матнда ҳам кўришимиз мумкин: Оламнинг кенглиги, тоғларнинг баландлиги, Обимаишад сувининг тиниқлиги, оламнинг чиройи, гаройиб туйгулар барча-барчаси қўшилиб йигитни элитиб ташлади (М.Али. Сарбадорлар – Б.233).*

Матндаги шахс, предмет, ҳодисалар баъзан мантиқий қарама-қаршилик асосида ҳам баҳоланиши мумкин. Бу жараён объект ёки шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида икки хил баҳо бериш билан амалга оширилади: *Абдулла Қодирийдек баҳтсиз, шўрпешана ёзувчи йўқ. Мустабид тузум жаллодлари уни ҳибсга олдилар. Минг бир азобга дучор қилдилар... Охир ўлдириб тинчилилар.*

*Абдулла Қодирийдек баҳтли, пешанаси ярақлаган ёзувчи йўқ! Одамлар қамоққа тушиши, минг бир азобга йўлиқши, сургун бўлиши хавфидан қўрқмай, унинг китобларини ўқийвердилар. Ўқийвердилар. Ўқийвердилар!*

<sup>106</sup> Холиков X. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти ( А. Қаххор асарлари материаллари асосида). Филол.фанлари номзоди... дис. автореф. – Тошкент, 1993. – Б.8.

(Ў. Ҳошимов. *Дафтар ҳошиясидаги битиклар.* – Б.243). Матн муаллифи ёзувчи Абдулла Қодирийга баҳо беришда икки хил баҳо англатувчи, зид маъноли лисоний бирликлардан фойдаланади. Дастрраб салбий (*баҳтсиз, шўрпешана*), кейин эса ижобий (*баҳтли, пешанаси ярақлаган*) мазмундаги лексема ва фразеологик бирликларнинг қўлланилиши Абдулла Қодирийга берилган баҳо қийматини оширишга хизмат қилган ва шу орқали матнда ўзига хос антитета қаторлари ҳосил бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, берилаётган баҳонинг салбийликдан ижобийликка томон бориши баҳоланаётган объектнинг (шахснинг) ўзига хос, такрорланмас жиҳатларини очиб беради. Юқоридаги матнда таҳлилга тортилаётган объектнинг такрорланмас ва бетакрор жиҳатлари *баҳт* концепти доирасида амалга оширилган. “Маълумки, *баҳт* концепти мазмунида инсон учун қадр-қийматга эга бўлган туйғу ётади. *Баҳт* концептида баҳтсизлик, яъни қарама-каршилик (дуаллик) каби маъно ҳам мавжуд. Баҳтсизлик баҳтнинг акси сифатида намоён бўлади”<sup>107</sup>. Аксиологик баҳо бирликларини қўллаётган субъект баҳоланаётган объектнинг бир-бирига мутаносиб жиҳатлари ва хусусиятларини кўздан қочирмайди. Масалан, *гўзаллик* концепти *нафис, ёқимли, хушибичим, хуимуомала* каби лексемалар уйғунлигида келади. Баъзан муаллиф объектга баҳо бераётганда, унинг ташқи кўриниши билан хатти-ҳаракати ўртасидаги номутаносиб жиҳатларини ҳам ёритиб беришни маъқул кўради. Бу эса “нутқий бирликларнинг эволюатив, яъни баҳолаш вазифаси”<sup>108</sup> кўплиги билан изоҳланади: *Наҳотки, шундай келишган, силлик, юзлари нақшин олмадай сулув қиз ўхишовсиз, ёқимсиз овозда гапирса? (М.Али. Сарбадорлар. – Б.180).*

Баҳо обьектига нисбатан субъект ўз муносабатини билдирап экан, унинг энг муҳим жиҳатлари ифодаси учун ижобий, бетараф, салбий семага эга бирликларни танлаб ишлатади. Ижобий баҳонинг салбийликка ёки

<sup>107</sup>Мардисев Т. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлили. Филол.фанлари фалсафа д-ри. (PhD)... дис. автореф. – Самарқанд, 2019. – Б.16.

<sup>108</sup>Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Узбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.190.

аксинча салбий маънонинг ижобийликка қараб бориши маъно кўчиш ҳолати деб таърифланади. Аксарият ҳолларда бу турдаги транспозиция (маъно кўчиши) ижобийликдан салбийликка томон ҳаракат қилинганда содир бўлади. Бу жараён бемақсадлик билан эмас, муаллифнинг мақсади билан амалга оширилади. Амалга оширилган мақсад аксарият ҳолларда киноя мазмунида бўлиши кузатилади: *Ҳатто “энг замонавий”, “энг ақлли” қурол ҳам окоп билан болалар боғчасининг, аэродром билан түзруқхонанинг фарқига бормайди!* (Ў. Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. – Б.213 ).

Аксиологик баҳо тузилмалари нутқий фаолиятда, аникроғи, нутқий актда ҳам намоён бўлади. Шу ўринда нутқий актнинг “сўзловчининг маълум мухитда, аник мақсадда тингловчига лисоний муносабати”<sup>109</sup> эканлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Нутқий актда адресант обьектга баҳо беришда олдиндан маълум бўлган билимларга таянади ва шу асосда керакли лисоний бирликларни танлаб ишлатади. Бу бирликлар мулоқотга киришаётган шахсларнинг мақсадини очиқ ёки яширин тарзда билдириш хусусиятига ҳам эгадир. Нутқий мулоқот жараёнида сўзлашувчиларнинг руҳияти билан боғлиқ равишда қўлланилган бирликлар ҳар икки томоннинг коммуникациядан кўзланган мақсадини акс эттиришга хизмат қиласди :

– ... *Раҳматли сиз айтган истеъододсиз, лаёқатсиз тоҷдорлардан эди... Ҳийла баҳиллиги бор эди... Маҳмудхон охирӣ Шайбонийхоннинг оёги тагида қандоқ топталганлиги маълумингиздир.*

– *Наҳотки ўша ҳодисалар Ҳиротда яна тақрорланса, амирзодам?* (П. Қодиров. Юлдузли тунлар. – Б.259).

Рус тилишуноси В.И.Кодуховнинг таъкидича, нутқий акт руҳий-жисмоний жараён сифатида сўзловчи (адресант), тингловчи (адресат), мўлжалланган уч фаолият – сўзлаш (ёзиш), нутқий идроқ, тушунчалар билан алоқада бўлади<sup>110</sup>. Олим нутқий акт назариясига таъриф беришда руҳият

<sup>109</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Узбекистон Миллӣ энциклопедияси, 2008. – Б.71.

<sup>110</sup> Кодухов В. Введение в языкознание. – Москва: Просвещение, 1979. – С. 49.

билан боғлиқлигини ҳам эътироф этмоқда. Негаки, сўзловчи ўз мақсади баёнини тингловчининг руҳиятига боғлиқ равишда амалга ошириши табиийдир. Бу, айниқса, тингловчининг социал мавқеи сўзловчидан юқори бўлган ҳолларда амалга оширилади. Тилшуносликда бу каби ҳолат ассимметрик нутқий жараён деб аталиб, “ўзаро нутқий мулоқот жараёнида нутқ иштирокчиларидан бирининг социал жиҳатдан “тобелиги” ёки “устунлиги” сезилиб туради”<sup>111</sup>: *Ҳасса таянган кекса Соҳиб Доро Бобур билан кўришаётуб: Амирзодам, – деди. – Ҳазрат Мирнинг вафотларидан бери Унсия руҳсиз танадек эди. Сиз келганингиздан сўнг бу танада янги жон, янги рух пайдо бўлди!* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар. – Б. 255). Адресант адресатдан ёш жиҳатдан катта, лекин мавқеи кичик бўлганлиги боис унга амирзодам деб мурожаат этиши, ўзини бир қадар яхши кўрсатиш учун фикрини муболағали тарзда билдириши нутқий мулоқотга акс таъсир кўрсатмайди. Нутқий мулоқот жараёнининг ўзига хослиги шундаки, сўзловчининг фикрига мазмундан чекинмаган ҳолда (ҳаттоқи маъно жиҳатдан юқори) жавоб қайтариш учун тингловчидан билим ва заковатни талаб этади: *Қалби эзгу ва маъюс туйгуларга тўлиб турган Бобур шоирона ўхшатишилар қилиб ўтиргиси келмай жсўн жавоб берди:*

– *Мавлоно, ҳазрат Алишернинг маконлари менинг ўзимда янги рух пайдо қилди. Бу ерда мен санъату маърифатнинг ҳали умримда кўрмаган камолотини кўрмоқдамен!* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар.–Б.255). Юқоридаги матний тузилма тўлалигича аксиологик баҳо бирликларидан иборатдир: эзгу ва маъюс туйгулар бирикмаси орқали берилаётган баҳо асар қаҳрамонининг руҳиятига нисбатан ифодаланаётган бўлса, ҳали умримда кўрмаган камолот бирикмаси орқали эса сўзловчининг субъектив муносабати замирида шахс (Алишер Навоий)га нисбатан юқсак даражадаги баҳоси акс этмоқда.

Хар қандай матн лисоний тафаккур фаолиятининг маҳсули сифатида нутқимизда намоён бўлади ва ахборот алмашиниш фаолиятида муҳим ўрин

<sup>111</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр. 2013. – Б.67.

тутади. Ш.Сафаров фикрича, “ахборот фаолияти тафаккур ва лисоннинг кесишиш майдонидир. Тафаккур воситасида инсон атроф-мухит билан ўзаро муносабатга киришади, унинг воситасида воқеликдаги образ ва тушунчалар фарқланади. Ҳар қандай лингвокогнитив фаолият ахборотнинг инсон онгида фаоллашуви жараёнидир”<sup>112</sup> ва баъзан бу жараёнда шахснинг ички кечинмалари бир-бирига зид равишда матнда ифодаланади: *Хотира ёзганда унга ўз ҳаёти аввалгидан илиқроқ ва маънолироқ туюлган эди. Бекор ўтирганда эса яна ўша оғир ўйлар, совуқ пушаймонлар босиб кела бошлиди* (П.Қодиров. *Юлдузли тунлар.* – Б.241). Муаллиф асар бош қаҳрамонининг маълум фаолият билан боғлиқ ҳаракатига баҳо беришда маъно кўчишининг метафора деб аталган турига мурожаат қилишни маъқул кўради (*ҳаёти илиқроқ, оғир ўйлар, совуқ пушаймонлар*). Негаки, метафора – тропларнинг бир тури – фаол образли тафаккур шакли<sup>113</sup> сифатида объектнинг хусусиятлари, хатти-ҳаракатлари, руҳий кечинмаларини ўқувчи кўз ўнгидан аниқроқ ва ёрқинроқ акс этиши, матнга ажойиб жозиба баҳш этиши учун хизмат қиласи. Объектнинг хусусиятлари, хатти-ҳаракатлари аксарият ҳолларда ташқи томондан баҳо бериладиганда аниқроқ кўзга ташланади ва бу жараёнда баҳолаш ҳаракати асосий ўринга чиқади. “Баҳолаш ҳаракатининг ҳар қандай кўриниши идроқ ва нутқ субъекти фаолияти билан боғлиқ...”<sup>114</sup> лигини эътироф этамиз ва бу жараёнда билимнинг асосий роль ўйнашини қўйидаги матн мисолида кўришимиз мумкин: *Ҳа, Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли билимдон, ҳаётий тажрибаси пишган, оқни қорадан ажратиб олган, босиқ табиатли бир инсон экан!* (М. Али. *Сарбадорлар.* – Б.128). Келтирилган матнда нутқ субъекти баҳолаш жараёнида объект, яъни шахснинг энг муҳим, бошқалардан ажралиб турувчи “қадрли”, “қийматли” хусусиятларини ажратиб олади ва шу жиҳатларига асосий эътиборни қаратади. Эътибор қаратилган субъектнинг баҳолаш ҳаракати

<sup>112</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2007. – Б.76.

<sup>113</sup> Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент, Ўқитувчи, 1996. – Б. 208.

<sup>114</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Узбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.190.

нафақат шахсларга, балки предметларга нисбатан ҳам амал қиласи да ва бу бадиий матнда ўз аксини топади: *Тўрт унсур - тупрок, сув, ўт, ҳаво – абадийдир. Мавжудотдаги бор нарса ана шу тўрт унсур, тўрт модда аралашувидан ҳосил бўлади* (М.Али. Сарбадорлар. – Б.122). Тўрт унсурга берилётган баҳо тузилмалари *абадийлик, умумийлик, хусусийлик* мазмунига нисбатан берилади. Бу эса “инсон борлиқни “ўзлаштириши” жараёнида дастлаб хусусий белгиларга эътиборни қаратиб, кейин хусусийликлар қиёфаси асосида умумийликни ўзлаштириши”<sup>115</sup> ва шу асосда аксиологик баҳо тузилмалари намоён бўлиши билан характерланади.

Аксиологик баҳонинг қадр-қиймат мужассам бўлган тушунчаларда акс этишини эслатиб ўтишимиз жоиздир. Субъектив баҳонинг бу тури тушунчаларни “қадрият” парадигмасига “бирлаштиради” ва ўз муносабатини билдиришни субъектга ҳавола қиласи. Субъект эса объектнинг ўзи учун мухим, керакли жиҳатларини танлаб олади ва унга лисоний билимлари асосида шахсий баҳосини беради. Субъектив муносабат билдириётган қадрият-тушунчалар иерархияси, яъни даражаланиш қатори ҳам олимлар назаридан четда қолмади. Қадриятлар иерархиясини “завқ-мақсад-гўзаллик-ахлоқ-диндорлик” тарзида белгилашни биринчилардан бўлиб Э.Гартман таклиф этган эди. Шундан сўнг М.Шелер, Э.Шпренгер, У.Г.Риккerta, В.Штернлар ҳам қадрият-тушунчаларнинг иерархик қаторини эстетик, сиёсий, ижтимоий, диний томонлама фарқлаган ҳолда тузиб чиқади<sup>116</sup>.

Баҳолаш жараёни баъзида салбий иллатларга нисбатан ҳам амал қилиниши юқорида таъкидлаб ўтилди. Салбий баҳонинг берилиши объектнинг хусусияти билан боғлиқ равишда амалга ошади, бу жараён қиёслаш орқали юқори даражага кўтарилади: *У отаси каби ҳарбий сиёҳли шахдам эмас, балки латтамижоз, ланжу бекарор чиқди* (М.Али. Сарбадорлар. – Б.7).

<sup>115</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Узбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.203.

<sup>116</sup> Шохин В.К. Аксиология // Большая Российская энциклопедия. – Россия, 2004. // <https://bigenc.ru>.

Қиёсий таҳлилга тортилган объектнинг характер-хусусиятига *латтамижоз, ланж, бекарор* лексемалари орқали ошкора баҳо берилган ва *бекарор* семеси субъектнинг объектга бераётган қатъий баҳо хulosаси сифатида қаторнинг сўнгидан жой олган. Бу эса “қиёслаш орқали юзага келадиган баҳо даражаси доимий равишда прагматик омиллар таъсирида бўлиши”<sup>117</sup> билан характерланади. Аксиологик баҳонинг объектнинг умумий характеридан келиб чиқиб қўшимча равишда маълум хусусиятларига ҳам берилиши сир эмас. Бу билан объектнинг қайси жиҳатлари ижобий, қай бири салбий эканлигини аниқлашни ўқувчининг ўзига ҳавола қиласи: *Амир Ҳусайн ўжар, қўпол, ўз ўрнида мардлиги ҳам бор бир киши эди* (М.Али. Сарбадорлар. –Б.315). Аксарият ҳолларда объектга берилаётган баҳо намуналари субъектнинг ички нутқи ва унинг иккиланишлари натижасида ҳам юзага чиқади: *Ё раббий, на унинг дўстлигини билиб бўладур, на душманлигини* (М.Али. Сарбадорлар. –Б.248).

Н. Арутюнова “Баҳо предикатларининг барча вазифалари ва қўлланиш усуслари танлов тушунчалари доирасида бирикадилар”<sup>118</sup>, – тарзида фикр билдириши ўринлидир. Негаки, субъект объектнинг жамики хислатлари орасидан энг муҳим жиҳатларини танлаши ва шунга нисбатан муносабатини билдириши баҳо категориясининг энг муҳим хусусиятларидан эканлигини яна бир бора эслатиб ўтади. Н.Арутюнованинг фикрига қўшилган прагмалингвист олим Ш. Сафаров “... нутқий мулоқот ташаббускори, яъни сўзловчи шахс объект ҳақидаги маълумотни тингловчига етказиш учун ушбу объектнинг “қандайдир” хислатларини танлайди ва шу хислат асосида объектга баҳо беради ҳамда баҳо маълумотини адресатга узатади”<sup>119</sup>, – деб таъкидлайди. Бу “қандайдир” хислат субъект учун объектнинг айни дамда бошқалардан ажralиб турувчи характер-хусусияти бўлиши ҳам мумкин: *Бу чақмоқ хулқли, қатъиятли, таваккалчи, бало-қазоларга беписанд*

<sup>117</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Узбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.188.

<sup>118</sup> Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. – Москва: Наука, 1988. – С.50.

<sup>119</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Узбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.189.

қарайдиган кешилик амир ҳамиша диққатни ўзига тортаб туради (М.Али. Сарбадорлар. – Б.402). Адресант (Илёсхўжаон)нинг адресат (Темурбек)га бераётган баҳоси ижобий мазмунда бўлиб, объектнинг ўзига хос хислатлари санаб ўтилган. Аҳамият қаратишимииз лозим бўлган яна бир жиҳати шундаки, сифат сўз туркумидан таркиб топган уюшиқ бўлаклар персонаж тасвирини ўқувчи кўз ўнгидаги аникроқ гавдалантиришга хизмат қилган ва ўзига хос услугбий восита вазифасида келган. З.Пардаев “бадиий нутқда баҳо муносабатини ифодаловчи сифат лексемалар эмоционал экспрессивликни ҳамда ёзувчи услубининг ўзига хослигини таъминловчи, шунингдек, персонажлар нутқини индивидуаллаштирувчи асосий воситалардан бири”<sup>120</sup> эканлигини таъкидлайди. Муаллифнинг объектга берилаётган баҳо тузилмалари унинг ташқи кўриниши билан характер-хусусиятлари ўйғунлигига ҳам намоён бўлади: *Темурбек баланд бўйли, чорпахил, калласи катта, овози кучли бир йигит эди. Унинг катта шижиоат эгаси эканлиги, жасуру қўрқмаслиги шундоққина кўриниб турарди* (М.Али. Сарбадорлар. – Б.22). Юқоридаги сифат лексемалар ижобий баҳо семасини ифода этиб, ўзбек йигитларига хос жиҳатларини акс эттириш учун хизмат қилган. Шунингдек, шахсий сифатни англатиб келган лингвокультуреремалар, яъни миллий-маданий сўзлар баҳо ифодаловчи вазифасида келган. “Ўзбек тилидаги белги ифодаловчи айрим лингвокультуреремаларда «ижобий қиёфа» семасини ифодалаш халқ қадриятлари билан боғлиқ”<sup>121</sup>ги эътироф этадиган бўлсак, муаллифнинг аксиологик баҳоси ўзининг “хизмат вазифаси”ни тўла ўтаган. Матнда келтирилган “чорпахил” лексемаси форс-тожик тилидан ўзлашган бўлиб, “тўладан келган, яғрини кенг; ғўлабур, миқти”<sup>122</sup> деган маъноларни англатади. Келтирилган матний тузилмада муаллиф баҳо англатувчи лексемаларни миллийликка боғлиқ равишда қўллашни маъқул кўради.

<sup>120</sup> Пардаев З. Нутқ инновацияси ва уларда баҳо муносабатининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010. – №5.– Б.107.

<sup>121</sup> Кадирова Б. Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Тошкент: 2019. – Б.15.

<sup>122</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, IV жилд. 2008.– Б. 510.

Субъект объектга баҳо берәётганда унинг ҳеч кимга ўхшамаган ва ажралиб турган жиҳатларига эътибор қаратиши унинг билим заҳираларига таяниши билан боғлиқдир. Тил орқали юзага чиқадиган билим захираси олий қадрият эгаси бўлган инсон учун зарурдир. “У (тил)нинг воситасида инсон ижтимоий-маданий воқеликда ўз ўрнини топади, фаолият мўлжалини олади. Мўлжални топиш учун меъёрий ўлчов белгиси, яъни эталонни аниқлаш лозим. Ушбу эталон-намуна асосида идрок қилинаётган воқеликнинг идрок этувчи шахс учун муҳим, “қадрли” томонлари аниқланади”<sup>123</sup>. Муаллиф, яъни субъект учун объектнинг ўша муҳим жиҳатлари ва томонлари баҳолаш учун асос бўлади: *Лекин фақирга энг улуғ туюлган фазилатлари – ҳазрат Мирнинг истеъдошиуносликлари-ю, заковатпарварликлари* эди (П. Қодиров. Юлдузли тунлар –Б.256).

Субъект томонидан баҳоланаётган объект ўсимлик ёки предмет бўлса, инсоний хислатларга қиёсланиши мумкин: *Олча дараҳтининг танаси кексаларга хос ғадир-будир, сершоҳ, сермева* эди ( Н.Эшонқул. Ялпиз ҳиди.– Б.149). Келтирилган матнда дараҳт танасининг ғадир-будирлиги кексалар ташки кўринишининг ифодаси бўлса, “сершоҳ, сермевали”ги ўзбек қарияларининг босиб ўтган умр йўллари ҳамда фарзандларига ишорадир. Айнан мана шу парчада миллий қадриятнинг ўзига хос аксиологик намунаси келтирилган.

Нутқий фаолият адресант (сўзловчи) ва адресат (tinglovchi) ўртасида амалга ошиши маълум ҳодисадир. Бу фаолият жараёнида ҳам ҳар иккала томон мавзу кўламидан келиб чиққан ҳолда баҳо англатувчи лексемаларни билим ва лисоний заҳираларига мос ҳолда ифодалайди, “яъни баҳолаш зарурати тилда мавжуд бўлган бирликлардан кераклисини танлаб олиб қўллашни тақозо қиласди”<sup>124</sup>:

<sup>123</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б.188.

<sup>124</sup> Пардаев З. Нутқ инновацияси ва уларда баҳо муносабатининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010. – № 5. – Б.107.

– Амирзодам, бугунги Ҳиротни шунчалик гўзал, шунчалик улуғ қилганлар – эл-улус орасидан чиққан *истеъдоодлар* эмасми?

– Рост! Кўз ўнгимизда турган барча нодир обидалар–улуг *истеъдоодлар* орасидан чиққан гавҳарлардир (П.Қодиров. Юлдузли тунлар.– Б.257). Матн мазмунини тўлароқ очиш учун хизмат қилган гўзал, улуғ, нодир, гавҳар лексемалари баҳолаш хусусиятига эга бўлган сифатлардир ва бу сифатларда коннотатив маъно етакчилик қилмоқда. Бундан ташқари, бу сифат лексемалар нутқий фаолият иштирокчиларининг шахсини ва санъатга бегона эмаслигини англашга ёрдам беради. С.Қурбонованинг қайд этишича, кишилар тил воситасида ўзаро муносабатга киришар экан, нутқий фаолият давомида уларнинг шахс хусусиятлари, характеристи ва табиатига хос жиҳатлар намоён бўлади<sup>125</sup>.

Аксиологик модаллик бадиий матнда унинг прагматик маъномазмунини ифодаловчи, тавсифловчи, очиб берувчи, йўналтирувчи семантик қатлам сифатида иштирок этади. С.Боймирзаеванинг таъкидлашича, “бу турдаги модалликнинг воқеланишини таъминловчи лисоний воситалар кўлами ғоят кенг бўлиб, ушбу воситалар турли матн мухитларида хилма-хил маъно нозикликларини ифодалаш имкониятига эга”<sup>126</sup>. Бу маъно нозикликлари нафақат шахс, балки умуминсоний қадрият ва у орқали эзгу ҳаракатда ҳам ўз аксини топган бўлади: *Магрибнинг лолагун шафагига тикилиб турган Ал-Фаробий бу гал ўз-ўзига айтгандай деди:*

*Рубъи маскунда баҳт-саодатга, иқболга эришимак мумкин ва зарур ҳамдир. Тинч-осойишта ҳаётга, иқболга эришимак халқларнинг ўз қўлида, ўз ихтиёридадир (М.Али. Сарбадорлар. – Б.361).* Аксарият ҳолларда ҳаракатга нисбатан берилаётган баҳо тузилмаларида қарама-қарши маъноли сўзлардан фойдаланиш ҳолати ҳам кўзга ташланади. Бу эса сўзловчининг фикр ва

<sup>125</sup> Қурбонова С. Бадиий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Фарғона, 2018. – Б. 5.

<sup>126</sup> Боймирзаева С. Матнда аксиологик модаллик // Тил ва адабиёт таълими, 2010. – № 4. – Б.23.

хиссиётларини тасвирлаш орқали “уларга қиёсий характеристика беришда”<sup>127</sup> намоён бўлади: *Қандай қўлса одамларнинг нафратига эмас, ҳурматига сазовор бўлади?* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар.– Б.430).

Лисоний-тафаккур фаолияти мураккаб жараён бўлиб, муаллиф ёки сўзловчи фикр ифодаси бир хил ва оддий бўлиб қолмаслиги учун бир-бирини такрорламайдиган тасвирий тузилмалар билан амалга оширишни маъкул кўради: *Бу ҳароратли сатр қозогзга тез ва равон тушиди. Бобур ўз зеҳнининг гўё қайралиб, ўткирлашиб қолганини сезиб туради* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар. – Б.195). Келтирилган мисолда метафоранинг қўлланилиши матн аксиологик модаллигини таъминлаш ва шу тарзда адресатга эстетик таъсир ўтказиши мумкинлиги билан характерланади.

Сўзловчи нутқий фаолияти давомида ва ифода харакатлари ёрдамида маълум факт, воқелик хусусидаги ахборотни оламда акс этган реалликнинг хақиқийлик шарти асосида баён килади. Баён қилиш асносида ўша ахборотга ўзининг муносабатини ҳамда баҳосини ошкор қилади. Бу ошкоралик айниқса, шахсга нисбатан берилаётган баҳода янада аниқроқ акс этади: – *Барчангиз менинг оғамсиз, инимсиз, яқинимсиз.* (М.Али. Сарбадорлар. –Б.242). Келтирилган мисолда адресант адресатларга баҳо беради. Берилаётган баҳо ижобий бўлиб, ўзига яқин олиш ва мақсадли харакатга ундаш маънолари билан боғлиқдир. Бу маъноларни уюшиқ бўлаклар ва уларнинг ҳар бирига қўшилиб келган эгалик қўшимчалари орқали англа билишимиз қийин эмас. Негаки, бу гапда таъкид маъноси етакчи ўринни эгаллаган. Тилшунос олимларимиз фикрича, “сон, эгалик... аффикслари баъзан уюшувчи сўзларнинг ҳар бирига қўшилиб келиши ҳам мумкин. Бунда ҳар бири таъкидланади”<sup>128</sup>. Демак, матнда ишлатиладиган ҳар бир восита муаллиф томонидан танланган ахборотга турли хил модаллик бўёғини бериш хусусиятига эга эканлигини алоҳида қайд этишимиз зарурдир.

<sup>127</sup>Хомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б.30.

<sup>128</sup>Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б.189.

Ўрганилаётган тадқиқот ишимизнинг асосий мавзуси – аксиологик модаллик категориясининг мураккаблашган содда гапларда воқеланишини бошланғич ва асосий нуқта деб қарасак, уюшиқ бўлаклар ҳақидаги илмий-назарий қарашлар шу нуқта атрофида айланади. Модалликнинг предикативлик билан ўзаро боғлиқда эканлиги тилшуносликка маълум бўлган лингвистик назариядир. Бу икки синтактик категорияларнинг фарқини факат тил-нутқ дихатомияси чегарасида ўрганиш лозимлигини уқтиришади. Зеро, модалликнинг ҳам, предикативликнинг ҳам негизида муносабат тушунчасини акс этар экан, улар бир-бири билан боғлиқликда ўрганилади. Юқоридаги фикрлар умумлашмасига кўра уюшиқ бўлакли гапларда ҳам модаллик, ҳам предикативлик муносабат бирдек ифодаланади. Предикативлик эга ва кесим муносабатига асосланади; модаллик эса объектив ва субъектив муносабатлар жамланмасидир.

Субъектив баҳо – матннинг бевосита мулоқот жараёнида юзага чиқадиган коммуникатив мазмундаги ҳодиса бўлиб, субъект-объект муносабатига асосланади. Аксиологик баҳо эса субъектив баҳонинг бир тури сифатида объектнинг энг қадрли, энг муҳим хислатларига нисбатан берилиб, эмоционаллик, қиёслаш, баҳолаш, тавсифлаш, муносабат билдириш орқали акс этади. Уюшиқ бўлакли гапларда аксиологик баҳо ифодаси матн муаллифининг шахсга ва воқеликка муносабати асосида юзага келар экан, ушбу жараён ифодасида албатта семантик ва прагматик хусусиятлар намоён бўлади.

## **2.2.§. Ундалмали гапларда ифодаланган аксиологик модалликнинг прагмасемантикаси**

Тилшуносликда ўзининг аниқ ифода планига эга бўлган, когнитив-дискурсив ҳодиса сифатида ўрганилиб келинаётган категориялардан бири бу – модаллик категорияси, деб таъкидласак ўринлидир. Модаллик категорияси маълум муддат синтактик сатҳ бирлиги сифатида тадқиқ этилган бўлса,

ҳозирда матн таркибида ҳам ўзини намоён этмоқда. Бу эса модалликнинг ифода имкониятлари кенглигидан далолат беради.

Тил – инсонлар ўртасидаги нутқий алоқани таъминлайдиган асосий бирлиқдир. Бу жараёнда модаллик категориясининг ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Тилшунослиқда модаллик мазмунига берилган турли хил фикрлар мавжуд. В.В.Виноградов модалликка “гап таркибидаги хабарнинг воқеликка муносабати...”<sup>129</sup> деб, Н. Махмудов ва А. Нурмоновлар “сўзловчи маълум объектив мазмун, воқелик ҳақида ахборот бериш давомида шу воқеликка ўзининг шахсий муносабатини (тасдиқлаш, тахмин, ишонч ва бошқалар ) ҳам ифодалаш мумкин. Ана шу муносабат модал муносабат саналади”<sup>130</sup> тарзида таъриф берадилар. Ўзбек тилшуноси Б.Ўринбоев эса гап семантиказининг энг муҳим компоненти ва гапнинг асосий бирлиги модаллик эканлигини таъкидлаб, бу категориянинг объектив ва субъектив турлари борлигини эътироф этади<sup>131</sup>. Модалликнинг бу икки тури ҳақида тилшунос олим Ж.Якубов ҳам ўз илмий қарашларини мантиқ ва тил доирасида изоҳлайди ҳамда уларнинг фарқли ва бир-бирига боғлиқ жиҳатларини қуидагида ифодалайди: “Объектив модаллик билишга йўналтирилган муайян воқеадаги объектив алоқаларни (мумкинлик, ҳақиқийлик, зарурийлик) акс эттиrsa, субъектив модаллик бу алоқаларни билиш даражасига сўзловчининг муносабати (баҳоси)ни ифодалайди”<sup>132</sup>. Бундан ташқари модаллик тадқиқотчиси Ю.Мирзаҳмедова модалликка “нутқда воқеланаётган фикрга сўзловчининг мойиллик даражаси, майли қандай эканлигини кўрсатади”<sup>133</sup>, – деб таъриф беради.

<sup>129</sup> Виноградов В.В. Основные вопросы синтаксиса предложения (на материале русского языка) // Современный русский язык. Хрестоматия, часть 3. – Минск, 2010. – С.52.

<sup>130</sup> Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.60.

<sup>131</sup> Ўринбоев Б. Синтактик муносабатлар. – Самарқанд, 2005. – Б.122.

<sup>132</sup> Якубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари. Филол.фанлари д-ри... дис. – Тошкент, 2006. – Б.76.

<sup>133</sup> Мирзаҳмедова Ю. Модаллик категорияси ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2006. –№ 6. – Б. 71.

Маълумки, тил семантик структурасида баҳо ифодаловчи лексик воситалар талайгина. Бу воситалар баҳо англатиш мазмун ва моҳиятига кўра ўзаро фарқланади. Сўзловчининг тингловчига субъектив муносабат (баҳо) англатишини ундалма қатнашган содда гапларда ҳам учратамиз.

Ундалма ҳақидаги тилишунослик учун муҳим маълумотлар Фитратнинг “Наҳв” асарида ҳам берилган<sup>134</sup>. Шунингдек, А. Гуломов, М.Аскарова, Ф.Абдураҳмонов, А.Сайфуллаев, Н.Махмудов, А.Нурмонов<sup>135</sup>лар ундалма ҳақида ўзига хос қарашларни илгари сурадилар. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш устида иш олиб бораётган олимлар бу синтактик бирликка “у мантиқан сўз кенгайтирувчиси мақомида бўлиб, кесимлик категорияси таркибидаги шахс-сон, модаллик маъноларини муайянлаштирувчи бўлакдир”<sup>136</sup>, - деб таъриф беради. Ундалмага берилган таърифда модаллик маъносини англатувчи жиҳат ҳам ўрин олган. Бу бежизга эмас. Модаллик семантик-синтактик ҳодиса сифатида ҳар бир гапда мавжуд бўлади. Негаки, муҳим конструктив кўрсаткич – модаллик мазмунида воқеликка ва сўзловчининг ўз нутқига муносабат ишораси мавжуд. Фикр ифодаловчи муносабатга мос равишда унинг семантик ва прагматик маъносини очиш учун синтактик воситалардан маъқулини қўллайди.

Хусусийликдан умумийлик томон боришни афзал билган Н.Аҳмедова эса ундалманинг мазмун қўламини кенгайтирган ҳолда “мурожаат бирлиги” терминини қўллашни маъкул кўради ва буни ўзининг тадқиқотларида ёритиб беради<sup>137</sup>. Юкоридаги ундалма ҳақидаги фикрлар асосида улар иштироқидаги

<sup>134</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 205-206.

<sup>135</sup> Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1987. – Б.150.; Абдураҳмонов Г.А. Синтаксис осложненного предложения // Структура и история тюрских языках. – Москва, 1971. – С.52.; Сайфуллаев А. Ўзбек тили содда гап қурилишида учинчи даражали бўлаклар. Филол.фантлари д-ри ... дис. – Тошкент, 1972. – Б.80.; Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент, 1995. – Б.98.

<sup>136</sup> Курбонова М., Сайфуллаева Р., Бокиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. – Тошкент, 2004. – Б.72-91.

<sup>137</sup> Расулов Р., Аҳмедова Н. Ундалмами ёки мурожаат бирлиги? // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – №2. – Б. 85-88.; Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликлари // Филологические науки: состояние, перспективы, новые парадигмы исследований. Международная научная конференция. I том – Уфа, 2019. – С.34-41.; Аҳмедова Н. Мурожаат бирликларининг прагматик хусусиятлари // Илм сарчашмалари, 2019. –№ 9. – Б.40-43.

гапларда англашиланаётган аксиологик модаллик, муносабат, баҳо, семантик маъно акс этган жиҳатларни тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйдик.

Аксиологик модаллик мазмуни тўлигича инсон тафаккурида шаклланади, маълум матн ва нутқий фаолиятда намоён бўлади. Матннинг бошқа турларидан фарқли равишда, бадиий матн мураккаб характерли модалликдан иборат. Муаллиф тасвирланаётган шахс, воқеа-ҳодисага шахсий муносабатини ўқувчига тез ва натижали етказиш учун таъсир ўтказувчи лисоний воситаларни идрокда танлайди ва бу танлов натижасини етказишга ҳаракат қиласи: *Амирзодам, сиз Ҳиротнинг юксак санъатию ажойиб истеъдолларига ҳавасингиз келиб сўзладингиз* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар. – Б.269).

Бадиий тасвир воқеа-ҳодисалар кўламига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан муаллифнинг тасвирланаётган обьектга хусусий муносабати ҳам турли кўринишни олади. Эътибор қаратишимииз лозим бўлган жиҳат шундаки, тасвир субъекти ҳодиса баёнида ўз эмоциясини қай даражада, шаклда ва воситада баён қила олишидир. Инсоннинг обьектив олам билан боғлиқлиги унга нисбатан маълум бир муносабатнинг юзага келиши учун замин тайёрлайди, ташқи таъсирлар туфайли юзага келган руҳий кечинмалар, ҳис-туйғуларни ифодалаш, муносабат билдириш, яъни баҳолаш зарурати нутқ жараёнида тилда мавжуд бирликлардан кераклисини танлаб олиб кўллашни тақозо қиласи<sup>138</sup>. Бу бирликларнинг кўлланилиши турли хил эмоцияни юзага чиқарадики, баъзида бу вазият билан боғланган бўлади. Е.М.Вольф бежиз эмоционал нутқий бирликларнинг икки хил интенцияга (мақсадга) эга бўлишини айтиб ўтмаган. Биринчи турида тингловчида маълум бир ҳис-туйғу туғдириш мақсади кўзланса, иккинчисида эса сўзловчи ўз ҳиссиётларини маълум қилишга ҳаракат қиласи<sup>139</sup>. Бироқ ҳар иккала мақсадни ажратиб олиш мушкул, сабаби ҳар

<sup>138</sup> Пардаев З. Нутқ инновацияси ва баҳо муносабатининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. – №4. – Б.42.

<sup>139</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. – Б. 184.

иккала ҳолатда ҳам бир хил коммуникатив вазифа бажарилади ва натижа ҳам бир хилдир. Чунки сўзловчининг баён этаётган нутқ вазиятида эмоция мавжуд бўлади ва унинг қабул қилиниши тингловчининг ҳис-туйғуларига ҳам ўз таъсирини ўтказади :

– *Мавлоно, биз сизни Ҳиротдан чорлаб келтирганда янги қасрлар, чорбоғлар қурдиши умидида эдик. Аммо оламга машҳур қадимий обидаларимизнинг бу аҳволини кўриб, ўзингиз ҳам таассуф этсангиз керак.*

– *Ҳазратим, Улугбек мирзонинг оламда ягона расадхонаси ҳам мана шу Чиннихона каби ташландиқ аҳволдадир, – деди мавлоно Фазлиiddин (П.Қодиров. Юлдузли тунлар.–Б.328). Келтирилган матний тузилмада **чорлаб келтирмоқ** бирикмаси адресантнинг адресатга хурмат тамойили орқали коммуникатив алоқага киришган ҳолда ўзининг ижобий эмоциясини билдирум оқда.*

Тил бирликларини мақсадга мувофиқ равишда қўллаш баҳо бериш жарёнини осонлаштиради ва баҳони акс эттирувчи лексемаларнинг олдинги ўринга чиқишига ёрдам беради. Бизга маълумки, содда гапни шаклан ва мазмунан мураккаблаштирувчи восита сифатида ундалмалар апеллятив, эстетик, поэтик ва прагматик вазифаларни бажаради. Негаки, ундалмалар “объектга нисбатан субъектив баҳолашни ифодалайди”<sup>140</sup>. Мураккаблашган содда гапларнинг услубий хусусиятларини тадқиқ этган олим Ҳ.Холиқов “ундалмаларнинг икки гуруҳи:1) услубий жиҳатдан холис айтилган (нейтрал) ундалмалар; 2) бирор қўшимча маъно ифодаловчи ундалмалар фарқланиши”<sup>141</sup>ни таъкидлаб ўтган. Юқоридаги фикрлар асосида, яъни аксиологик модалликни ифода этувчи восита сифатида ундалмани семантик хусусиятга эгалиги ва прагматик вазифани бажариши нуқтайи назардан 2

<sup>140</sup> Қозокова Н. Мурожаат бирликларининг функционал-прагматик хусусиятлари // Тил ва адабиёт таълими, 2018. – № 6. – Б. 34.

<sup>141</sup> Холиқов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти. Филол. фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 1993. – Б.11.

гурухга бўлишни лозим топдик<sup>142</sup>. Негаки, ”баҳо” тушунчаси лисоний тушунча ҳам, бирор соҳага тааллуқли тушунча ҳам эмас, балки мазкур тушунча инсониятнинг эзгулик ва ёвузлик фарқига бориш учун хусусий баҳо билдириш тариқасида майдонга келган умуминсоний тушунчадир”<sup>143</sup>:

1.Ижобий баҳога эга ундалмалар (Ижобий аксиологик муносабат).

2.Салбий баҳога эга ундалмалар (Салбий аксиологик муносабат).

Ижобий мазмуний баҳога эга ундалмалар яна ички гурухларга бўлинади. Ўз-ўзидан аъёнки, бунда ижобий мазмундаги баҳо англатувчи лексемалар фаол ишлатилади.

1.Мақтов мазмунида келган ундалмалар том маънода ижобий руҳда бўлиб, тингловчининг хатти-харакатидан сўзловчи мамнун эканлигини билдиради. Мақтов нутқий акти орқали адресатда маълум руҳий ҳолат пайдо бўлади, бу эса вазиятнинг прагматик нуқтаи назардан баҳоланиши сифатида қаралади. Бундай нутқий актларда “баракалла”, “қойил”, “яшавор”, “балли”, “раҳмат” каби ундов сўzlари фаол ишлатилади: – *Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Сени туққан онангга ва ўқутган устозингга раҳмат (А. Қодирий. Меҳробдан чаён. –Б.599).*

2.Илтимос мазмунидаги ундалмаларда мулоқот мақсади очикроқ ва бироз ялинганинмо тарзда кечади : – *Ҳазратим, мендан хатолик ўтган бўлса афв этинг (П. Қодиров. Юлдузли тунлар. –Б.400).*

3.Миннатдорлик мазмунидаги ундалмали гапларда сўзловчи тингловчига мурожаат қилишда ўзининг ҳиссиётини ҳам билдиради. Инсондаги ҳиссиёт воқеликка баҳо бериш вазифаси ва қобилиятининг уйғун ҳолда шаклланиши орқали юзага чиқади: –*Амирзодам, мен бир навкарингиз бўлсан ҳам сизга тугушиқонимдек меҳр қўйганмен (П. Қодиров. Юлдузли тунлар .– Б.245).*

<sup>142</sup> Бойматова Д. Ундалмали гапларда ифодаланган аксиологик модалликнинг прагматик ва семантик вазифаси // Academic Research in educational sciences. Volume 1, Issue 3. 2020. – Б.251.

<sup>143</sup> Костюченко В.Ю. Аксиологическая модальность в русских и английских сетевых ток-шоу и интернет-комментариях: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты // Вестник МГЛУ. – Минск : МГЛУ, 2019. – № 2 (99). – С.36.

4. Хабар мазмунидаги ундалмали гапларда миллий қадриятлар (урфодатлар) ҳам акс этган бўлади: *Ўзбек ойим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эдики, нариги ёқдан қўшинининг боласи югуриб кириб қолди.*

– *Суюнчи беринг, бек буви, кеннойим келдила!* (A. Қодирий. Ўткан кунлар. – Б.310).

5. Эркалаш мазмунидаги ундалмали гаплардаги аксиологик баҳо асосан, хурсандчилик руҳияти билан боғлиқ бўлади: –*Хурсандман*, болажон, ёзганларингиздан *хурсандман* (Ў.Хошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. – Б.35).

6. Даъват этиш якка шахс ва умумжамоага қаратилганланлиги билан аҳамиятлидир. Бу семага эга ундалмали гапларда ижобийлик ва салбийлик хусусиятларини дастлаб ажратиб олиш мушкул. Бизга шаклан ижобий бўлиб кўринган ундалмали гаплар мазмунан салбий ёки аксинча бўлади. Ижобийлиги ёки салбийлиги аксарият ҳолларда хатти-ҳаракатлар якунида маълум бўлади: – *Қани, Ҳиндубек, энди бизга сиз раҳнамолик қилинг.* (П.Қодиров. Юлдузли тунлар. –Б.377).

7. Ундалмалар сўз бирикмаси шаклида келса сўроқ мазмунида ишлатилиши кузатилади: – *Ҳалимқул шаҳна борми, феъли яхшилар, Ҳалимқул шаҳна?* – деб сўради яна оқ яктакдаги киши (M. Али. Сарбадорлар. –Б.8).

8. Бирон бир фаолиятни мамнун бўлиб, ўз истаги билан бажариш семасини англатган ундалмалар кўпроқ гап охирида келиб, мавқеси жиҳатдан юқори турувчи лексема билан ифодаланади: – *Боши устига, ҳазратим* (П. Қодиров. Юлдузли тунлар. – Б.46).

Салбий мазмуний баҳога эга ундалмалар ҳам ўзида субъектнинг маълум муносабатини ифодалайди. Фақат бу муносабатда ижобий ёки нейтрал муносабатдан фарқли равишда салбий баҳога эга лексемалар фаол ишлатилиши билан характерланади.

1. Танбех мазмунидаги ундалмаларнинг акс этишида сўзловчи ва тингловчининг яқинлиги, руҳий ҳолати, ёши ва дунёқараши билан боғлиқ жиҳатлар муҳим ўрин тутади. Бу тарздаги баҳо муносабати асосан, ёши, мансаби, лавозими жиҳатидан катта шахслар томонидан берилиши билан характерланади: ... *Ҳасанали Отабекни ечинтирас экан, ризосиз оҳангда деди:*

— **Ўғлим, сизга шу шайтоний ишининг нима зарурати бор!** (A. Қодирий. Ўткан кунлар. – Б.96 ). Ушбу матнда Ҳасаналининг Отабекка берәётган “енгилгина” танбехи замирида қайғуриш, меҳрибончилик мазмуни ҳам акс этмоқда. Зеро, танбех акти эксплицит жиҳатдан салбий бўлса ҳам, аммо имплицит жиҳатдан ижобий мазмунни воқелантириш учун хизмат қиласи.

2. Киноя маъносини акс эттирувчи ундалмалар деярли тўлиғича салбий маъно устига курилгандир. Негаки киноянинг ижобий мазмунда ифодаланиши коммуникантлар ўртасида кам кузатилади. Айрим ижобий мазмундаги ундалмалар сўзловчининг тингловчига муносабати талаби билан салбий маънода ишлатилиши ҳам мумкин: *Азизим, қўрқманг, комиссияни ўзлари тинчитадилар. Сиз жигига тегмасангиз, албатта...* (З. Қуролбой қизи. Ёвузлик фариштаси.–Б.52). Юқоридаги матнда киноя мазмуни тўлиғича салбий руҳда бўлиб, коммуникантлар ўртасида лисоний ассимметрия борлигидан далолат беради. С.Боймирзаеванинг “мулоқот матнида киноя мазмунининг ҳосил бўлиши лисоний ассиметрия ҳодисасининг намунаси”<sup>144</sup>дир. Зеро, шаклан ифодаланган ва нутқий ҳаракат мақсади билан боғлиқ бўлган ботиний маънолар қарама-қаршилигисиз киноя мазмунидаги матн яратилмайди”, – деган фикрлари тўлиқ салбий баҳога эга ундалмаларга тегишлидир. Қуйидаги матн парчасига эътибор берайлик:

---

<sup>144</sup> Боймирзаева С. Матнда киноя мазмунининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. – № 4. – Б.112.

– *Мулла Омонбой, шаҳардаги қўшини-қўлончи, сайис, мирохўр, бою боёнлар, ошна-огайниларингизга хат-патингиз йўқми?* (F.Гулом. Шум бола. – Б.170). Тўлиғича киноя мазмунидаги матндан коммуникант иштирокчиси томонидан айтилган мурожаатда қадрият семасига тааллуқлилик жиҳатлари ҳам бор. Уй-жойидан, қариндошларидан узокда юрган ҳар қандай инсонда соғинч ҳисси бўлиши табиий. Бундай вақтда ўзининг соғ-омонлигини билдириш учун хат-хабар жўнатилади. Сўзловчи тингловчига киноявий муносабатда бўлиш билан биргаликда, унинг соғлиги ҳақидаги хабарни яқинларига етказишни мақсад қиласди. Бу эса “Киноя ҳар қандай қадриятларга, нуқтаи назар ёки баҳо муносабатга четдан назар ташлаш, уларнинг чекланганлигини англаш ва англатиш имконини беради”<sup>145</sup>, – деган фикрнинг тасдиғидир.

3. Ҳар қандай нутқий мулоқот замирида тингловчига таъсир ўтказиш мақсади ётади. Тингловчи томонидан содир этилган маълум хатти-харакат (нутқий, ишоравий, жисмоний) сўзловчининг руҳиятига таъсир қиласди. Шу аснода унга нисбатан ижобий ёки салбий руҳдаги муносабат ҳосил бўлади ва бевосита нутқий мулоқотда юзага чиқади. Ғазаб ва нафрат семасига эга лексемаларнинг ишлатилиши адресат (tinglovchi)нинг ноодатий харакат содир этганлигини билдиради ва шунга мос равишда “жавоб олади”. Бу каби жараёнда мурожаат бирлиги бўлган ундалма психологик вазифа бажаради: *Хожи воқеани табибдан эшишкан, шунинг учун ҳозирги фожиаъ саҳнасидан ажабланиб турмади:*

– Чиқ, Зайнаб, чиқ! – деди ул ҳам, – **лаънат сендек хотинга!** (A.Қодирий. Ўткан кунлар. –Б.372).

4. Субъектив модаллик негизидаги аксиологик баҳо матннинг муҳим лисоний белгиси сифатида аччиқланиш ва заҳархандалик маъно-мазмунига эга матнларда ҳам воқеланади. Аччиқланиш ва заҳархандалик мазмунига эга ундалмалар, асосан, гап охирида келиб, салбий муносабатнинг кучлилиги

<sup>145</sup> Шералиева М. Насрда лиизм ва киноя // “Шарқ ўлдузи”, 2012. –№1. – Б.4. [ Saviya.uz.]

билан характерланади: – *Хой, ўзинг жинни бўлиб қолибсан, ўғлим! Ахир менинг даргоҳимда шамга кун қолдими?* (Ғ. Ғулом. Шум бола. –Б.150).

5. Дўқ-пўписа мазмунидаги ундалмали гапларда субъектнинг баҳоси салбий прагматик семали лексемалардан фойдаланиш орқали амалга ошади: *Вой аблак-ей, поччангнинг қумрисини нима қилдинг?* (Ғ. Ғулом. Шум бола. – Б.107). Аксарият ҳолларда шаклан салбий, мазмунан ижобий (эркалатиш, енгил танбех) семага оид тил бирликларининг қўлланилиши субъектнинг лисоний ифода имкониятларидан самарали фойдаланганлигидан далолат беради.

6. Менсимаслик ва ҳақоратлаш мазмунидаги нутқий мулоқотда ижтимоий ассимметрия ҳодисаси кузатилади. Адресант адресатга нисбатан мурожаат бирликларини ишлатишда салбий бўёқдор семали лексемалардан фойдаланиши унинг прагматик мақсади талаби билан амалга оширилади:

– *Сен бизга хиянат қилдинг, итувли!...*

–*Сенинг қизан ишинг пусулмончилиқда борми, итувли?* (А.Қодирий. Мехробдан чаён. – Б.623).

Матндаги *итувли* салбий бўёқдор мазмундаги ундалма бўлиб, диалектизм ҳисобланади. Бу бирикма (*итувли //ит ўғли*) инсонга нисбатан айтилганда тўлиқ ҳақорат мазмунини англатади ва сўзловчининг тингловчига нисбатан муносабати ўта даражада салбий эканлиги маълум бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ундалмаларнинг ижобий ёки салбий маъно англатиши, авваламбор, адресантнинг эмоцияси билан боғлиқ. Инсонлар ҳаётида ҳиссий турли-туманлик мавжуд экан, буларнинг барчаси нутқда ўз ифодасини топади. Баҳолаш сўзларининг мазмун хусусияти ва сўзловчининг психологик ўзига хослиги аксиологик модал маъноларнинг мураккаблигидан ва семантиқ қоришуvgа эга эканидан далолат беради. Модал баҳолаш максимал даражада антропоцентрик хусусиятга эгалиги билан характерланади: Объектни баҳолаш учун субъект ўзининг табиатига

мос ҳолда баҳо англатувчи лексемаларни қўллашни маъқул кўради ва бу баҳо бериш жараёнини осонлаштиради.

Ижобий ёки салбий маънодан ташқари ундалмалар замирида тагмаъно ҳам акс этади. Тагмаъно қўринишида келган ундалмали гаплар ўрни билан ижобий ёки салбий маъно англатади. Бу сўзловчининг кайфияти ва тингловчининг уни қай ҳолда тушуниши билан боғлиқ:

—Мен хуфтангча чиқмайман, Раъно.

*Раъно ярим йўлда тўхтаб, қулимсираган ҳолда Анварга қаради:*

—Чиқарман (A. Қодирий. Мехробдан чаён. – Б.434).

Келтирилган матнда сўзловчининг мақсади тингловчини вазиятдан фойдаланиб ўз ёнига чорлаш ва ҳамсухбат бўлишга ундашдир. Иккинчи коммуникантнинг бу таклифга рози бўлганлиги ва хатти-харакатнинг ижобийликка асосланганлигини “кулимсираши” ва “чиқарман” лексемаси орқали англаб олганимиз – тагмаъно ўз “вазифа”сини тўла бажарганлигидан далолат беради.

М.Ҳакимовнинг қайд этишича, тагмаъно тушунчasi семиологик ҳодиса ҳисобланиб, у матннинг ички семантик структурасида иштирок этади. Сўзлашувчиларнинг объектив олам хусусидаги тасаввурлари ва ўзаро муносабатлари яширин мазмуннинг тагмаъно қўринишларида ўз ифодасини топади. Тагмаъно матннинг семантик таркибий қисмларидан бири саналиб, у нутқ вазияти билан узвий боғланади<sup>146</sup>.

Ундалмали гаплар асосан, нутқий мулоқот жараёнида фаол қўлланилиши унинг прагматик вазифаларидан бири саналади. Бунда баҳо англатувчи лексемалар субъектнинг дунёқарashi, нутқий вазият доирасида ишлатилади ва “баҳо мезони ҳар бир коммуникант учун турлича бўлади”<sup>147</sup>.

Ўзбек халқида қариндошлиги бўлмаган кишиларга нисбатан унинг ёшига муносиб тарзда “хола”, “амаки”, “қизим”, “ўғлим”, “ука” каби қон-

<sup>146</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.77.

<sup>147</sup> Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. – Фарғона, 2018. – Б.19.

қариндошликтин англатувчи лексемаларнинг ундалма вазифасида келиши кўп учрайди. Бу каби ҳолат барча туркий халқларнинг ўзига хос қадрияти саналади, негаки туркий бўлмаган миллат вакиллари нотаниш кимсаларга нисбатан “жаноб”, “хоним” сингари ўзларининг тилига мос атамаларни расмий оҳангда ишлатади. Халқимизнинг нотаниш ва қариндош бўлмаган кимсаларни ўзига яқин олиб қариндошлик атамалари билан мурожаат этиши миллийлигимиз ва шу аснода аксиологик модалликнинг бир кўринишидир:

*Отабек меҳмонларни танчага ўтқузуб фотиҳадан сўнг Ҳасаналидан сўради:*

– *Тузикмисиз, ота?*

– *Худойга шукур, – деди Ҳасанали, – бояғидан бир оз енгилладим... Мазмуни ис теккан экан.*

– *Баъзи юмушлар буюрсан...*

– *Буюрингиз, ўғлим.*

– *Рахмат, ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб берингиз-чи.*

– *Хўб, бегим (А. Қодирий. Ўткан кунлар.– Б.8-9).*

Келтирилган нутқий мулоқот иштирокчилари бир-бирига ота-ўғил даражаси билан мурожаат этмоқда, лекин улар хўжайин ва хизматкор мақомидаги шахслардир. Бу икки коммуникантнинг хўжайин ва хизматкор мавқейида эканлигини Отабекнинг ёши катта инсонга юмуш буюриши ва Ҳасаналининг ўзидан кичик Отабекка “бегим” деб мурожаат этиши орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Демак, бу мулоқотда ундалма ўзининг мурожаат бирлиги сифатида ижобий баҳо англатиш вазифасини тўла бажарган ва коммуникация (нутқий мулоқот)нинг “сифатли” чиқишига хизмат қилган. Коммуникациянинг сифатли амалга ошиши коммуникатив шароит, когнитив ва психолингвистик омиллар, лисоний ва нолисоний

факторлар билан узвий боғлиқлиги<sup>148</sup>ни юқоридаги матн мисолида кўриб ўтдик.

Қариндошликни билдирувчи сўзлар – гарчи қариндош бўлмаса ҳам – сўзловчидан кичик шахсга нисбатан қўлланганда “ўзига яқин олиш”, “ғамхўрлик қилиш”, “хайриҳоҳлик” каби прагматик семаларини англатади: *Укам мирзо Анвар, баҳт деган нарса йигитка бутун умрда фақат бир мартаба қарайдир, хрр...* (А.Қодирий. *Меҳробдан чаён.– Б.413*). Бундай лексемалар ундалма вазифасида келганда нохуш вазиятни юмшатиш ёки олдини олиш учун сўзловчининг мурожаати вазифасини ҳам бажаради: – *Сиз нима қилмоқчисиз, ука. Ўз оёгингиз билан...* (А. Қодирий. *Меҳробдан чаён.– Б.620* ).

Тилшуносликда шахсий муносабатнинг қадр-қиймат тушунчаларига нисбатан ифодаланиши гендер жиҳатдан ҳам тафовутга эга. Психология ва социология фанларининг ўрганиш обьекти бўлган “гендер” концепти илк маротаба фанга 1955 йилда Джон Мани томонидан киритилган. Америкалик психоаналитик Столлер эса бу концептнинг маъносини ёритган ҳолда икки турга бўлишни маъқул кўрган: биологик (жинс), социологик (гендер). “Столлернинг таклифи замонавий гуманитар билимлар орасида гендер тилшунослиги деб номланган алоҳида йўналишнинг юксалишига олиб келди”<sup>149</sup>. Универсал табиатга эга бўлган гендер концепти ҳар қандай тилда ўзининг ифода воситаларига эга. Айнан мана шу ифода воситалари муайян тилда “гендер майдони”ни ташкил этади. Бу “гендер майдони”ни ташкил этишда синтактик сатҳ бирлиги бўлган синтаксема – ундалманинг ҳам ўзига хос роли бор.

Маълум миллат, халқ маданияти таъсири остида бўладиган, маънавий жиҳатдан эркак ва аёлнинг нутқи, хулқ-авторини баҳолаш хусусиятига эга

<sup>148</sup> Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Фарғона, 2018. – Б.6.

<sup>149</sup> Юнусова З. Инглиз ва ўзбек тилларида “хурмат” концептининг гендер хусусиятлари // Замонавий таълим, 2016. – № 11. – Б.80.

бўлган гендер бирликлар сирасига шубҳасиз, мурожаат бирликлари (ундалма) ҳам киради. Теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларнинг эркак ва аёл томонидан қабул қилиниши турлича бўлади, шунга биноан билдирилаётган муносабат ва аксиологик баҳолаш ҳам тафовутга эга.

Гендер лингвистикаси соҳасидаги илмий тадқиқот ишларида катталар нутқи, ўсмирлар нутқи, болалар нутқига эътибор қаратилгани ҳолда, аёл ва эркак нутқи, ўғил ва қиз болалар нутқидаги фарқлар назарда тутилади<sup>150</sup>. Эркак ва аёллар нутқида аксиологик маънога эга тил бирликларининг қўлланилишида миллий менталитет тўлиқ ўзини намоён этади. Эркаклар нутқидаги мурожаат семасига эга модаллеманинг қўлланилиши адресатга боғлиқдир. Тенгдоши ёки кичик шахсга қиласиган мурожаати бирмунча эркин ва тавозеъсиз; ёши улуғ инсонларга нисбатан ҳурматлилик тамойили орқали; қарама-қарши жинс вакили – аёлларга анчайин хушмуомала, самимий тарзда кечади. Ундалманинг эркак адресант томонидан аёл адресатга (қариндошлиги бўлмаса ҳам) “синглим”, “опа”, “хола” “келинойи” ва ш.к. тарзда қўлланилиши нутқий вазиятни бирмунча яхшилашга, сўзловчининг прагматик мақсадини тингловчига қулай йўл билан тушуниришга сабаб бўлади:

— Биззи жаям унчалик камситманг, *опа!* — Ҳайитвой сариқ қизариб кетган бўйинини олдинга чўзди. — Жа, ўн олти яшар қизимиизга қараб қолган жойимиз йуқ (Ў.Хошимов. Қалбингга қулоқ сол. —Б. 471).

Аксиологик модалликнинг асосий вазифаси қадриятларга нисбатан субъектив муносабатни акс эттириш эканлигини яна таъкидлашни жоиз деб топдик. Миллийлигимизда, аникроғи, нутқий мулоқотимизда шундай қадрият борки, бошқа миллат вакилларида бу деярли учрамайди. Ўзбек аёллари турмуш ўртоғининг исмини айтмасдан бош фарзандининг исми билан чақириши, “дадаси”, “бегим”, “хўжайин”, баъзида “ҳазратим” деб

---

<sup>150</sup> Гулямова Ш. Гендер тушунчаси ва унинг лингвистикада тутган ўрни // Buxoro davlat universiteti ilmiy axborotи, 2019. –№ 2. – Б.111.

мурожаат қилиши, ҳурмат юзасидан “у киши”, “бу киши”, “улар” тарзида аташи этномаданий одатларимиз билан боғлиқ нутқ жараёнидир. X. Холиқов ундалманинг бу ҳолатини “эвфемистик ҳолатдаги ундалма”<sup>151</sup> деб атаган эди:

- *Бегим, тоғнинг боши қорсиз бўлмас, йигитнинг боши – хатарсиз.*
- *Ҳазратим, боя ўргимчак тўридан гап очган эдилар. Агар сиз кетсангиз, ўргимчак тўрида биз қандай қолурмиз?*

*Пик-пик йиғлаётган Моҳим бегим олдинги оғир сухбатларни эслаб:*

- *Менинг хархашаларим ҳам сизни хаста қилди, ҳазратим! – деди. – Мени кечиринг!*
- *Моҳим, сиз мени кечирсангиз бўлди... Мен сиздан розимен... фақат энди мени ҳазратим деманг... (П. Қодиров. Юлдузли тунлар .–Б.151).*

Миллатимизнинг этномаданий одатларидан яна бир шуки, эркакларнинг ҳам ўз аёлларига исми билан мурожаат этмаслигидир. Уларнинг мурожаати бош фарзандларининг исмини айтиши, *оийси* (онаси), *момоси* (*бувиси*) тарзида қўлланиши ўзаро ҳурмат, ўзбекона оилавий муносабатни акс эттириши билан боғлиқдир:

- *Қулоқ сол, момоси, қулоқ сол. Қаердандир одам овози келаяпти...*
- *Манови ёқдан шекилли...дедилар. – Ўзи вақтинг хуими, момоси? (Т.Мурод. Ойдинда юрган одамлар. – Б.6).*

Юртимиздаги айрим худуд аёлларининг турмуш ўртоғига нисбатан ўзгача шаклдаги мурожаатини учратамиз. Одатда, сўзловчи тингловчига нисбатан II шахс эгалик ва шахс-сон қўшимчаларидан фойдаланиб мурожаат этишади. Қуйидаги матн парчасида эса мурожаатнинг ўзига хос жиҳатини кўришимиз мумкин:

- *Нега дўхтир чакирмаяпсан?- деди чол қичқургудек.*
- *Омаси, ўзи айтмади-ку чакир деб.*

<sup>151</sup> Холиқов X. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти. Филол. фанлари номзоди... дис. – Тошкент,1993. – Б.12.

— Айтмасам чақирмайсанми? Ўла қолса-ю қутула қолсам деб ўтирибсанми?  
Мен ўлмайман, билдингми, ўлмайман! – чол жазавага тушиб бақира бошлади.  
— Мен яшайман, кўп йил яшайман! ( З. Қуролбой қизи. О, ҳаёт! – Б. 158-159.)

Матндаги “отаси, ўзи айтмади-ку, чақир деб” гапи сўзловчининг иккинчи шахсга қарата “Ўзингиз айтмадингиз-ку чақир деб” шаклидаги мурожаатини англатиб турибди. Ҳикоя қаҳрамони ( Ойнисахон)нинг турмуш ўртоғи билан бу тарздаги мулоқоти миллатимиз аёллари нутқига хос кўринишларидан биридир. Юқоридагилардан шу нарса аниқлашадики, мурожаат шакллари сифатидаги ундалмалар гендер ўзига хосликка ҳам эгадирлар. Ундалмаларнинг бу жиҳати аксиологик модаллик бўёғига тўлиғича мос келади. Негаки, қадрият семасига эга ҳар қандай лисоний бирликда маълум бир ҳалқнинг ўзлиги намоён бўлади.

Маълумки, аёллар нутқида учрайдиган айрим сўз ва иборалар эркаклар нутқида учрамайди ёки, аксинча, эркаклар оғзаки нутқига хос сўз ва иборалар аёллар нутқига мос тушмаслиги мумкин. Чунончи, аёллар нутқида алла айтиш, олқиши ва қарғиши иборалар ишлатилади, оғзаки нутқининг аёлларга хос ушбу кўринишлари насрый матнда ҳам ўз ифодасини топади:

– *Бузоқни ечиб юборинг-чи, айланай.* – Султонали мирзо устунга боғланган бузоқни ечиб юборди (А.Қодирий. Меҳробдан чаён. –Б.579 ). Келтирилган матндаги “айланай” лексемаси фақат ўзбек аёллари нутқига хос бўлиб, эркалатиш ёки ҳурмат маъносини ифодаловчи мурожсаат шакли<sup>152</sup>дир. Бу ундалма сўзлашув ва бадиий услубда ўзига яқин олган инсонларга нисбатан ишлатилади. Аёлнинг бу мурожаати замирида ҳурмат, олқиши ва бироз эркаланиш муносабати ифодаланмоқда.

Нутқий мулоқот ташаббускорлари ҳисобланмиш сўзловчи ва тингловчининг нутқи орқали улар ҳақидаги маълумотдан ўзга шахслар қисман бўлса ҳам хабардор бўлади. Зеро, кишилар тил воситасида ўзаро

<sup>152</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 54.

муносабатга киришар экан, нутқий фаолият давомида уларнинг шахс хусусиятлари, характеристи ва табиатига хос жиҳатлар намоён бўлади<sup>153</sup>:

– *Қўй, акун, даюсинг мени ҳам бўғиз қилсин... Вой дар даҳанат...* (A. Қодирий. *Мехробдан чаён.* – Б.613). Нутқий мулоқотнинг бир қисмида персонаж томонидан айтилган сўзлардан сўзловчининг қаерданлиги, қайси миллат вакили эканлиги, характеристи яққол намоён бўлади. “...бу нутқ парчасида сўзловчи руҳиятидаги ўзгаришларнинг қай даражада акс этишини ва унинг тингловчига таъсири”<sup>154</sup>ни баҳолаш учун ўзга тил лексемаларидан унумли фойдаланилган.

Баҳолаш фақат баҳоловчи шахс ёки нутқий муҳитга боғлик бўлмасдан ижтимоий муҳит, жараён, тарихий давр, диний эътиқод, урф-одат ва қадриятларга ҳам боғлиқдир. “Ўзида хушмуомалалик, мулоҳимликни акс эттирувчи ундалмалар сўзловчилар орасидаги ҳурмат-эътиборни, ижтимоий муносабатни мустаҳкамлайди. Ундалмалар тил эгаларининг дунёқарashi, маънавият даражаси, ахлоқ-одоби, заковати, хусусан, воқеликка муносабати, нутқий маданиятига бевосита боғлиқ”<sup>155</sup>: *Ҳожи ўз қўли билан соchlарни тузатиб Кумушнинг кўкимтил товланған юзини кўрди ва манглайнин босди...*

– *Ойим... Ойим!..* – деди Ҳожи (A. Қодирий. *Ўткан кунлар.* – Б.372). Юқоридаги матнда Юсуфбек ҳожининг юксак маънавияти ва заковатини ундалма (*ойим*) орқали билиб олишимиз қийин кечмайди. Ўзбек халқидаги мавжуд ахлоқ-одоблардан бири бу – номаҳрам эркакларнинг аёл кишига қўл теккизиши жоиз эмаслигидир. Юсуфбек ҳожи Кумушнинг вафотидан олдин соchlарини тўғрилаши, унга *ойим* деб мурожаат этиши замирида қайнотанинг келинга нисбатан юксак даражадаги муносабати, ҳурмати ва ачиниш ҳисси акс этади. Аксиологик модаллик мана шундай ҳеч қайси миллатда

<sup>153</sup>Курбонова С.Бадиий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш . Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Фарғона, 2018. – Б.5.

<sup>154</sup> Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Фарғона, 2018. – Б.12.

<sup>155</sup> Омонтурдиев А. Тилга мурожаат воситалари // Мулоқот. – Тошкент, 2003. – №1. – Б.33.

такрорланмас, ўзгача, унинг маънавиятини кўрсатувчи матний тузилмаларга нисбатан берилади.

Аксиологик баҳонинг ундалмали гапларда акс этиши кўпроқ нутқий мулоқот жараёнида кўринади. Муаллиф ёки сўзловчининг муайян интенцияга ва нутқ шароитига мос ҳолда ундалмани танлаб ишлатиши адресат (тингловчи)да маълум кайфиятни ҳосил қиласи. Шунингдек, баҳо англатувчи ундалмаларнинг аксарият ҳолларда сўзловчининг ўзидан кўра адресатга таъсир доираси кенглиги унинг прагматик вазифаларидан саналса, вазият ва шароитга мос ҳолда ундалманинг маъновий хусусиятларидан фойдаланиши семантик вазифаси ҳисобланади.

**Аксиологемаларнинг уюшиқ бўлакли ва ундалмали содда гапларда ифодаланиши  
(Илмий-тадқиқот ишимиздаги бадиий матнлардан олинган мисоллар асосида)**

**2.1-Прагмасемантик модаллема**

№	Мураккаб лаш- ган содда гаплар	Семантикаси шу жумладан:																	
		Жами:		Жами:		Сифат		Сон		Ижобий		Равии		Февъл		Олмои		Салбий	
		сени	фоиз	сени	фоиз	сени	фоиз	сени	фоиз	сени	фоиз	сени	фоиз	сени	фоиз	сени	фоиз	сени	фоиз
I.	Уюшиқ бўлакли гаплар	96	100 %	4 2	44 %	34	35 %	-	-	3	3%	-	-	4	4%	6	6%	4	4%
II	Ундалма- ли гаплар	41	100 %	1 9	46 %	4	10 %	-	-	-	-	-	-	11	27%	2	5%	-	-

## **Боб бўйича хулосалар**

1. Мазкур тадқиқотда субъектив модалликнинг тури – аксиологик модаллик коммуникатив мазмундаги ҳодиса бўлганлиги сабабли нутқий мулоқот жараёнида ҳам намоён бўлиши асосланди.
2. Субъектнинг шахсий фикри ва дунёвий билимлари предмет-ходисаларнинг қадр-қиммати ва аҳамиятлилигини белгилашда муҳим ўрин тутади. Кимгadir аҳамиятли туюлган ҳодисалар ким учундир арзимасдек бўлади. Бу эса аксиологик баҳо категориясининг турлича намоён бўлиши билан характерланади .
3. Содда гапни мураккаблаштирувчи синтактик бирлик – уюшиқ бўлакли гапларда аксиологик баҳо объектларни қиёслаш ва таққослаш орқали воқеланиши, уюшиқ бўлакли матнданда шахс, предмет, ҳодисалар баъзан мантикий қарама-қаршилик асосида ҳам баҳоланиши, бу жараён объект ёки шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида икки хил баҳо бериш билан амалга оширилиши очиб берилди.
4. Уюшиқ бўлакли гаплар иштироқидаги матнда аксиологик баҳо нафақат умуминсоний қадриятларда, балки миллий қадриятларимиз акс этган лексемаларда ҳам ифодаланиши, аксиологик баҳонинг бу турдаги гаплардаги ифодаси матн мазмунининг прагматик қийматини белгилаши назарий асосланди.
5. Ундалмалар содда гапни шаклан ва мазмунан мураккаблаштирувчи восита сифатида апеллятив, эстетик, поэтик, семантик ва прагматик вазифаларни ҳам бажаради. Ундалманинг прагматик вазифаси субъектнинг объектга нисбатан бераётган муносабати ва баҳосидир. Бу прагматик вазифа ўз навбатида нутқий мулоқотда бажарилади. Ундалманинг семантик вазифаси субъектнинг объектга бераётган баҳо тузилмаларининг маъно ва мазмун жиҳатидан хилма хиллигидадир.

6. Аксиологик модалликни ифода этувчи восита сифатида ундалмалар семантик хусусиятга эгалиги ва прагматик вазифани бажариши нүктайи назардан 2 гурухга бўлиб тадқиқ этилди: ижобий ва салбий баҳога эга ундалмали гаплар. Ундалмали гапларда аксиологик модаллик экспрессив таъсирчанликни, мазмундорликни ифодалашга хизмат қилиши, воқеликни тавсифлаш ва уни баҳолаш орқали муаллифнинг ҳис-туйғуларини ифода этиши асосланди.

7. Мурожаат шакллари сифатидаги ундалмалар гендер ўзига хосликка ҳам эга эканлиги, ундалмаларнинг бу жиҳати аксиологик модаллик бўёғига тўлигича мос келиши, қадрият семасига эга ҳар қандай лисоний бирликда маълум бир халқнинг ўзлиги намоён бўлиши аниқланди. Аёллар нутқига хос айрим ундалмалар (мурожаат бирликлари) аксиологик баҳо англатувчи сифатида эркаклар нутқида учрамаслиги ёки эркаклар томонидан айтилган ундалмалар аёллар нутқига ўхшамаслиги назарий асосланди.

8. Адресантнинг эмоцияси билан боғлиқ ҳолда ундалмаларнинг ижобий ёки салбий маъно англатиши баҳолаш сўзлари билан уйғунлиқда юзага чиқади. Баҳо англатувчи сўзларнинг мазмун-моҳияти ва сўзловчининг психологик ўзига хослиги аксиологик модал маъноларнинг турли-туманлиги ва семантик қоришуvgа эга эканидан далолат беради.

## III БОБ. КИРИШЛАР ВА АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

### ҲАМДА УЛАРНИНГ АКСИОЛОГИК МОДАЛЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

#### **3.1.§. Кириш сўзларда аксиологик модаллик**

Кириш сўзларнинг сўзловчи муносабатини акс эттириши прагмалингвистиканинг таҳлил объектларидан бири эканлигидан далолат беради. Ўзбек тилшунослигига “кириш конструкциялар” (А.Ғуломов, М.Аскарова,)<sup>156</sup>, “кириш қурилмалар” (Б.Ўринбоев)<sup>157</sup>, “кириш сўз” (М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расулов), “киришлар” (Х.Ҳоликов, Н.Махмудов, А.Нурмонов)<sup>158</sup> атамаси билан номланиб келинаётган бу синтактик шакл орқали сўзловчи воқелик ва иш-харакатга баҳо беради ҳамда нутқий мулоқотга киришади. Шунинг учун кириш сўзлар прагмалингвистиканинг ўрганиш объекти саналади.

Монологик ва диалогик нутқда акс этадиган кириш сўзлар “сўзловчининг субъектив муносабатини, эмоционал муносабатини ифодалайди”<sup>159</sup>. Бу муносабат доирасида нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда пропозицияни ифодалаши нафақат семантик-синтактик, балки прагмалингвистик аспектга ҳам оид муаммо саналади. Шу жиҳатдан кириш сўзларнинг прагматик вазифасини қуидагича белгилаш мумкин:

1. Кириш сўзлар адресантнинг аксиологик баҳо муносабатини ифода этиб, прагматик вазифа бажаради.
2. Кириш сўзлар субъектнинг гапдан англашилган воқеликка нисбатан турли хил муносабатни кўрсатиши билан прагматик вазифа бажаради.

---

<sup>156</sup> ГуломовА., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўқитувчи, 1965 й. – Б. 190-193.

<sup>157</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Самарқанд, 2001. – Б. 96.

<sup>158</sup> Мирзаев М., Усмонов С., Расулов Р. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978 й.- Б. 57; Ҳоликов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти. Филол.фанлари номзоди... дис. автореф. Тошкент, 1993. – Б. 13.

<sup>159</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Самарқанд, 2001. – Б.96.

3. Кириш сўзлар вазифасида келган модал сўзлар, айрим феъл, олмош, юкламалар ва тартиб сонлар нутқий мулоқот жараёнида қўлланганда прагматик вазифа бажаради.
4. Кириш сўзлар нутқий мулоқотда қўлланганда адресантнинг ўз фикрига нисбатан ҳам шахсий муносабатни ифодалаш орқали прагматик вазифа бажаради.

Тилшуносликнинг ҳамма соҳаларида вазифаси ва қўлланиши жиҳатидан чегараланган атамалар ишлатилади. Масалан, фонетикада фонема, морфологияда морфема, лексикологияда лексема, семасиологияда семема каби бирликлар шу соҳаларнинг ўрганиш обьекти саналади. Юқорида модалликни ифодалаш учун тилшунос Ж.Якубов томонидан илмий муомалага олиб кирган “модаллема” атамасини ишлатиш жоизлигини айтган эдик. Шундан келиб чиқиб, баъзи адабиётларда субъектив модаллик тури-аксиологик модалликнинг ўрганиш обьекти бирликларини “субъективема” ёки “аксиологема” деб аташ ҳақидаги фикрлар ҳам илгари сурилган ва баҳо англатувчи ҳар қандай тил бирликлари аксиологемалар деб аталган<sup>160</sup>. Хусусан, кириш сўз ва киритмаларнинг субъектив муносабатни ифодалashi, аксиологик баҳо бўёғига эга жиҳатларини инобатга олган ҳолда, уларни ҳам аксиологемалар деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Энг муҳим жиҳатлари билан воқеликка нисбатан маълум баҳо ва муносабатни акс эттирадиган кириш сўзлар мулоқот жараёнида лисоний восита сифатида ўз аксини топар экан, муаллиф бу воситадан шунчаки фойдаланмайди, балки матнда баён қилинаётган ахборотни ўз нуқтаи назари билан солиштиради ва унга ўз баҳосини беради. С.Боймирзаеванинг қайд этишича, “баҳолаш ва қиёслаш учун танланаётган намуна турли негизга эга бўлади. Кўп ҳолларда намуна танлови умуминсоний, миллий ёки ижтимоий гурухларда қабул қилинган нормаларга асосланади, лекин баъзан танланган

---

<sup>160</sup>Бу ҳақда қаранг. Мощева С.В. Аксиологический и гносеологический аспекты массмедиального дискурса // Известия вузов. Серия «Гуманитарные науки» № 8 (1). – С.73.

намунани доимийлик ва хусусийлик (маълум шахс томонидан белгиланиши) белгиларига нисбатан ҳам фарқлаш мумкин”<sup>161</sup>. Шу ўринда субъектив баҳонинг бир тури – аксиологик баҳо намунаси юзага чиқади: – *Хуллас... Самарқандимиз фозил шаҳар бўлиши керак, – деди, сўзини якунларкан Нозим Мөҳмәт (М.Али. Сарбадорлар. –Б.118)*. Келтирилган матний парчада нутқ эгаси фикрга якун ясаш баробарида ўзининг ижобий муносабатини *фозил шаҳар* бирикмаси орқали ифодалашни маъқул кўради. Негаки, *фозил шаҳар* инсоният умри давомида орзу қиласидиган, адолат тамойиллари хукм сурадиган шаҳардир. Аксиологик баҳо ана шундай қадрият сифатига эга бўлган лексемаларда ўз аксини топади ва унга нисбатан муносабат билдиришни ўқувчига ҳавола қиласиди.

Баҳонинг ҳар бир тури маълум намуна (эталон)га асосланган ҳолда берилади. Уларни фарқлаш учун объектнинг баҳоловчи субъект учун қанчалик муҳим, аҳамиятли эканлиги ҳам асосий ўринда бўлади. Прагматик хусусиятга эга бўлган, қадр-қиймат, умуминсоний ва миллий меъёрга асосланган аксиологик модалликнинг якка (тарихий) шахсга берилган баҳо негизида бутун миллат ёки халқнинг маънавий қиёфасига берилган баҳо муносабати ётади: *Менимча, ўзбек халқининг бетакрор оламини энг гўзал ва ишонарли тасвирлаган адаб – Абдулла Қодирийдир!* (Ў. Ҳошимов. *Дафтар ҳошиясидаги битиклар* – Б. 262).

Модаллик гапнинг асосий бирлиги ва гап семантикасининг энг муҳим компоненти эканлигини эътироф этган Б.Ўринбоев уни ифодаловчи воситалар турли-туманлигини, субъектив модаллик кириш сўз вазифасида келган маҳсус модал сўзлар ёрдамида келишини таъкидлайди<sup>162</sup>. В.Костюченко ҳам аксиологик модалликни ифодаловчи лексемалар қаторига

<sup>161</sup>Боймираева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив – прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол.фанлари д-ри... дис. – Тошкент , 2011. – Б.180.

<sup>162</sup>Ўринбоев Б. Синтактик муносабатлар. – Самарқанд, 2005. – Б.112-114.

кириш сўз ва киритмаларни ҳам қўшишни маъқул кўради<sup>163</sup>. Негаки бу синтактик бирликларда муаллифнинг шахсий муносабати нисбатан кўпроқ акс этган бўлади. Бу акс эттириш нутқий жараён орқали юзага чиқади ва сўзловчи баъзида ўзи сезмаган ҳолда фикрига турли модал муносабатларни қўшади:

— *Ҳа, тўғри, биз тушунарсиз яшадик, — деди ғамгин тусда, — ҳар босган қадамилиз одамлар учун шубҳали ва қоронгу бўлиб қолган, албатта, бунга сиз эмас, ўзимиз айбдормиз* ( Н. Эшонқул. Маймун етаклаган одам. – Б. 194).

Г.Комилова ўз тадқиқотларида “баҳо –инсоннинг мақсади, муносабати ва англаш даражаси билан бевосита алоқадор”<sup>164</sup> эканлиги ҳақида мулоҳаза юритади. Дарҳақиқат, баҳонинг ижобий ёки салбий даражада эканлигини аниқлаш учун субъектнинг билиш фаолияти когнитив майдонга чиқади. Баҳоловчи шахс сифатида фаолият юритаётган субъект воқеликка нисбатан аниқлик билан ёндашади ва ўз муносабатини билдиради. Нутқ жараёнида субъектнинг нутқ қаратилган обьектга нисбатан баҳо муносабатининг ижобий, салбий турларидан ташқари бетараф (нейтрал) тури ҳам амал қиласи. Аксиологик баҳо айнан “ижобий”, “салбий”, “бетараф” баҳодан иборат мантиқий-семантик жараёндир. Баҳонинг “бетараф” тури аксарият ҳолларда муаллифнинг воқеликка нисбатан муносабати фаол бўлмаган вақтда юзага келади.

Маълумки, ижобий, салбий, бетараф баҳо бериш имконига эга лингвистик бирликлар мавжуд. Бундай бирликларга *одатда, одатдагича, одат бўйича, одатга кўра* кириш сўzlари ҳам мансуб бўлиб, улар қўлланган гапларда бўёқдорлик деярли сезилмайди: *Бўйра, одатда, тобутга*

<sup>163</sup> Костюченко В. Аксиологическая модальность в русских и английских сетевых ток-шоу и интернет-комментариях: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты // Вестник МГЛУ. Сер. 1, Филология. – Минск : МГЛУ, 2019. – № 2 (99). – С. 36–46.

<sup>164</sup> Комилова Г. Ўзбек тилидаги мақолларнинг аксиолингвистик таҳлили. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Тошкент, 2022. – Б.21.

*солинадиган бўлганидан, додҳонинг кўз олдига одамларнинг елкасида лапанглаб кетаётган тобутни келтирди (A. Қаҳҳор. Даҳшат. – Б.1 ).*

Маълумки, нутқ услублари бир-биридан бажарадиган вазифаси ва қўлланиладиган атамалари билан фарқ қиласи. Воқеликни идрок этиш ва тасвир имкониятларининг кенглиги билан бошқа нутқ услубларидан ажралиб турадиган бадиий услуг инсоннинг феъл-авторини, психологиясини, табиатдаги турли-ҳодисаларни тўлиқ поэтик жиҳатдан ифодалаш имкониятини ўзида мужассам қилганлиги билан алоҳида аҳамият қасб этади. Бу услугда муаллиф асарнинг эстетик таъсирини ошириш ва ўкувчи қалбидан чуқур ўрин олиши учун тилнинг тасвирий воситаларидан унумли фойдаланади. Натижада тил бетакрор қиёфа, характер, воқеликка мос манзара яратишга, юксак образлиликни намоён қилишга хизмат қиласи, яъни “тил жуда катта маърифий аҳамиятга эга”<sup>165</sup>лиги билан характерланади: *Бироқ афсуским, инсон фитратида нафс деган нарса ҳам бор. Ақл ва нафснинг бир-бирига зид эканлиги ойдиндир (Т.Малик. Шайтанат.2-қисм. –Б.42).* Муаллиф афсусланиш баҳосини инсониятни яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам чорлайдиган *нафс* тушунчасига нисбатан бермоқда. Негаки, “нафс” сўзи ўрни билан ижобий ёки салбий маънода ишлатилади. А.Рустамовнинг қайд этишича, ҳозирги оддий нутқда “нафс” сўзи баъзан ҳайвонга, асосан инсонга нисбатан қўлланади ва “нафс” деганда кишининг ўзининг жисмоний талабларини қондиришга бўлган интилиши тушунилади<sup>166</sup>.

Аксиологик модаллик матнда, хусусан, бадиий матнда тизим сифатида намоён бўлади, бу тизим негизида бадиий образ яратилади, унга муносабат билдирилиб, баҳо берилади. Баҳо бериш жараёнида объектнинг қачонлардир “арзимасдек” туолган хислатлари замон ўтиши билан аҳамиятли жиҳатга айланади ёки бу жараён аксинча ҳам бўлиши мумкин. Бу эса субъектив

<sup>165</sup> Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Extremum Press, 2010. – Б. 7.

<sup>166</sup> Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Extremum Press, 2010. – Б. 19.

муносабат ва баҳо бериш қайсиdir жиҳатлари билан макон, замон ва шахсга ҳам боғлиқлигини англатади:

*Мен ҳам уларга бир неча марта айтдим, – деди ўнг томондагиси хириллоқ овозда. – Бизниklар замондан орқада қолишаётти деб. Менимча, сизнинг лойиҳангиз ҳаёттий ва илмий асосга қурилган (Н.Эшонқул. Истило. –Б.46).*

Бадиий асарда тил бирликларининг ўрни қатъий эмас, тасвир этилаётган воқеалар баёнидан келиб чиқиб ҳамда вазифасига қараб тилдаги бирликлар қўлланиши мумкин. Бадиий матнда тилдаги барча бирликларнинг ифодаланиши аксиологик модалликнинг турли маъно кўринишларини акс эттиради. Бу маъно кўринишлари уч хил қутбга – “яхши”, “ёмон”, “аҳамиятсиз (баҳолаш)” каби қутбларга ажратилади. Бу қутбларда субъектив модалликнинг бошқа кўринишларида бўлганидек, муаллиф баҳоси акс этган бўлади. Зеро, муаллифнинг мақсади ўқувчи (tinglovchi)нинг тафаккурига, онгига, ҳис-туйғуларига таъсир ўтказишидир: *Назаримда, отам жуда қудратли ва ҳар нарсага қодир, булар гариб, жирканч ва ҳимоясиз* эди (С. Вафо. Қора бева. – Б.139). Гумон мазмунидаги юқоридаги гапда ота шахсига берилган юксак даражадаги ижобий баҳо нотаниш кимсаларга берилаётган салбий баҳога нисбатан қарама-қарши қўйилмоқда, бу эса ўзига хос антитеза қаторларининг ҳосил бўлишига замин тайёрлайди. Антитетзанинг матнда ишлатилиши муаллифнинг мақсадини яққолроқ акс эттиришга хизмат қиласи, яъни “... нарса ва ҳодиса, тушунчаларни қиёслаш имконини беради, объектнинг моҳиятини чуқурроқ очишга ёрдамлашади”<sup>167</sup>.

Бадиий матнда қарама-қаршиликка йўғрилган кириш сўзларнинг иштироки баҳо бериш жарёнини янада тўлароқ акс эттиришга ёрдам беради: *Тўғри, бу катта ўғирликка ўхшамайди. Аммо мендай хокисор одам учун бу катта, жуда катта гуноҳ! Хўш... Тоза, тўғри, бу-катта бойлик эмас.*

---

<sup>167</sup>Салаев Ф., Курбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б.26.

*Манави бир сўмлик кўчада ётса, эҳтимол, сиз бефарқ ўтиб кетарсиз. Лекин мен бундай қилолмайман! Чунки мен ана шу бир сўмни ҳам не машаққатлар билан топаман (З. Куролбой қизи. Ёвузлик фариштаси. –Б.26).*

Тилшунослар модаллик белгисига эга бирликлар қаторига кириш сўзларни ҳам киритган<sup>168</sup>. Улар кириш сўзларнинг модаллик белгисига эгалигини алоҳида таъкидлаган ҳолда субъектив модалликнинг аксиологик турини намоён этувчи муҳим омиллардан бири эканлигига ҳам эътиборини қаратишади. Негаки кириш сўзлар қатнашган гап муаллиф ёки сўзловчининг келажакка қаратилган, лекин айни вақтда мавҳум ва гумонли ҳиссиётларини ифода этувчи қадрли ва аҳамиятли жиҳатларини ҳам ёритиш учун хизмат қиласди: Эҳтимол, унинг *толеи ҳам мана шу булоқقا ўхшаб, баланд бир нуқтадан қайта кўз очар. Балки бу баланд нуқта шеъриятдадир* (П. Қодиров. Юлдузли тунлар. –Б.232).

Аксиологик модаллик мазмунини шакллантирувчи тил бирликлари қаторида кириш сўзлар воқеалар, предмет-ҳодисаларнинг тасвирини, баҳосини муаллифнинг нуқтаи назари орқали акс эттиради. Фалсафий луғатда қайд этилишича, ҳар қандай турдаги баҳо тузилмаларида объектив баҳо аниқ кўринади ва шу объектга нисбатан ижобий ёки салбий баҳо ифодаланган бўлади<sup>169</sup>: *Демак, кейинги мағлубият ва саргардонликларни унинг ўзи ҳам ёзишини истамаган экан!* (П. Қодиров. Юлдузли тунлар. –Б.240). Келтирилган матнда объект томонидан иш-ҳаракатнинг бажарилмаганлиги маълум бир ишга нисбатан истак ва хоҳишининг йўқлиги билан изоҳланади. Шу ўринда аксиологик модалликка ёндош турувчи, сўзловчининг хоҳиш-истаги асосида ҳаракатни бажариш мумкинлигини ифодаловчи деонтик модалликнинг воқеланишини эсга олиш жоиздир.

<sup>168</sup> Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.81.; Боймираева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол.фанлари д-ри... дис. автореф. – Тошкент, 2011. – Б.21.

<sup>169</sup> Костюченко В.Ю. Категория модальности с точки зрения логики и лингвистики: сходства, различия и перспективы синтеза // Журнал Белорусского государственного университета., 2018. – №3. – С. 78.

Маълумки, инсонлар кишиларнинг ижобий хатти-ҳаракатларига эътибор қилишдан кўра, асосан, салбий ҳолатларни кузатишга мойиллик сезадилар, чунки ижобий ҳолатнинг ҳис-туйғуларимизга таъсири камроқ бўлади. М.Гловинская фикрича: “салбий баҳолаш лексикасининг бойлиги (кенг маънода айрим обьект ва буюмларни салбий баҳолаш инобатга олганда) ижобий таърифлар лексикасидан кўра кўп ва хилма-хилдир”<sup>170</sup>. Лекин субъектив баҳо акс этган кириш сўзли матнларнинг шаклан салбий, лекин мазмунан ижобийликка эгалиги аксиологик модалликнинг баҳо англатиш қўлами хилма-хил эканлигидан далолат беради: *Қосимбек маъюс бош эгиб:*

– *Афсус, хоним ҳазратлари, афсус!* – деди. – *Қулингиз Самарқандаги Хуфиялардан келган бир хабарни амирзодамга кўрсатишдан тортинган эдим. Сизларни ҳам хавотирлантирмоқчи эмас эдим...* (П. Қодиров. Юлдузли тунлар.– Б.85). Афсусланиш мазмунига эга юқоридаги матнда сўзловчининг нохуш хабарни айтмаслик ортида тингловчиларни аяш, уларнинг бехавотирлигини таъминлаш мотивлари гавдаланган.

Афсусланиш ва норозилик кайфиятлари баъзида сўзловчининг ўзига мурожаати шаклида ҳам бўлади. Бунда сўзловчининг ҳис-туйғулари билан бир қаторда ўзига нисбатан муносабат, баҳо сезилиб туради. Бу баҳо аксарият ҳолларда пушаймонлик маъносидан иборат бўлади.

Бадиий матнни ўрганишда аксиологик йўналиш – бу янги, ҳали батамом шаклланиб улгурмаган тадқиқот соҳаси бўлиб, матнда ёритиладиган ва ўқувчига маълум қилинаётган воқеа ва ҳодисаларни “кадрият” семаси орқали таҳлил қилишни тақозо этади. Бу йўналиш функционал, лингвомаданий, коммуникатив, лингвоэтник, антропоцентрик ёндашувлар ютуқларига таянади.

---

<sup>170</sup> Гловинская М. Я. Оценка в составе речевого акта / М. Я. Гловинская // Язык. Личность. Текст : сб.ст.к 70-летию Т. М. Николаевой. – Москва, 2005. – С. 202.

Бадиий матн қабул қилувчининг билиш тизимиға маълум концептуал конструкциялар, “дунё моделлари” ва маълум қадриятлар тизимини киритишининг кучли воситаси сифатида таъсир қиласди. Бунда ёзувчи ўзи ёзаётган воқеликни ўз аксиологик ўлчовига мувофиқ талқин қиласди, баҳолайди (ўқувчининг қадриятлар муносабатини шакллантиради). Сўзиз, бадиий матн ўқувчининг воқеликка муносабати, инсон риоя киласидан хулқатвор қоидаларининг шаклланишига таъсир қиласди. Шу позициялар нуқтаи назаридан бадиий матннинг аксиологик модаллигини тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Аксиологик (баҳоловчи) модаллик бу – объектнинг маълум қадриятлар тизими нуқтаи назаридан тавсифий белгисидир. Хар бир объектнинг аксиологик мақоми куйидаги сўз ва сўз бирикмалари томонидан ифодаланиши мумкин: “яхши”, “ёмон”, “(баҳолаш маъносида) фарқи йўқ”; “яхширок”, “ёмонрок”, “тeng”, “ижобий қимматли”, “яхшилик саналади”, “салбий қийматли”, “ёмонлик саналади”.

Матннинг аксиологик модаллигини акс эттириш учун маълум баҳо семасига эга сўзнинг, одатда, қандай ифода шаклига эгалиги ҳам инобатга олинади. Матнда у ёки бу даражада намоён бўладиган “яхшилик” ёки “ёмонлик” архисемали лексик-семантик майдон (кейинчалик ЛСМ) билан ёки ҳар иккала ЛСМнинг умумий периферияси билан ўзаро боғлиқлиги етарли бўлади. ЛСМларининг умумий перифериясида жойлашган, “яхшилик” ва “ёмонлик” архисемали сўзлар воситасида маъно англатган воқелик объектлари (баҳолаш маъносида) “мумкинлик” семантик категориясида бирлашиш ҳолати учрайди: *Нима учун, масалан, хитойи чинниларни, хитойи шоҳиларни, кашимир шолларини Ҳиротда яратмоқ мумкин бўлмасин* (*Ойбек. Навоий. – Б. 113*).

Фикрлар орасидаги боғлиқлик, мазмуний яқинлик, изчилликни билдирувчи кириш сўзларда таъкид ва қатъий оҳанг кучлилик қиласди. Кириш сўзларнинг бошқа тил бирликларидан маъно англатиш жиҳатидан фарқи

шундаки, уларда маъно кўчиш ҳодисаси бўлмайди: ҳар бир кириш сўз ўзлари билдирган қатъий маъно бўйича матнда қўлланилади:

— *Аввало, фозил шаҳарга маърифат ва тарбия керакдир... Сониян, фозил шаҳарда косибчилик ривож топсин...* Алқисса, *фозил шаҳар бамисли соғлом бадан, солимул аъзодур...* (М.Али. Сарбадорлар. –Б.123 ).

Хулоса шуки, кириш сўзлар субъектив муносабат билан боғлиқ ҳолда – аксиологик баҳонинг ифодаловчиси сифатида – бадиий матнда иштирок этади. Аксиологик баҳонинг асосий мундарижаси эса қадрият сифатига эга бўлган воқеликни тасвирлаш, баҳолаш йўли билан муаллифнинг асосий мақсадини адресат (тингловчи, ўқувчи)га етказишидир. Бу эса прагматик вазифа бажарилаётганлигидан далолат беради.

### 3.2.§. Киритма гапларда аксиологик модаллик

Тил ва нутқ тушунчаларига турли давр олимлари турлича муносабат билдириб келганлар. Тил умумий, яъни умумхалқ мулки, нутқ эса хусусий, яъни ҳар бир шахснинг лисоний қобилиятидан келиб чиккан ҳолда намоён бўлади. Борлиқни билиш ва англашнинг шакли сифатида баҳо категорияси тил ва нутқ бирликларига хам хос бўлиб, тил таркибида объектив баҳо-фикрни ифодалаш имконияти, нутқ таркибида эса субъектнинг объектга билдирган қўшимча баҳоси тарзида намоён бўлади. Субъектив баҳо – шахснинг бирон предмет ёки ҳодисага ўз дунёқарashi юзасидан индивидуал муносабатнинг билдиришидир.

Аксиологик модаллик ҳам субъектив модаллик қўриниши сифатида матнда ўзини намоён этадиган ҳодисадир. Ҳатто киритма иштирок этган матн ва гапларда ҳам ўз ифодасини топади. Ўзбек тилшунослигига “қистириқ гап” (Ш.Зуннун), “киритма гаплар” (А.Ғулом), “киритма” (А.Сайфуллаев, И.Тошлиев) каби лингвистик атамалар билан ўрганилиб келинаётган синтактик сатҳ бирлиги – киритмалар асосий гап мазмунига

кўшимча изоҳ, маълумот, аниқлик, айрим ўринларда модаллик каби маъноларни ифодалайди.

Киритмалар ҳар қандай матнда “гапнинг айрим бўлаги ёки бутун ифодага сўзловчининг субъектив муносабатини, эмоционал туйғусини ифодалайди”<sup>171</sup> ва бу ифодада миллийликка хос маъно-мазмун ҳам акс этади:

*Араз, бир оздан сўнг, унда ҳам онанинг зўрлаши билан уйдан чиқиб "бир кулиб боқиши" баҳона билан кераксиз бир нарсанни олиб яна уйга кириб кетиши (ўзбек қизларига хос хусусиятлардан) Отабекни яшин тезлигида бутунлай бошқа бир йўлга солиб қўйди (М. Кўшижонов. Ўзбекнинг ўзлиги.– Б.23).* Мазкур матнда муаллиф “аразлаш” мотивини ҳам ошкора, ҳам пинҳона тарзда акс эттириш билан биргаликда миллийликка хос такрорланмас ифодаларни ўзининг субъектив баҳосида акс эттиромокда.

Аксиологик модаллик бадиий асарларда турли кўринишларда намоён бўлади. Муаллиф ёки сўзловчи бирон шахсга баҳо бериш асносида "ҳозирги" ҳолати билан боғлиқ равишда, унинг "ўтмиши"га ҳам мурожаат қиласи. Баҳонинг бундай кўриниши шахснинг индивидуал хусусиятини ўқувчи қўз ўнгига аниқроқ тасаввур этилишига ёрдам беради: *Қишлоқнинг энг олд бойваччаси Самандар тамакишурунинг машинасини кира қилиб (Самандар тамакишуруши аслида бу ерлик эмас. Олтмиши саккизинчи йилимиди, аллақаёқдан кўчиб келиб қолганди. Ўшанда қўни-қўшинилардан бир косадан ун сўраб юрадиган хотини-ю жулдор кийинган бир этак боласи бор эди. Самандар пишиққина экан, тез орада тамаки орқасидан бойиб кетди. Мана энда унча-мунча одамни писанд қиласвермайди. Аммо Исоқ чол машина сўраб борганида ҳеч ўзини тарозига солиб ўтирасдан дарров рози бўлди) шаҳарга зир қатнади (З.Куролбой қизи. Ёвузлик фарииштаси.– Б.239).*

Бадиий матнларда, хусусан, киритма ифодаланган матнларда аксиологик модаллик ижобий ёки салбий маънода намоён бўлади, воқеликка нисбатан шахсий муносабат ҳосил бўлади. Воқеликни тўлақонли ҳис қилиш

<sup>171</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Самарканд, 2001. – Б. 71.

ва тасвирлаш учун ўхшатиш, қиёслаш, умумлаштириш каби амаллар ижроси талаб этилади, шу жараёнда қиёсий тузилмалар ва киритма гаплар воситасидаги когнитив маъно юзага чиқади: *Холиқ амакини жуда эҳтиёткорлик билан кўтаришиб (одам ўлганида шунчалик азизми?), уйга олиб киришиди* (*Зулфия Қуролбой қизи. Холиқ амаки.* – Б.87).

Келтирилган матн парчасида киритма риторик сўроқ гап шаклида бўлиб, муаллиф кўнгил кечинмасини китобхонга баён қилмоқда. Зоро, киритмалар “асар қаҳрамони билан китобхон ўртасида ўзига хос сирдошлик иллюзиясини яратади. Қаҳрамон “айтмаса бўлмайдиган” гапини қавс ичида бериш орқали гўё китобхонга пичирлаётгандай муҳит яратади. Бу эса китобхоннинг қаҳрамонга нисбатан ишончини орттиради ва яқинлаштиради”<sup>172</sup>.

Киритма гаплар ҳам содда гапларни мураккаблаштирувчи синтактик бирлик эканлиги анъанавий тилшуносликда тадқиқ этилган. Матнда, хусусан, бадиий матнларда гапни мураккаблаштирувчи воситалар бирдек қўлланиши мумкин. Ушбу матн парчасига эътиборни қаратайлик: *Эна, менинг олим бўлишиимни хоҳлардингиз* (энам назарида ёзадиган одам олим бўлиши керак), элга танилишиимни, момонинг шундай невараси бор, деб мақташларини хоҳлардингиз (Саломат Вафо. Қора бева. –Б.160). Берилган матн парчасида ундалма, киритма, уюшиқ бўлаклар қўлланиб, муаллифнинг субъектив муносабатини ифодалашга бирдек хизмат қилмоқда. Асар қаҳрамонининг энасига мурожаати, энанинг орзу-истакларида субъектив баҳо – аксиологик баҳо муаллифнинг прагматик мақсади билан намоён бўлган.

Қаҳрамонлар характеристи, уларнинг руҳияти ва ташқи кўринишларини таърифлашда аксиологик модалликнинг прагматик вазифаси муҳим аҳамиятга эга, негаки ўқувчи матн мазмунини тўлақонли идрок этишда бу фаолият бирламчи бўлади. Шу сабабли ҳам бадиий асарларда аксиологик

<sup>172</sup> Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент, 2007. – Б. 69.

модалликнинг мавжудлиги, асар муаллифининг рухиятида намоён бўлади ва у бадиий матнга кўчади: *Конфетни бераркан сон-саноқсиз, майда, эгри-буғри ажинлар халқаси* (*ажинлар халқасими ёки ўтган йиллар, умр халқасими?*) аро югурган мусаффо табассумдан юзи ёришиб кетди (Зулфия Қуролбой қизи. Армон асираси.—Б.64). Асар муаллифи персонажнинг ташқи кўринишини тасвирлашда айнан эътиборга молик томонини назардан четда қолдирмаган ҳолда киритмадан фойдаланмокда. Муаллиф ўзининг таажжубини китобхон билан ўртоқлашиш мақсадида киритмани қўллайди, шу билан воқеликка нисбатан шахсий муносабатини изҳор этмоқда. Қуйидаги матн парчасида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин: *Кейин унинг жавобини ҳам кутмасдан ниҳоятда асабийлик, тажсанглик, саросима ва довдираши, истеҳзо-ю заҳархандалик билан* (*ё, раббий, шуларнинг бари бир вақтда юзида акс этиб туради!*) гапга тушиб кетди: – *Сиз, Ҳулкар, жуда қўрқоқ одамсиз! Айниқса, қарз бўлиб қолишдан қўрқасиз* ( Зулфия Қуролбой қизи. Армон асираси.— Б.56).

Асар муаллифи персонажларнинг кўринишларига баҳо берганда қўплаб бадиий тасвирий воситалар билан бирга ўхшатиш (ташбех)ларга ҳам мурожаат этади. Масалан: *Бошига гурзи тушгандек довдирраб қолган она (қайнона бўлиши ҳам осонмас)* бир вақтга келиб ҳушини йиғиб олади, қарши ҳужсумга ўтади, айтадики, ҳа, эси йўқ хотин! (Зулфия Қуролбой қизи. Тафаккур.—Б.255). Келтирилган матнда асар қаҳрамонининг маълум вазиятлардаги ҳолатини ёрқинроқ ифодалаш учун муаллиф ўхшатиш маъносидаги “*гурзи тушгандек*” фразеологик бирлигини қўллашни маъқул кўради. Чунки фразеологик бирликлар “биринчидан, матннинг образли, эмоционал-экспрессив бўлишини таъминласа, иккинчидан, ушбу қаҳрамон характерини тўла, юқсак даражада, ўз истаги даражасида тасвирлаш имконига эга бўлади”<sup>173</sup>.

---

<sup>173</sup> Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг семантик-прагматик тадқиқи. — Тошкент: Наврӯз, 2019. — Б. 76.

Муаллиф бадиий матнда воқеликни акс эттириш учун барча муносабат билдириш воситаларидан унумли фойдаланади ҳамда тасвирланаётган ҳодисага шахсий қарашини билдиради. Лекин бу муносабат содда тарзда эмас, балки бадиий таъсир этиш воситалари орқали билдирилади: *У атрофга зийрак нигоҳ ташларкан (ҳар қалай ўзи шундай ўйларди), ёнверидан ўтаётган рӯдапо беморларга раҳми келаётгандай тутди ўзини ва бу ердаги кишилар билан ўзи ўртасида катта фарқ бор, деб ўйларди* (Зулфия Қуролбой қизи. *Қуёши мен томонда.* – Б.64). Мазкур матн парчасида турмуш ташвишлари, ноҳақ тухмат ва изтироблар таъсирида телба бўлиб қолган аёл тасвирланган, матн муаллифи аёлнинг руҳий ҳолатига таъриф бермайди, балки унинг муайян вазиятда ўзини тутиши, маълум воқеликка нисбатан фикр юритиши орқали телба бўлиб қолганини тушуниб олишни китобхон ҳукмига ҳавола этади ва бу мақсаднинг муваффақиятли амалга ошишида китобхонга “*ҳар қалай ўзи шундай ўйларди*” киритма гапи кўмаклашади. Келтирилган матндан англашиладики, матн яратилиш натижасида баъзан хабар қилинаётган воқелик тасвири негизида яширин компонент ҳам иштирок этади.

Муаллиф ўқувчига матн талаби билан ошкор этиш муддати етган ахборот баёнини эксплицит тарзда баён этади, аммо ифода таркибида баён қилиниши шарт бўлмаган прессуппозицион ахборот ҳам иштирок этади. Матнда сўзловчи назарда тутган, баён қилмоқчи бўлган ахборот ошкора баёнга эга бўлавермайди. Ушбу ҳолатни қўйидаги матн парчасида ҳам кузатиш мумкин: – *Икки ҳафтадан бери ўша шўрлик (ўзиям ўз қадрини билмайдиган ташландиқ аёл экан, бўлмаса шунаقا қилиб сарсон бўлиб юрармиди!) ҳам ҳар куни икки маҳал келиб хабар олади* (Зулфия Қуролбой қизи. *Армон асираси.* – Б.279-280). Таъкидлаш ўринлики, аксиологик модалликнинг барча мазмуний оттенкалари, маъно нозикликлари аксарият ҳолларда тингловчи назарда тутган ахборотнинг қандай идрок қилинишига ҳам боғлиқ. Айрим ҳолларда тингловчининг баён этаётган ахборотни қабул

қилиши ва тушуниши мазкур бадиий ахборотни баён этаётган муаллиф назарда тутган мазмун билан ўзаро мувофиқ келмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради.

Бундай ҳоллар кўпинча реципиент адресант томонидан узатилаётган ахборотнинг асл мазмунини тўлиқ англаб етмаганлиги ёки коммуникатив вазиятга хос бўлган сўзлашув қоидалари меъёрининг бузилиши билан изоҳланади, шунингдек, реципиент сўзловчининг баён этилаётган ахборотга бўлган субъектив муносабатлари, қарашларининг ўзаро мувофиқ келмаслиги билан изоҳланади: – *Қўнгизга арпа баҳона бўлган экан-да. Энди иккинчи савол, анов хотин...(хотинингиз дейишга тили бормади) билан қандай топишииб қолдингиз? Балки, ичингизда устимдан кулаётгандирсиз, лекин барибир, жавоб беринг. Мен билишим керак (Зулфия Қуролбой қизи. Қуёш мен томонда. – Б.59 ).*

Бадиий асарларда аксиологик модаллик фақатгина ундаги образларга ёки содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларгагина берилмайди, аксинча, аксиологик баҳо табиат тасвиrlари ва у билан боғлиқ бўлган инсон рухиятига ҳам берилади: *Бу ерларнинг ёзи иззатталаб бўлади, кечикиброқ келади-ю, вақтлироқ кетишига шошилади, гўё кутгувчиларнинг бадига уриб кетмай дегандек, ёз гир атрофини тепаликлар-у, ундан нариси пурвиқор тоғлар билан қуршалган дашт қишилоқни бир қур кўздан кечиради-ю, баҳор пойига илашиб қолган яшил этакларини йиғиб олиб олисларга кетиб қолади (Зулфия Қуролбой қизи. Тафаккур. – Б.219).*

Аксиологик модалликда муаллиф асардаги табиат тасвири ва инсон образига бирдек баҳо бериш ҳолатларини ҳам учратамиз: *Ҳар тонг қуёш чиқадиган, ҳар тун ана шундай ой порлайдиган осмон остида, шу кичкинагина жонум билан умрлик орзу-умидларимни кўксимга жойлаб, гимирлаб шу икки миллионми, уч миллионми (барибир эмасми?) одамлар орасида яшаб юрганим – ҳамиша дилимни ғамга тўлдирапди (Саломат Вафо. Қора бева. – Б.102). Келтирилган матнда муаллиф ўзининг субъектив*

баҳосини табиат тасвиридан кўра қаҳрамон (аёл)нинг руҳий ҳолатига нисбатан бермоқда. Аёлнинг руҳий ҳолати-тушкунлик кайфиятини “барибир эмасми” киритма гапи ва “ғамга тўлдирарди” феъли орқали китобхон англа билиши мумкин.

Матн билан танишишда жуда оддий, грамматик қонуниятларга асосланиб тузилган гапларнинг мазмун -моҳиятига эътибор қаратилса, оддий грамматик бирликлар деб қараладиган матндаги ходисаларда ҳам кучли ҳиссий таъсиранлик мужассам бўлганини кўришимиз мумкин бўлади: Унинг жисмида ақлига нисбатан нуқсон (*озгинлиги, нимжонлиги*) сезилса-да, қайсиdir авлодидан ўтган фавқулодда *иқтидори, куч-қуввати ана шу суктида мужассамлашган эди* (З.Куролбой қизи. Тафаккур. – Б.54).

Хозирги вақтда рус аксиологиясида қадрият “субъект учун обьектнинг аҳамияти” деб таърифланади<sup>174</sup>. Ушбу аҳамият “яхши” ва “ёмон” маънолар жуфтлигидан иборат ва шунинг учун ҳар бир қиймат анти-қадриятга эга: *эзгулик-ёвузлик, сахийлик-хасислик, тинчлик-уруши ва ҳ.к.*

Қадриятлар маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ва инсоният билимларининг маълум бир қўйи тизимини қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ва жамоавий ҳамда индивидуал қадриятларни ўз ичига олган дунёнинг қиймат расмини шакллантиради. Қадрият-тушунчаар барқарорлик хусусиятига эга эмас, улар маданият ўзгаришига қараб ўзгаради. Шунинг баробарида қадриятга нисбатан берилаётган муносабат ҳам ўзгариши табиий: *Буйруқни инкор этиб ёки муҳокама қилиб бўлмасди – биз ана шундай руҳда тарбияланганмиз – уни баҗарии керак!* (Н.Эшонқул. Маймун етаклаган одам. – Б.196). Қария яшаган даврига нисбатан ўзининг муносабатини киритма қатнашган гап орқали қисқа ва лўнда тарзда билдиromoқда. Бу эса муаллиф ўқувчига етказмоқчи бўлаётган маълумотнинг ишончли, эмоционал бўлишини таъминлайди, яъни муаллиф модаллиги асосий ўринга чиқади.

<sup>174</sup> Бу ҳақда қаранг. Гибатова Г.Ф. Аксиология в языке // Вестник ОГУ, 2011. – №2 (121). – С.128.

Н.Нормуродованинг таъкидича, муаллиф модаллиги унинг аксиологик мўлжаллари (установкалари), эстетик қарашлари ва тафаккурининг лингвокреатив потенциали (имконияти) билан белгиланади<sup>175</sup>.

Тилшуносликда қадрият-тушунчаларнинг афзаликларини таҳлил қилиш асносида миллий лингвистик онг ва тафаккур ҳам ўрганилади. Тил – маълум бир жамиятда мавжуд бўлган қадриятлар ҳамда баҳолаш тизимини, халқ ва миллат учун муҳим бўлган абадий қадриятларни белгилайдиган бирламчи воситадир. Бу восита ёрдамида маданият-тафаккур –тил учлигидан иборат аксиологик муносабатнинг қадр-қийматли хусусиятлари шакллантирилади.

### **3.3.§. Ажратилган бўлакли гаплар ва уларда аксиологик модалликнинг воқеланиши**

Замонавий тилшуносликда тадқиқ этиб келинаётган “модаллик” тушунчаси турли хил мантикий-семантический, когнитив маънога эгадир. Модаллик тилшуносликнинг коммуникация парадигмасида қандай ўрганилса, когнитив тилшуносликда ҳам шундай тадқиқ этилади, чунки у матн тузишда, уни қабул қилишда ментал жараёнлар билан чамбарчас боғлиkdir. Шу билан бирга модаллик инсон тафаккурининг турлича қарашларини тилда акс эттиради. Бу акс этиш жараёнида муаллифнинг ақлий ва нутқий қобилияtlари намоён бўлади.

Нутқий-ақлий фаолият жараёнида шаклланадиган, маълум матн ва вазиятда воқеланадиган модаллик категорияси субъект томонидан амалга оширилиши билан характерланади. Субъектив модаллик турлари ичида аксиологик модаллик нафақат қўлланиш доирасининг кенглиги, балки маъно ва мазмун жиҳатидан ҳар хиллиги билан ҳам ажралиб туради. Сабаби модалликнинг бу турида қадрият –тушунчаларга нисбатан берилаётган баҳо

---

<sup>175</sup> Нормуродова Н. Инглиз бадиий дискурсида антропоцентризмнинг лисоний воқеланиши. Филол. фанлари д-ри (DSc)... дис. автореф. – Тошкент: 2020. – Б.18.

миллий ва умуминсоний характерда бўлишидир. Объектга нисбатан субъектив муносабатнинг ифодаланиши баҳолаш фаолияти ҳисобланиб, бу жараён объектнинг муҳим, алоҳида эътиборга молик томонига субъектнинг муносабат билдиришида ҳосил бўлади.

Матнда объект ва содир бўлаётган воқеа-ҳодиса ҳақида бирданига батафсил маълумот бериш қийин. Шунинг учун ҳам нутқ объекти ҳақида умумий, ҳамма учун маълум бўлган маълумотлар олдин берилади, унинг ажралиб турувчи белгилари эса кейин қўшилиб, бу ҳақдаги тушунча тўлдирилади. Ниҳоят, ифодаланмай қолган белгини аниқлаштириш, шахсни, воқеа-ҳодисани ўқувчи кўз ўнгидаги тўлароқ акс эттириш учун гап таркибиға қўшимча сўз ва сўз бирикмалари киритилади. Бундай қўшимчалар кўпинча субъектнинг нияти, хоҳиши билан амалга ошади. Тилшуносликда ўзидан олдинги бўлакни изоҳлайдиган ана шундай бўлаклар ажратилган бўлак ёки изоҳланма бўлак деб юритилади: – *Тангрим, agar ўрнингда собит бўлсанг, унинг – бандангнинг ишқини олиб, юрагимга ўзингнинг ишқингни сол* (*Саломат Вафо. Қора бева – Б.27*).

Гап бўлакларининг ажратилиши қадимги туркий тилда битилган ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди. Қадимги туркий тилда эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳолларнинг ажратилиши ҳақида фикр билдирган Н.Абдураҳмоновнинг эътирофича, “гап бўлакларини ажратиш... фикр ифодасига эмоционаллик киритади”<sup>176</sup>. Баҳонинг эмоционал тури матн муаллифининг руҳий ҳолати натижасида юзага чиқади. Бундай ҳолатлар аксиологик муносабат билдиришда эмоция ҳам уйғун бўлиши билан изоҳланади.

Прагмалингвистика лисоний белгиларни инсоннинг нутқий фаолияти доирасида ўрганишга йўналтирилган соҳа бўлганлиги сабабли асосий эътиборни нутқий мулоқот иштирокчилари ва муаммоларига қаратиш имкониятини яратади. Бошқача айтганда, прагматиканинг асосий мақсади

<sup>176</sup> Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий тил.- Тошкент:Ўқитувчи, 1989. – Б.108.

мулоқот жараёнини аниқ нутқий вазиятларда ўрганиш ва таҳлил қилишдир. Маълумки, исталган турдаги ифодаланаётган фикрнинг марказида сўзловчи ва тингловчи туради. Сўзловчи нутқ муаллифи сифатида ўзига маъкул ва маълум ахборотни узатиш билан чегараланади. Тингловчи томонидан эса эшитилган ахборот қабул қилинади, ўз имконияти доирасида қайта ишланади, тасаввурида гавдаланади:

— Ассалом, қизим.

*Энам, бундан беший йил бурун оламдан ўтган энам қошимга этиб келганди.*

*-Кўп янглишасан-да, болам. Ахир мен сенга айтгандим-ку? (Саломат Бафо. Қора бева. — Б.57)*

Келтирилган матн парчасида сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги нутқий мулоқот нотабиий йўсинда амалга ошмоқда. Чунки ушбу мулоқот иштирокчилари — коммуникантлардан бири “дунёдан ўтган” шахсдир. Китобхон бундай нотабийликни ажратилган бўлак ифодалаган маъно орқали билиб олиши қийин эмас. Зоро, ақлий ва нутқий фаолиятда мавҳумлиқдан аниқликка кўчиш босқичи модалликнинг шаклланишида энг муҳим босқич саналади. Бадиий матнда танланган обьект тасвирининг мавҳум ёки аниқлигини ажратади. Билиш субъектнинг онгдаги захираси ва лисоний билими билан боғлиқдир.

Ҳозирги кунда инсон ва инсонлар ўртасидаги нутқий фаолият натижасида ҳосил бўладиган лисоний тузилмалар тилишуносларнинг эътиборини кенг жалб этиб келмоқда. Нутқий мулоқот муаммоларига нисбатан уйғонган бу қизиқиши ўзининг чукур обьектив қонуниятларига эга, чунки тил ҳодисаларига нисбатан антропоцентрик ёндашув Вилгелм Фон Гумболт тадқиқотларидаёқ ўз аксини топган эди. Сабаби концепт шаклидаги обьектив олам ҳақидаги тасаввур ва хулосалар нутқий мулоқот орқали аниқроқ ифодаланади. Шу ўринда инсоннинг воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати нутқий жараёнда турли хил ифода ва тасвир воситалари ёрдамида ўз ифодасини топади: *Мени, кун кўрмай ҳаёт шами сўнаётган*

*жигарларини ўйлаб, уларнинг юраклари пора-пора бўлмасин деб, дардимни ичга ютиб келаётгандим* (*Зулфия Қуролбой қизи. Ўлим ҳеч нарса эмас.* – Б.70).

Юқоридаги матн парчасида муаллиф нутқий таъсирчанликни ошириш мақсадида метафоралардан унумли фойдаланган. Матнда қўлланган метафора (хаёт шами) хусусий яширин маъноларни мантиқий тарзда ифодалаш ва ўкувчига тушунарли бўлиши учун хизмат қилмоқда. Зоро, “метафоранинг моҳияти ҳам шундан иборат, бир сўзнинг номи бошқа бир сўз ўрнида шунчаки ўхшатиш орқали кўчиб ўтмайди, балки унинг мантиқий мазмунини ўзида акс эттиради”<sup>177</sup>.

Маълумки, ажратилган бўлакли гапларда сифат лексемалар иштироки муаллиф (ёзувчи)нинг такрорланмас услубий маҳоратини намоён этувчи, асар қаҳрамонларининг воқеликка муносабатини тасвиrlовчи асосий воситалардан саналади. Бу каби баҳолаш айникса, персонажлар тасвирини беришда яққол кўзга ташланади: *Директор-тўладан келган, баланд бўйли, тилла гардишили кўзойнак таққан салобатли аёл – Нафисага синовчан тикилиб турди-да, сўнг “завуч”га юзланди* (*Зулфия Қуролбой қизи. Аёл.* – Б.139). Юқоридаги парчада қўлланган тўладан келган, баланд бўйли, тилла гардишили кўзойнак таққан салобатли аёл каби сўз бирикмалари воситасида берилган эксплицит ифода персонаж портретини тасвиrlашдан ташқари, ижобий баҳо муносабатини ифодаламоқда. Мана бу парчада эса юқоридаги ҳолатнинг акси кузатилади: *Назоратчилар орасида уни – қўккўз, бадқовоқ хотинни ҳам кўрдим* (*Саломат Вафо. Оворанинг кўрган-кечирганлари.* – Б.52).

Парчада қўлланилган қўккўз, бадқовоқ лексемалари муаллифнинг салбий муносабатини ифодалаб, персонаж характер-хусусиятлари улар воситасида ойдинлашмоқда. Демак, ҳар икки матн парчасида ҳам дастлабки

<sup>177</sup> Рофиева Г. “Аралаш қўргон” ва “Ёзувчи” ҳикояларида концептуал метафоралар таржимаси // Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 1 | ISSUE 1, 2021. – Б.326.

ўринда муаллиф муносабати акс этади. Бу муносабатни ифодалашда матндана изоҳланма бўлакларнинг иштирокини алоҳида таъкидлаш зарур. Зеро, “гап таркибидаги изоҳланма бўлаклар маълум бир модалликни, яъни муаллиф гапнинг бирор бўлагига аҳамият берадиганини, уни бўрттириб кўрсатишини ифодалайди. Бу орқали тингловчи диққати бирор бўлакнинг маъносига алоҳида жалб қилинади”<sup>178</sup>. Бу билан китобхонда ачиниш ёки севиниш, ғазаб ёки муҳаббат, тўлиқ тасаввур, қониқиши каби ҳислар пайдо бўлади: *Онамнинг, шу турган хотиннинг бағрига отилсан, Худойим. У лаҳзанинг баҳтидан бул хотин – онам телба бўлмоғи, телба дунёларидан мастона ҳайқирмоғи тайин* (*Саломат Вафо. Қора бева.* – Б.78).

Коммуникация (нутқий алоқа)нинг тўрт омили-сўзловчи, тингловчи, баён этилган ахборот ва воқеликнинг ўзаро боғлиқлиги матн учун ҳам аҳамиятли, чунки матн коммуникациянинг асосий бирлигидир. Шунга кўра ҳар бир лисоний бирлик нутқий жараёнда матн нуктайи назаридан ўрганилмоқда. Матнни таҳлил қилиш эса баҳолаш ва муносабат билдириш жараёнлари билан боғлиқдир.

Алоқа-аралашувнинг, яъни нутқий мулоқотнинг шаклланишида диалогик матнларнинг ўрни беқиёс. Диалогик матнлар коммуникатив актни юзага чиқарувчи ҳисобланиб, унда сўзловчи ва тингловчилар ўзаро ахборот алмашадилар. Негаки, нутқнинг бу тури коммуникантларнинг фикр алмашув жараёнидаги психологик ҳолатини ифода этувчи жонли нутқий воситадир: – *Сиз нима учун бозор ичида айланаверасиз? – деб сўраб қолди Ҳулкар шу вақт. – Бозордан ҳеч чиқолмайсиз?* У ёқда, йўлнинг нариги томонида, ҳаётнинг у ёгига, десам тўғрироқ бўларкан, бутунлай бошқача ҳаёт ҳам бор-ку! (*Зулфия Қуролбой қизи. Армон асираси.* – Б.108)

Юқоридаги матн парчасида адресант (Ҳулкар) адресатга танбех бериш билан ўзининг “баҳтли ҳаёт” ҳақидаги орзу-умидларини имплицит тарзида ифодаламоқда. Бу ифодалилик “У ёқда, йўлнинг нариги томонида, ҳаётнинг

<sup>178</sup> Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б.136.

у ёзида” ажратилган изоҳ бўлаклар акс эттирган маъноларда намоён бўлмоқда. Муаллиф Ҳулкар нутқи орқали инсониятнинг азалий орзушибахтли ва тўкин ҳаёт ҳақидаги орзу-умидларини яширин маълумот кўринишида баён қилмоқда. Е.Г.Борисованинг таърифига кўра, “яширин маълумот – бу шундай маълумотки, конвенцион тил воситалари – сўзнинг маъноси, оханг қурилмаларда мавжуд бўлмайди, аммо, сўзловчининг ишонч билан айтишига кўра, адресат (қабул қилувчи) томонидан тушунилади, қабул қилинади”<sup>179</sup>.

Бадиий матнни муаллиф ва унинг тил бирликлари имкониятларини кўллай олиш маҳоратисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки тилдаги бадиийликка хизмат қилувчи лисоний воситалар қанчалик ажралиб, маълум бўлиб турган бўлса, унда субъектив модаллик ва унинг таркиби бўлган аксиологик модаллик ўз аксини топган бўлади: *Чин сўзим, дўстим, сенинг ўлимингда заррача айбим йўқ. Бироқ Дилдора сени танлаганидан кейин, унинг ишқида куйиб юрган вақтларим сенга ўлим тилаганим рост* (Зулфия Қуролбой қизи. Ўлим ҳеч нарса эмас – Б.23). Келтирилган мисолда муаллиф “севмок” семасини ифодаловчи “ишқида куймоқ” бирикмасини келтириш билан “ошиқ йигит”нинг ҳис-туйғуларига ўзининг субъектив баҳосини бермоқда. Бу субъектив баҳо ажратилган изоҳ бўлаклар (*Дилдора сени танлаганидан кейин, унинг ишқида куйиб юрган вақтларим*) акс эттираётган маъно орқали ўз ифодасини топган.

Ҳар қандай бадиий матнда субъектив баҳо муносабатининг мавжуд бўлиши субъектнинг билим ва қўнимасига алоқадордир. Субъектив баҳо-субъектнинг маълум предметни ўз нуқтаи назаридан ёки бошқа предметга қиёсан баҳолашдир. Ҳар бир шахснинг ўз онгида предметни ҳис этиш, у ҳақда ўз муносабатини билдириш унинг шахсий баҳосидир. Шахснинг баҳоси аксарият ҳолларда индивидуал характер касб этади, баъзан

<sup>179</sup> Борисова Е.Г. О способах извлечения имплицитной информации // Скрытые смыслы в языке и коммуникации. Сборник статей. – Москва, 2006. – С. 113.

умумлашган бўлиши ҳам мумкин. Баҳолашга асос бўладиган предмет (объект) дейилганда, баҳоловчи шахс учун асос бўлган нарса тушунилади ва унинг маълум ҳолатда, маконда, замонда тутган ўрни аҳамиятлидир. Баҳоланаётган объектнинг баҳоси нарсанинг қадр-қиммати саналади. Шахс ёки предметнинг қандай эканлигини ифода этадиган, унга баҳо беришга сабабчи бўладиган кўрсаткич шубҳасиз унинг табиий хусусиятларидир. Субъект (сўзловчи) баҳоланаётган объектнинг (нарса ва ҳодисаларнинг, предметнинг) ўзига хос хусусиятини ажратиб кўрсатиши ва бунга муносабатини билдириши табиий: *Кейинги сафар, орадан икки ой ўтиб, у яна шу сартароишонага келганида тағин шу чиройли йигитга йўлиқди: қадди-қомати келишган, қоши-кўзлари қоп-қора, юзи худди тарашиланган тошибек силлиқ* (Зулфия Қуролбой қизи. Ёвузлик фарииштаси.—Б.78). Ушбу мисолда муаллифнинг субъектив муносабати персонажнинг ташки кўринишини тасвирилашда акс этган. Бундан кўринадики, аксиологик модалликнинг перцептив, яъни идрок этилиши, танланган воқеликни ўқувчи хис этиши ва уни онгидаги ўзлаштириши муҳим ўрин тутади. Бизга маълумки, воқелик дастлаб инсон онгидаги ахборот ҳолида мавжуд бўлади, онгда мавжуд бўлган ушбу ахборот нутқда шаклланган ҳолда намоён бўлади.

Инсоннинг барча фаолияти каби нутқий фаолияти ҳам маълум эҳтиёж асосида юзага келади. Ана шу жараённинг юзага келишида сўзловчи руҳий ҳолати алоҳида ўрин тутади. Нутқ тил бирликларининг реаллашуви, фаолияти экан, улар руҳий ҳолат натижасида бириқади ва яхлит руҳий оқимни шакллантиради. Бу бириқиши жараёнида тил бирликлари ижтимоийликдан кўра кўпроқ индивидуаллик касб этади<sup>180</sup>: *Шунинг ўрнига, яъни тўғаноқ бўлмасдан, юракларини кенг қилиб, ўзларининг саҳоватпешаликларини кўрсатиб қўйганларида эди, мен албатта унумтмаган бўлар эдим* (Зулфия Қуролбой қизи. Ўлим ҳеч нарса эмас. —Б.75).

<sup>180</sup>Хожалилов И. Нуткнинг шаклий-мазмуний тузилишига субъект руҳий ҳолатининг таъсири // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. —№ 1.— Б.39.

Нутқнинг шакланишида тил бирликлари “қурилиш материали” вазифасини бажаради. Аммо улардан қандай нутқ тузиш сўзловчи руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Чунки инсон нутқий жараёнда алоҳида олинган фонема, морфема, лексема, синтаксемаларни танлаш имкониятига эга эмас, нутқий жараён автоматик тарзда амалга ошади. Юқоридаги матнда сўзловчи тингловчига таъсир ўтказиш учун “сўзлар гулдастаси”ни шундай тузганки, унда ибора ҳам (*юракларини кенг қилиб*), изоҳ бўлак ҳам (*шунинг ўрнига, яъни тўғаноқ бўлмасдан*), перформатив феъллар ҳам субъектнинг мақсадини ифодалаш учун бирдек хизмат қилмоқда. Тилишунос олим А.Абдусаидов таъкидлаганидек, нутқ сўзлашдан мақсад таъсир ўтказиш, таъсир ўтказиш учун эса тилдан фойдаланишнинг ҳам, ўзини тутишнинг ҳам таъсирчан воситаларидан фойдаланиш керак бўлади<sup>181</sup>.

Бизга маълумки, бадиий асар матнида муаллиф ва қаҳрамонлар нутқи бир-биридан фарқланади. Қаҳрамон нутқи ички, диалогик ёки монологик нутқ кўринишида бўлади. Муаллиф нутқи бадиий асар тилининг муҳим қисми ҳисобланади. Унда қаҳрамонга, воқеликка нисбатан ёзувчи муносабати ифодаланган бўлади. Муаллиф нутқининг икки хил бўлиши илмий адабиётларда акс этган:

1. Муаллиф томонидан сўзланган нутқ. Бунда асар воқеаларини сўзлаб берувчи одам, ёзувчининг ўзи бўлади. Пейзаж тасвири ва қаҳрамонлар қиёфаси, феъл-автори, уларнинг руҳий ҳолати, маънавий такомили ҳамда уларнинг онгида рўй берган ўзгаришлар муаллиф-ҳикоячи нутқида холис баён шаклида келтирилади. Бадиий асар тилининг қизикарли, таъсирчан бўлиши тил бирликларининг тўғри танланиши, матн мазмунига мос келиши муаллиф-ҳикоячи нутқига боғлиқ. Муаллиф-ҳикоячи нутқида воқеликни ташқаридан қузатиш, тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга баҳо беришни ошкора ёки яширин билдириш тарзи сезилиб туради: *Ҳа, Донии*

---

<sup>181</sup> Абдусаидов А. Мулоқот маданиятининг асосий сифатлари // Ўзбекистон матбуоти, 2011. – № 4. – Б.38.

*автоҳалокат туфайли оламдан ўтмади. У машина етиб келмасдан олдинроқ, йиқилиб тушган заҳоти миясига қон қуюлиб ўлган эди (Зулфия Қуролбой қизи. Армон асираси. –Б.46). 2. Қаҳрамон томонидан сўзланган нутқ. Баъзи асарларда ёзувчи асар воқеасини атайин қаҳрамонга ҳикоя қилдиради: *Айни бир сукут ўлкасида, жажжси қабрчалар шаҳрида беҳад қайгурдим ва унумдим* (Саломат Вафо. Қора бева.–Б.45). Воқеа-ходисаларнинг “мен” тилидан ҳикоя қилиниши асар таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради. Муаллиф қаҳрамонлар нутқини ўз тили орқали баён эттиришида уларнинг маънавий дунёсини, ички кечинмаларини, ҳиссиётларини, фикрлаш тарзини, дунёқараши ва атрофдаги воқеа-ходисаларга муносабатларини акс эттиради. Муаллиф асар қаҳрамонининг оламига, қатъий ҳаракатларига, ташқи қўринишига баҳо беришда танлаган тил бирликлари муҳим аҳамият касб этади. Келтирилган матн парчаларидағи воқеликка нисбатан муаллифнинг муносабати турлича: дастлабки матндағи ҳодисага муаллиф ўзининг баҳосини ошкора тарзда, ажратилган изоҳ бўлаклар воситасида баён қилган. Иккинчи матн парчасида персонажнинг ҳиссиётларини акс эттиришда, таъсирчанликни оширишда муаллиф ўхшатишлардан фойдаланган.*

Муаллифнинг хусусий метафоралари ёзувчининг эстетик мақсади, яъни борлиқни субъектив муносабатини қўшиб ифодалаган ҳолда номлаши асосида юзага келади. Воқеликни образли тасвирлаш ва услубий жиҳатдан бўёқдорликни таъминловчи метафоралар бадиий матн маъно-мазмунини ёрқин бўёқлар билан аниқ ва ихчам ифодалашга хизмат қилади. Бадиий матнларда аксиологик баҳо беришда муаллиф бадиий-тасвирий воситаларга мурожаат қилади. Зоро, ҳар қандай асарнинг бадиий таъсирчанлигини қўлланилган бадиий тасвир воситалари таъминлайди. Уларсиз бадиий асар куруқ ва зерикарли бўлиб қолади. Бундай асарларда баҳонинг турли қўринишлари ифодаланади. Воқеалар ифодаси, образлар турли-туманлиги ва табиат тасвирларига ўқувчи баҳо беради, шу асосда билиш ва ўрганиш

кўникмаси пайдо бўлади. Шу жараёнда муаллиф маҳорати бадий тасвир воситаларини қайдаражада ишлата олишига боғлиқ бўлади. Бадий асарларда аксиологик баҳо метафора, ўхшатиш, киноя, синекдоха, жонлантириш, муболаға каби тасвирий воситалар орқали ҳам намоён бўлади: “Эшон бува уни-тунда қўққисдан гумбурлаган момақалдироқдан қўрқиб, юраги бесаранжом уриб қолган навниҳол қизни – аввал даволаган, етти кун етти маҳал дуо ўқиб согайтириб юборган, кейин эса яна дуо ўқиб, уни ўзига оғдириб олган... (Зулфия Қуролбой қизи. Қадимий қўшик. –Б.48).

Келтирилган матн парчаси билан танишиш жараёнида грамматик қонуниятлар асосида тузилган одатий гаплар бўлиб кўринадиган гапларнинг шаклий ва мазмуний моҳиятига эътибор қаратилса, оддий грамматик бирликлар деб қараладиган ҳодисалар ҳам кучли экспрессив-таъсирчанлик ва баҳо англатиш имкониятига эга эканлиги ёрқин намоён бўлади. Бу ҳолат, айниқса, ажратилган изоҳ бўлак таркибида келган “навниҳол қизни” сўз бирикмаси, “ўзига оғдириб олган” ибораси акс эттираётган маъно орқали ифодаланмоқда. Сўз бирикмаси ва иборалар бадий матнларда маълум тушунчани аниқлаштириб, номинативлик, эмоционаллик, экспрессивлик, услубий нозикликларни таъминлашга хизмат қиласи.

Маълумки, матн мазмунининг англашилишида муаллифнинг интенцияси, яъни мақсади, матннинг ташқи ва ички тузилиши, муаллиф дискурсив компетенциясининг даражаси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу омиллар бўлмаса ҳар қандай матн ўз аҳамиятини йўқотади. Буни қуйидаги матн парчаси ифодалаётган маъно орқали ҳам кўриш мумкин: *Аёлнинг назарида у томонда – дераза ортида ўтмиши – жиндай азият аралашган бўлса-да, ҳароратли, мусаффо бир ҳаёт чексиз армон билан мўралаётгандай... (Зулфия Қуролбой қизи. Армон асираси.–Б.100).* Келтирилган матн парчасида муаллиф интенцияси асар қаҳрамонининг “баҳтили ҳаёт” ҳақидаги армонларини китобхонга етказишидир. Бунда муаллифга матн мазмунини очиб берувчи ажратилган бўлак, уюшиқ

бўлаклар кўмаклашади. Негаки, ажратилган бўлакли гапларда аксиологик модаллик нутқий фаолият ташаббускорларининг матндаги воқеликка муносабати натижасида юзага келади. Зеро, аксиологик модалликнинг асосий вазифаси муаллиф мақсадини (ошкора ёки яширин) юзага чиқаришдир. Бу жараёнда воқеликни баҳолаш ва уни тавсифлаш ҳаракати асосий роль ўйнайди: *Ўзини ўзи енголмай эзилган мулла хомуши, афтадаҳол бир қиёфада пастга—қалин дарахтлар билан ўралган қишилоққа ғамгин нигоҳ ташлади* (Зулфия Куролбой қизи. Аёл қиёфасидаги ажсал. – Б.157). Берилган матн парчасида муаллифнинг субъектив баҳоси персонажнинг руҳий ҳолатига нисбатан берилмоқда. Матнда субъектив баҳо феълли иборалар, сифат лексемалар каби лисоний воситалар орқали ифодаланмоқда. Зеро, матнда ишлатиладиган ҳар бир восита муаллиф томонидан танланган ахборотга турли хил модаллик (баҳо) бўёғини беради. Аксиологик модаллик матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини ифодаловчиси сифатида ҳар қандай матнда намоён бўлади. Бадиий матнда, хусусан, ажратилган изоҳ бўлаклар қатнашган матнда аксиологик модаллик ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг қай даражада воқеланиши матндаги воқеа-ҳодисага боғлиқ: *Агар дунёда иккита беозор одам бўлса яна биттаси – Эрмон буванинг кампиди – Ҳабиба буви* ( Ў.Хошимов. Дунёнинг ишлари. – Б.58 ). Келтирилган матнда муаллиф ўз хусусий муносабатини объект (Ҳабиба буви)нинг характер-хусусиятига нисбатан бермоқда. Муаллиф нуктаи назари орқали берилаётган аксиологик баҳо бирликлари баъзан инсониятни тўлигича англаш ва билиш (нисбий) каби хусусиятлар орқали ҳам намоён бўлиши мумкин.

Баҳолаш фаолияти – муаллифнинг идрокига боғлиқ бўлган муносабатни акс эттирувчи ҳамда ушбу жараён прагматик қийматининг субъектив натижаси ҳисобланади. Бу фаолиятда муаллиф муносабат билдирилаётган ҳодисанинг асосий хусусиятини маълум меъёрга қиёслайди, унга нисбатан ўлчов намуналарини тадбиқ этиб, уларнинг ижобий ёки

салбийлигини аниқлайди, натижада инсон лингвокогнитив фаолиятининг маҳсули – аксиологик модаллик намоён бўлади. Лингвокогнитив фаолият маҳсули бўлган баҳолашда предмет-ҳодисаларнинг аҳамиятли ва қийматли жиҳатлари маҳсус лисоний ўлчовларга асосланиб қадр-қийматли қисмларга ажратилади. Ушбу қисмларга берилаётган аксиологик баҳо субъектнинг идроки, тасаввури, мақсадига қараб белгиланади. Воқелик объектларига бу тахлит баҳо бериш жараёни турли лисоний воситалар иштирокида ифодаланади: *Бир оқшом, Мирзо Ёдгорнинг тантана билан пойтахтга киришининг учинчи куни, Султонмурод шам олдида гамгин, танҳо ўтирас эди* (*Ойбек. Навоий. – Б. 94.*).

Замонавий жамиятнинг кўплаб муаммоларини ўрганиш ва уларнинг ечимини топишда аксиологик қийматга асосланган ёндашув бўйича ҳаракат қилиш, бу жараёнга антропоцентрик жиҳатдан қараш – тилшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Тилшуносликнинг антропоцентрик йўналиши орқали баҳолашни ўрганиш маълум бир маданият, миллат, тарихий даврнинг қадриятлар тизимидан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Субъект-объект муносабатига асосланган баҳолаш фаолиятида доимо тил ва нутқий фаолият ўзаро алоқадорликда бўлади. Тил онгимиздаги маълумотларни таҳлил қилиб, назоратдан ўтказгандан сўнг билим сифатида уни нутқий фаолиятга йўналтиради. Нутқий фаолият иштирокчилари билиб ёки билмай баҳо бериш ҳаракатини ҳам бажарадилар. Аммо баҳолашни фақат қадрият ҳақидаги фикр сифатида тушуниш, бизнинг фикримизча, модаллик чегараларини торайтиради. Баҳолаш функцияси нарса ва ҳодисани дунёнинг маълум бир идеаллаштирилган модели билан ўзаро боғлашдан иборат бўлиб, унда субъект учун аҳамиятли бўлган бошқа (нафақат қадриятли) хусусиятлар, масалан, имконият, ҳақиқат, муқаррарлик, ишончлилик қийматлари ўз ифодасини топади. Объектни шубҳаланиш, эҳтимоллик, ишончлилик ва шунга ўхшаш модал муносабатлар турлари нуқтаи назаридан баҳолашни Л.М.Васильев, Ю.Д.Апресян, В.Н.Телия,

Н.А.Авгановлар ўз илмий қарашларида ёритиб берган.

Баҳо қадриятга нисбатан берилаётганда унинг мазмуни ва аудиторияга таъсир доираси ҳам ҳисобга олиниши керак. Қийматни баҳолашда асосий нарса объектнинг қийматга бўлган муносабати эмас, балки қийматларни ўз ичига олиши мумкин бўлган баҳолаш объектининг меъёрий идеал, стандарт, моделга мос келиши ёки мос келмаслиги тўғрисида фикрни ифодалашдир. Шу тариқа, агар қадрият маълум бир баҳолаш намунасига йўналтирилган бўлса, у ҳолда баҳолаш ўша намуна билан таққослаш натижаси ҳисобланади.

Баҳоловчи бирликлар тил тизимининг ҳамма сатҳларида ўз ифодасини топади. Аффиксдан тортиб матнларгача бўлган бирликларда баҳоловчи семантика фаол қўлланилади. Баҳоловчи семантика эса ҳар бир шахсга хос бўлган семантик билимни тақозо этади. Негаки, “Инсон тилдаги барча семантик илмларни билиш билан бирга уларни ўз мақсади йўлида танлай олиши ва ифодалаш имконига эга бўлиши лозим”<sup>182</sup>. Аксиолик баҳо ана шундай ифода имконига эга лексик-семантик категория сифатида фанга кириб келди.

Баҳоланувчи объектнинг аҳамиятли жиҳатига қаратилаётган диққат-эътибор субъект нуқтаи назари бўйича амалга оширилади. Баҳоловчи-субъект ва баҳоланаётган-объект муносабатини айрим мантиқшуносарнинг таснифига асосланиб, қуйидаги синфларга ажратган ҳолда ўрганишни лозим топдик: 1) модал-баҳоловчи: эҳтимоллик ва зарурат маъноси нуқтаи назаридан баҳони ифодалайди, улар одатда алетик, деонтик ва эпистемик типдаги маъноларга бўлинади: *керак, зарур, лозим, даркор, тегишили* ва ҳ.к. Модалликнинг бу турлари ўз навбатида аксиологик модаллик билан ҳам узвий алоқада бўлади; 2) умумбаҳоловчи – уларнинг маъно тузилмасида тавсифловчи ва қиёсловчи маъно йўқ: *яхши, ёмон, гўзал, ярамас* ва ҳ.к.;

---

<sup>182</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б.8.

3) алоҳида баҳоловчи: а) прагматик хусусиятлар инсоннинг амалий қизиқишлари ва кундалик тажрибаси билан боғлиқ рационал баҳони ифодалайди: *фойдали, қулаи, зарарли, бефойда* ва ҳ.к.; б) этик хусусиятлар ижтимоий шартланган ахлоқий меъёрлар, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурларга таяниш билан боғлиқ баҳони ифодалайди: *марҳаматли, инсоний, баджасаҳл, ваҳший, вижданли, камтарин* ва ҳ.к.; в) эстетик хусусиятлар гўзаллик ва унинг зидди бўлган лексемалар билан ифодаланган баҳога қаратилган бўлади: *чиройли, жозибали, хунук, кўримсиз* ва ҳ.к.;

Баҳоловчи предикатларнинг баҳолар қутблари бўйича миқдорий тақсимланиши ифодаланувчи баҳо турига боғлиқ бўлади. Масалан, умумбаҳоловчи, аҳамиятли семемалар орасида ижобий баҳо семасига эга лексемаларнинг салбийларига нисбатан кўпроқлиги ҳар қандай миллат онгидга эзгуликка йўғрилган тушунчалар асосий ўрин эгаллаши билан характерланади. Ижобий аломати бор бўлган семемалар томонига бундай силжиши онтогенезда шаклланади ва психолингвистик тажрибалар кўрсатганидек, обьектни ижобий баҳолаш маълум миллат вакиллари томонидан яхшироқ ўзлаштирилади, тез-тез улар “*яхши дўст*” сўзларини эслаш осонроқ бўлганлиги учун ишлатилади. Аксинча, ахлоқий баҳолаш соҳасида салбий баҳолаш бирликларининг мавжудлиги зиддиятли тафовутларни келтириб чиқаради. Биринчидан, бизнинг баҳолаш фаолиятига нисбатан норма ҳақидаги тасаввуримиз меъёрий миқёснинг мавҳум ўртacha даражасига асосланмайди, балки ижобий қиймат билан боғлиқ: хушмуомалали, ҳалол ва ҳоказо бўлиш одатий ҳолдир ва меъёрдан четга чиқиши акс эттириш ва уларнинг унга бўлган муносабати маъruzачилар учун доимо долзарбdir. Жамиятда бўлгани каби, тилда ҳам “ижтимоий огоҳлантириш” қонуни ишлайди: ахлоқий меъёрлардан четга чиқиш қайд этилади, улар, қоида тариқасида, кескин қораланади. Ахлоқий меъёрга риоя қилиш огоҳлантиришни талаб қилмайди, шунинг учун, масалан, яхши, ижобий хулқ-атвор учун маҳсус лексемалар мавжуд. Баъзида уларнинг

ўрнини умумий баҳоловчи сўзлар билан қўшма номлар эгаллайди: *ўзини яхши тутиши, тўғри тутиши*. Салбий ва ижобий баҳоларнинг нутқ қисмига боғлиқлиги ҳам индикативдир: салбий баҳо ва сифатлар соҳасидаги исмларнинг аксарияти – субъектнинг муносабатини билдиришдир.

Субъектив модаллик ҳар бир матнда мавжуд бўлади, негаки матннинг ижодкори шахсдир. Фақат бу мавжудлик матн турларида очиқ ёки ошкора тарзда намоён бўлади. Баъзида аксиологик модаллик бўёғига эга бўлмаган матн, деб хуносага келганимизда аксиологик баҳонинг имплицит (яширин) тарзда ифодаланганига гувоҳ бўламиз: *Навоий “Унсия”даги кўп хоналарнинг бирида – катта, салқин чорхари уйда, қарийб ҳар вақт бирга бўладиган дўстлари, яқинлари билан бош яланг шатранж уйнаб ўтирап* эди (*Ойбек.Навоий. – Б.285*). Матнда баҳо муносабатини бир қарашда илғаш қийин, негаки баҳо тузилмасига эга лексемалар ҳар доим ҳам кўзга ташланавермайдилар. Келтирилган матний тузилмадаги эътиборимизни қаратишимииз лозим бўлган синтактик бирлик – ажратилган изоҳ бўлак таркибидаги **чорхари** лексемасидир. Бу лексемага изоҳли луғатда шундай таъриф берилади: **Чорхари уй (ёки айвон)** – ўртадаги битта устунга таянувчи тўртта харили катта квадрат хона, айвон<sup>183</sup>. Чорхари уй ёки айвоннинг аксиологик модаллик ифодаловчи хусусияти шундаки, бу тарздаги меъморчилик дастлаб фақат шарқ маданиятига тегишли бўлган. Демак, муаллиф обьект тарзида танлаган лексемага баҳо бериш асносида у ҳақидаги ахборот ва маълумотга эга бўлиш зарурлиги ҳақида эслатиб ўтади. Негаки, “ахборот билим беради, у билим замирида яратилади. Жамланган ахборот маънога эга бўлиши керак, фақат шундагина уни бошқага узатиш, етказиш мумкин бўлади”<sup>184</sup>. Узатилган ва етказилган ахборотларнинг ўқувчи ёки тингловчи томонидан қай даражада қабул қилиниши ҳам прагматиканинг тадқиқ обьектига киради.

<sup>183</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. IV жилд – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008 . – Б.511.

<sup>184</sup> Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013 . – Б.216.

Муаллиф матн яратувчи ижодкор сифатида прагматик мақсадига мос тил сатҳи бирликларини танлаб ишлатади. Тил сатҳи бирликлари семантик имконият сифатида оламни билиш, субъектив ва шахслараро муносабат орқали нутқда реаллашади, баҳо мазмуни юзага чиқади. Ҳар қандай тил бирликлари иштирокидаги аксиологик баҳода модалликнинг лисоний уч кўриниши – оддийлик, субъективлик ва ихчамлик мавжуд бўлади. Модалликнинг субъект томонидан “ҳаракатга келувчи” категория эканлигини ҳисобга олсак, ҳар доим субъектдан баён этилган ахборот билан муносабатларини ифода этиш учун оғзаки ва ёзма билимлардан хабардор бўлишни, модалликни ифодалаш воситаларини (лингвистик ва нолингвистик) билиш ва у ҳақида тушунчага эга бўлишни талаб этади.

Муносабатнинг бу турларини фарқлашда объектнинг баҳоловчи субъект учун бирламчи, асосийлигига эътибор қаратилади. Бундай муҳимлиқда, дастлабки ўринда, прагматик хусусият инобатга олинади. Прагматик хусусиятга эга бўлган баҳолаш босқичи қадр-қиймат ва аниқ бир меъёрга асосланади.

**Аксиологемаларнинг кириш сўзли, киритма ва ажратилган бўлакли гапларда ифодаланиши  
(Илмий-тадқиқот ишимиздаги бадиий матнлардан олинган мисоллар асосида)**

**3.2-Прагмасемантик модаллема**

№	Мураккаб лаш- ган содда гаплар	Семантикаси шу жумладан:																						
		Жами:		Ижобий						Салбий														
		сони	фоиз	сони	ом	сони	фиоз	сони	сон	сони	омои	сони	фебъл	сони	ом	сони	фоиз	сони	сон	сони	фоиз	сони	омои	сони
I	Кириш сўзли гаплар	23	100 %	8	35 %	8	35%	-	-	-	-	-	1	4%	-	-	-	-	1	4 %	1	4%	4 %	17 %
II	Киритма гаплар	31	100 %	11	35 %	3	10%	-	-	1	3%	3	10 %	4	13 %	4	13 %	3	10 %	-	-	-	2 %	
III	Ажратил ган бўлакли гаплар	26	100 %	12	46 %	3	12%	2	8 %	0%	0 %	3	12 %	0%	0%	2	8%	0 %	2 %	2	8 %	0%	2 %	

## **Боб бўйича хулосалар**

1. Субъектив модаллик турлари ичида аксиологик модаллик қўлланиш доирасининг кенглиги, маъно ва мазмун жиҳатидан хар хиллиги билан ажралиб туриши кириш сўзлар, киритмалар ва ажратилган бўлаклар орқали далилланди, ушбу синтактик бирликларнинг аксиологик модалликни ифодалаш имкониятларининг прагматик ва семантик жиҳатлари ёритилди.

2. Кириш сўзларнинг прагматик вазифа бажариши қуидагича белгиланди:

- Кириш сўзлар адресантнинг аксиологик баҳо муносабатини ифода этиши;
- Кириш сўзларнинг субъектнинг гапдан англашилган воқеликка нисбатан турли хил хусусий муносабатни кўрсатиши;
- Кириш сўзлар вазифасида келган модал сўзлар, айрим феъл, олмош, юкламалар ва тартиб сонлар нутқий мулоқот жараёнида қўлланганда прагматик вазифа бажариши;
- Кириш сўзлар нутқий мулоқотда қўлланганда адресантнинг ўз фикрига нисбатан ҳам шахсий муносабатни ифодалаш орқали прагматик вазифа бажариши назарий асосланди.

3. Кириш сўзлар мулоқот жараёнида қўлланганда энг муҳим, қайсиdir жиҳатлари билан бирламчи бўлган воқеликка нисбатан ижобий ёки салбий баҳо орқали намоён бўлиш, аксиологик модаллик мазмунини шакллантирувчи лисоний бирликлар қаторидаги кириш сўзлар предмет-ҳодисаларнинг қиймат тасвирини, муносабати ва баҳосини муаллифнинг нуқтаи назари орқали акс эттириш, бу акс эттириш нутқий жараён орқали юзага чиқиш ва сўзловчи баъзида ўзи сезмаган ҳолда фикрига турли модал муносабатларни қўшиш имкониятларига эгалиги далилланди.

4. Аксиологик модалликни ифода этувчи лисоний бирликлар қаторидаги кириш сўзлар предмет ва ҳодисаларга нисбатан муносабат ва баҳони муаллифнинг нуқтаи назари доирасида акс эттиради. Бу акс эттириш нутқий

жараёнда ўз ифодасини топади ва сўзловчининг фикрига турли модал муносабатлар қўшилади.

5. Кириш сўзлар субъектив муносабат билан боғлиқ ҳолда – аксиологик баҳонинг ифодаловчиси сифатида – бадий матнда иштирок этади. Аксиологик баҳонинг асосий мундарижаси эса қадрият сифатига эга бўлган воқеликни тасвирлаш, баҳолаш йўли билан муаллифнинг асосий мақсадини адресат (тингловчи, ўқувчи)га етказишидир.

6. Бадий асарларда аксиологик модалликнинг мавжудлиги, асар муаллифининг руҳиятида акс этади ва у бадий матнга кўчади.

7. Киритма гаплар иштирокидаги матнларда аксиологик модаллик фақатгина ундаги образларга ёки содир бўлаётган воқеа-ходисаларгагина берилмайди, аксинча, аксиологик баҳо табиат тасвирлари, яъни пейзажларнинг инсон шахсияти билан уйғун бўлган ҳолатига нисбатан ҳам берилади.

8. Аксиологик модалликнинг перцептив, яъни идрок этилиши, танланган воқеликни ўқувчи ҳис этиши ва уни онгида ўзлаштириши муҳимлиги, ажратилган изоҳ бўлакли гаплар қатнашган бадий матнларда аксиологик баҳо метафора, ўхшатиш, киноя, синекдоха, жонлантириш, муболага каби тасвирий воситалар орқали ҳам намоён бўлиши прагматик фаолият эканлиги очиб берилди.

9. Ажратилган изоҳ бўлакли гапларда аксиологик модаллик нутқий фаолият ташаббускорларининг матндаги муаллиф мақсадини (ошкора ёки яширин) юзага чиқаришидир. Бу жараёнда воқеликка баҳо бериш тавсифлаш ҳаракати билан уйғунликда бўлади.

10. Баҳоловчи-субъект ва баҳоланаётган-объект муносабатини айрим мантиқшуносларнинг таснифига асосланган ҳолда, қуйидаги синфларга ажратган ҳолда ўргандик: 1) модал-баҳоловчи: эҳтимоллик ва зарурат маъноси нуқтаи назаридан баҳони ифодалайди, улар одатда, алетик, деонтик

ва эпистемик типдаги маъноларга бўлинади. Модалликнинг бу турлари ўз навбатида аксиологик модаллик билан ҳам узвий алоқада бўлади;

2) умумбаҳоловчи – уларнинг маъно тузилмасида тавсифловчи ва қиёсловчи маъно йўқ;

3) алоҳида баҳоловчи: а) прагматик хусусиятлар инсоннинг амалий қизиқишлари ва кундалик тажрибаси билан боғлиқ рационал баҳони ифодалайди; б) этик хусусиятлар ижтимоий шартланган аҳлоқий меъёрлар, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурларга таянувчи, аҳлоқий ҳисни қондириш билан боғлиқ баҳони ифодалайди; в) эстетик хусусиятлар гўзаллик ва унинг зидди бўлган лексемалар билан ифодалangan баҳога қаратилган бўлади.

## **ХУЛОСАЛАР**

1. Аксиологик модаллик – қадриятлардаги аниқ ва яширин маънолар умумлашмасидан иборат когнитив ҳодиса эканлиги асосланди ҳамда уни ифода этувчи синтактик бирликларнинг семантик ва прагматик қирралари кенг очиб берилган.

2. Ҳозирги кунда лингвоаксиология соҳасида бажарилаётган тадқиқотлар асосан тил ва қадрият мослигини синхрон тарзда ўрганиш ва тасвирилашга бағишли ганлигининг сабаби, бир томондан, лингвоаксиология тилнинг қадрият-тушунчаларга, иккинчи томондан, қадрият-тушунчаларнинг тил омилига йўналтирилганлиги аниқланган. “Аксиологик модаллик” тушунчасини ўрганишда иккита асосий ёндашув ажратиб кўрсатилган: семантик ва прагматик.

3. Тадқиқотда мураккаблашган содда гаплардаги қадр-қийматга асосланган тушунчаларнинг умумий хусусиятлари ва лисоний белгилари таснифланган, шунингдек, баҳолаш – объектнинг энг муҳим жиҳатларига танқидий ёндашиш фаолияти эканлиги асослаб берилган.

4. Аксиологик модаллик маъносининг мураккаблашган содда гапларда ҳосил бўлиши гносеологик фаолият натижаси эканлиги, объект ёки воқеликни билиш, англаш жараёнида пайдо бўладиган фикрларнинг қадрият даражасида бўлиши ҳамда аксиологик маънога эга бўлишини таъминлаши асосланган.

5. Аксиологик баҳолаш мақсадли нутқий ҳаракат эканлиги ва шу мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар лингвокогнитив ҳамда лингвопрагматик фаолият натижаси эканлиги кенг очиб берилган.

6. Субъектив модаллик ҳар бир матнда мавжуд бўлади. Лекин ушбу модалликнинг турлари айрим матн ёки матн қисмларида учраши, қисман учраши ёки умуман бўлмаслиги билан фарқланади. Шунга биноан аксиологик модаллик матннинг ҳар қандай турида учрамаслиги мумкин. Баъзида аксиологик модаллик бўёғига эга бўлмаган матн, деб холосага

келингандан аксиологик баҳонинг имплицит (яширин) тарзда ифодаланиши мисоллар асосида далилланган.

7. Уюшиқ бўлакларнинг матн ва унинг таркибий қисми бўлган гапларда иштирок этиши муаллиф мақсадини таъсирли қилиб ўқувчига етказища ёрдам беради. Бу жараён мулоқот кўламини кенгайтиради ва мулоқот жараёнида сўзлашувчиларнинг руҳияти билан боғлиқ равишда қўлланилган бирликлар ҳар икки томоннинг коммуникациядан кўзланган мақсадини акс эттиришга хизмат қиласди.

8. Муаллиф тасвирланаётган шахс, воқеа-ҳодисага нисбатан муносабатини ўқувчига тез ва имкон қадар ижобий таъсир ўтказувчи лисоний воситалар ёрдамида етказишга ҳаракат қиласди. Шу каби лисоний воситалар қаторида бўлган ундалмали гапларда ифодаланган аксиологик модаллик муаллиф муносабатини миллий-маданий семали бирликлар орқали хам ифода этади.

9. Аёл муаллифлигидаги бадиий матнларда аксиологик модалликнинг намоён бўлиш имкониятлари кенгdir. Бу каби асарларда аксиологик модаллик гендер ўзига хослик натижасида намоён бўлади.

10. Аксиологик модаллик мазмунини шакллантирувчи лисоний бирликлар қаторидаги кириш сўзлар предмет-ҳодисаларнинг қиймат тасвирини, муносабати ва баҳосини муаллифнинг нуқтаи назари орқали акс эттиради. Бу акс эттириш нутқий жараён орқали юзага чиқади ва сўзловчи баъзида ўзи сезмаган ҳолда фикрига турли модал муносабатларни қўшади.

11. Аксиологик модалликнинг бадиий матн мазмунини тўлақонли очиб бериш учун ажратилган изоҳ бўлакли гаплардан фойдаланиш муаллиф идроки доирасида амалга оширилиши ҳамда ушбу синтактик бирликлар ҳар бир матнда такрорланмас маъно нозикликларини ифодалаш имкониятига эгалиги асосланган.

12. Ҳар қандай тил бирликлари иштирокидаги аксиологик баҳода модалликнинг лисоний уч кўриниши – оддийлик, субъективлик ва ихчамлик

мавжуд бўлиши, маълум миллатнинг анъанавий маданияти ва санъатида намоён бўладиган аксиологик модалликни баҳолаш учта босқичдан иборат умуминсоний қадр-қийматга муносабат – прагматик, илмий-назарий ва эмоционал муносабатлар доирасида амалга оширилиши назарий асосланган.

13. Содда гапни мураккаблаштирувчи ундалма, уюшиқ бўлаклар, кириш сўз ва киритма гаплар, ажратилган изоҳ бўлакли гапларнинг тилшунослиқда тадқик этилиши алоҳида ёритилган ҳамда жадвал кўринишида асослаб берилган. Аксиологик модалликнинг мураккаблашган содда гапли матнлардаги ифодаси “Прагмасемантик модаллема” деб номланган статистик таҳлил жадвали асосида умумлаштирилган.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони Тошкент, 2019 йил 21 октябрь, ПФ-5850-сон.  
<https://lex.uz/uz/docs/4561730>

1.2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

1.3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ // Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 56 б.

### **II. Илмий рисола, монография, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар**

2.1. Абдураҳмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 110 б.

2.2. Абдураҳмонов Ғ. Тарихий синтаксис. – Тошкент: Фан, 1974. – 196 б.

2.3. Абдураҳмонов Н. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 161 б.

2.4. Арутюнова Н. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. – Москва: Наука, 1988. – 50 с.

2.5. Ахманова О. Словарь лингвистических терминов. 2-е изд. — Москва, 1969. — 608 с.

2.6. Ашуррова Д., Убаева Ф., Болтабоева Х. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1962. – 180 б.

- 2.7. Байрамова Л.К. Аксиологический фразеологический словарь русского языка. Словарь ценностей и антиценостей. – Казань: Центр инновационных технологий, 2011. –360 с.
- 2.8. Байрамова Л.К. Аксиологический фразеологический словарь английского языка. Словарь ценностей и антиценностей. – Казань: Центр инновационных технологий, 2011. –376 с.
- 2.9. Байрамова Л. Аксиологический фразеологический словарь. – Казань: Центр инновационных технологий, 2011. – 91 с.
- 2.10. Балакаев М. Современный казахский язык. Синтаксис. – Алма-Ата: Изд-во АН Каз, 1959. –235 с.
- 2.11. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – Москва: Иностранный литература, 1955. – 416 с.
- 2.12. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 342 б.
- 2.13. Болтабоева Х. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. – Тошкент: Фан, 1969. – 173 б.
- 2.14. Вольф Е. Функциональная семантика оценки. – Изд. 2-е, доп. – Москва: Едиториал УРСС, 2002. – 280 с.
- 2.15. Дыренкова Н. Грамматика шорского языка. М. – Л.: Издательство АН, 1941. – 309 с.
- 2.16. Есенов Х. Синтаксис осложненного предложения в казахском языке. – Алма-Ата: Гылым, 1992.– 205 с.
- 2.17. Ивин А. Основания логики оценок. – Москва:Изд-во Московского университета, 1970. – 230 с.
- 2.18. Ibragimova E. O‘zbek tili leksikasining aksiologik tadqiqi. – Farg‘ona, 2018.– 86 б.
- 2.19. Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент, 2007. – 111 б.
- 2.20. Кодухов В.И. Введение в языкознание. – Москва: Просвещение, 1979. – 351 с.

- 2.21. Кононов А. Грамматика современного турецкого литературного языка. – М. – Л., 1956. – 570 с.
- 2.22. Кононов А. Грамматика современного узбекского литературного языка. М. – Л., 1960. – 447 с.
- 2.23. Леонтьев А. Избранные психологические произведения. – Москва: Педагогика, 1983. Т.2. – 392 с.
- 2.24. Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 260 б.
- 2.25. Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг семантиктрагматик тадқиқи. – Тошкент: Наврўз, 2019. – 100 б.
- 2.26. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –149 б.
- 2.27. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978 й. – 262 б.
- 2.28. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. – 85 б.
- 2.29. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – 149 б.
- 2.30. Пешковский А. Русский синтаксис в научном освещении /А.М.Пешковский; [Предисл. Ю.Д. Апресян]. – Москва: Яз.славян. Культуры, 2001. – 510 с.
- 2.31. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – Toshkent: Universitet, 2006. – 476 б.
- 2.32. Решетов В. Современный узбекский язык. Ч. I. – Ташкент, 1946–175 с.
- 2.33. Руднев. А. Синтаксис осложненного предложения. – [Текст] /А. Г. Руднев. – Москва : Учпедгиз, 1959. – 198 с.
- 2.34. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Extremum Press, 2010. – 135 б.

- 2.35. Сайфуллаев А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундалма. –Тошкент: Фан, 1968. – 74 б.
- 2.36. Сайфуллаев А. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлакларининг семантикаси ва грамматикаси. – Тошкент: Фан, 2000. – 127 б.
- 2.37. Салаев Ф., Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 332 б.
- 2.38. Санжеев Г. Грамматика калмыцкого языка. – М.-Л., 1940. –158 с.
- 2.39. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – 320 б.
- 2.40.Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013 . – 300 б.
- 2.41. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
- 2.42. Тер-Минасова С. Язык и межкультурная коммуникация – Москва: Слово, 2000. – 624 с.
- 2.43. Тошалиев И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида киритма конструкциялар. – Тошкент: Фан, 1976. – 124 б.
- 2.44. Усмонова Ҳ. Ўзбек тилидаги гап бўлакларининг позицион тадқики. – Тошкент: Фан, 2005. – 167 б.
- 2.45. Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – 336 б.
- 2.46. Худойберганова З., Ҳамидов Ҳ. Турк тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2015. – 320 б.
- 2.47. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. I жилд.– 680 б.
- 2.48. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. III жилд. – 688 б.
- 2.49. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. IV жилд. – 608 б.

- 2.50. Ўринбоев Б. Синтактик муносабатлар. – Самарқанд , 2005. – 144 б.
- 2.51. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2001. – 171 б.
- 2.52. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик муносабатлар. – Самарқанд, 2003. – 96 б.
- 2.53. Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
- 2.54. Кўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980. – 164 б.
- 2.55. Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. – Тошкент, 2004. – 142 б.
- 2.56. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965 й. – 316 б.
- 2.57. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1987. – 279 б.
- 2.58. Ғуломов А. Содда гап. – Тошкент, 1955. – 97 б.
- 2.59. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 172 б.
- 2.60. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – 284 б.
- 2.61. Ҳомидий Ҳ. Кўхна Шарқ дарғалари. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 346 б.

### **III. Диссертация ва диссертация авторефератлари**

- 3.1. Алиева Ш. Тилнинг турли сатҳ бирликлари трансформация ва деривацияси. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Фарғона, 2019. – 53 б.
- 3.2. Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи. Филол.фанлари номзоди...дис. – Тошкент, 2007. – 135 б.

3.3. Алпанова Ш. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Фарғона, 2018. – 51 б.

3.4. Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фанлари номзоди. ... дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.

3.5. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрый асарларидағи содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. Филол.фанлари д-ри ...дис. – Тошкент, 1990. – 303 б.

3.6. Багаутдинова Г.А. Человек во фразеологии: антропоцентрический и аксиологический аспекты. Автореф. дис... д-ра филол.наук. – Уфа, 2007. – 44 с.

3.7. Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол.фанлари д-ри...дис. автореф. – Тошкент, 2011. – 50 б .

3.8. Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив – прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар. Филол.фанлари д-ри...дис. – Тошкент, 2011. – 320 б.

3.9. Габитова Г. Простые осложненные предложения в современном башкирском литературном языке. Дис. ... канд. филол. наук. – Стерлитамак, 2004. – 169 с.

3.10. Гибатова Г.Ф. Ментальные сферы русского языка: мнение и оценка. Автореф. дис. ... д-ра филол.наук. – Уфа, 2011. – 44 с.

3.11.Досанов Н. Ўзбек халқ эртаклари тилида аниқловчилар. Филол.фанлари номзоди...дис. автореф. – Тошкент, 1994. –25 б.

3.12. Дронова Л.П. Становление и эволюция модально-оценочной лексики русского языка: этнолингвистический аспект. Автореф.дис...д-ра филол.наук. – Томск, 2006. – 46 с.

- 3.13. Жўраева М. Француз ва ўзбек эртакларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. Филол.фанлари д-ри... дис.автореф. – Тошкент, 2017. – 87 б.
- 3.14. Ицкович В. А. К истории вводных слов, словосочетаний и предложений в русском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Львов, 1954. – 16 с.
- 3.15. Кадирова Б. Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. – Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Тошкент, 2019. – 55 б.
- 3.16. Кадыров Б. Вставочные слова и словосочетания в современном таджикском литературном языке. Дис. ... канд. филол. наук. – Худжанд, 1999. – 142 с.
- 3.17. Комилова Г. Ўзбек тилидаги мақолларнинг аксиолингвистик таҳлили. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Тошкент, 2022. – 50 б.
- 3.18. Котляр Т. Вставочные конструкции в современном английском языке. Дис. ...канд. филол. наук. – Москва, 1961. – 400 с.
- 3.19. Лафасов Ў. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши. Филол.фанлари номзоди... дис. автореф. – Тошкент, 1996. – 25 б.
- 3.20. Лашкевич О. Роль вводных слов и словосочетаний в выражении модальности текста. Дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1984. – 174 с.
- 3.21. Малявин Д. Вводные элементы и вставки в составе предложения в современном английском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Запорожье, 1963. – 20 с.
- 3.22. Мардиев Т. Инглиз ва ўзбек тилларида инсон туйғулари ифодаланишининг концептуал таҳлили. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Самарқанд, 2019. – 50 б.

- 3.23. Марьянчик В.А. Аксиологическая структура медиа-политеского текста (Лингвостилический аспект). Автореф. дис... д-ра филол.наук. – Архангельск, 2013. – 38 с.
- 3.24. Медова А. Онтология модальности. Дис... д-ра филол.наук. – Красноярск, 2016. – 303 с.
- 3.25. Назаров Қ. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксиологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари). Фалсафа фанлари д-ри... дис. – Тошкент, 1996. – 311 б.
- 3.26. Нормуродова Н. Инглиз бадиий дискурсида антропоцентризмнинг лисоний воқеланиши. Филол. фанлари д-ри (DSc)... дис. автореф.– Тошкент, 2020. – 76 б.
- 3.27. Останин А. Вводные слова и словосочетания в современном русском языке. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Саратов, 1969. -17 с.
- 3.28. Павловская Н. Вводные единицы в текстах памятников старорусской письменности XVI–XVII вв.: (состав, происхождение, вопрос генезиса). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Минск, 1990. – 24 с.
- 3.29. Ражабова Ё. Содда гапларни мураккаблаштирувчи бирликлар. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент, 2010. <https://uz.denemetr.com/docs>.
- 3.30. Рысаева Г. Вставочные конструкции в современном башкирском литературном языке. Дис. ... канд. филол. наук., – Стерлитамак, 2002. – 155 с. // [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com).
- 3.31. Сайфуллаев А. Ўзбек тили содда гап қурилишида учинчи даражали бўлаклар. Филол.фанлари д-ри... дис. – Тошкент, 1972. – 210 б.
- 3.32. Самандаров Р. Содда гап шаклининг аппликатив модел доирасида кенгайиши. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Фарғона, 2019. – 51 б.
- 3.33. Саттарова Р.В. Средства моделирования властных отношений в политическом дискурсе (на материале дискурса Д.Кэмерона). Дис... канд. филол. наук. – Уфа, 2019. – 274 с.

- 3.34. Салтыкова А. Имплицитная аксиологическая модальность в текстах СМИ. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Москва, 2014. – 23 с.
- 3.35. Сейтжанов Ж. Инглиз ва ўзбек тилларида ундалманинг қиёсий тадқиқи. Филол.фанлари номзоди... дис. автореф.– Тошкент, 2012. – 28 б. // uz. denemetr.com.
- 3.36. Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши. Филол. фанлари номзоди... дис.автореф. – Тошкент. 1994. – 29 б.
- 3.37. Турдиева X. Нутқий этикет бирликларининг лингвопрагматик тадқиқи (Форс ва ўзбек тилларидаги материаллар асосида ). Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Тошкент, 2020. – 50 б.
- 3.38. Халиллаев А. Испан ва ўзбек тилларида “hombría /мардлик” концепти қўлланишининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятлари. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Тошкент, 2022. – 49 б.
- 3.39. Холиқов X. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мураккаблашган содда гаплар услубияти (А.Қаҳхор асарлари материаллари асосида). Филол.фанлари номзоди...дис. автореф. – Тошкент, 1993. – 22 б.
- 3.40. Шамахмудова А. Билвосита нутқий актларни мулоқот матнида воқелантирувчи этнопрагматик омиллар (испан тили мисолида). Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Самарқанд, 2019. – 57 б.
- 3.41. Якубов Ж. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари. Филол. фанлари д-ри... дис. – Тошкент, 2006. – 308 б.
- 3.42. Қамбаров F. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида). Филол.фанлари номзоди... дис. автореф.– Тошкент. 2008. – 26 б.
- 3.43. Қамбаров F. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида). Филол.фанлари номзоди... дис. – Тошкент, 2008.– 125 б.

3.44. Курбонова С. Бадиий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш. Филол. фанлари фалсафа д-ри (PhD)... дис. автореф. – Фарғона, 2018. – 49 б.

#### **IV. Матбуот материаллари**

4.1. Абдусаидов А. Мулоқот маданиятининг асосий сифатлари // Ўзбекистон матбуоти, 2011.– № 4. – Б.37-39.

4.2. Alimprijeva R., Babulewicz S. Аксиологическая значимость авторской модальности в поэтических текстах Сергея Есенина // Acta Polono-Ruthenica XIX, 2014. – С.171-178.

4.3. Абдурахмонов Г.А. Синтаксис осложненного предложения // Структура и история тюрских языках. – Москва, 1971. – С.139-140.

4.4. Афанасьева О.М. Аксиологическая модальность публицистического текста: на материале бюллетеней И.А. Ильина «Наши задачи» // Вестник РГГУ, 2016. –№ 8 (17). – С. 124-130.

4.5. Арутюнова Н.Д. Об объекте общей оценки // Вопросы языкознания. – Вып. 3. – Москва, 1985. – С. 13- 24.

4.6. Аҳмедова Н. Мурожаат бирликларининг прагматик хусусиятлари // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2019. – № 9. – Б.40-43.

4.7. 4.8. Боймирзаева С. Аксиологик модалликнинг матнда воқёланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. –№ 4. – Б.85-87.

4.8. Боймирзаева С. Матнда киноя мазмунининг ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. – № 4. – Б.110-113.

4.9. Боймирзаева С. Матнда аксиологик модаллик // Тил ва адабиёт таълими, 2010. – № 4. – Б. 23-32.

4.10. Boymatova D. Axiological evaluation and its expression in an organized sentence // Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal.Vol 10, Issue 5, May, 2020. – P.555-561.

4.11. Бойматова Д. Ундалмали гапларда ифодаланган аксиологик модалликнинг прагматик ва семантик вазифаси // Academic research in educational sciences. Volume 1, Issue 3. 2020. – Б.248-256.

- 4.12. Бычкова С. Е. Фундамент языковой аксиологии: оценка, ценность, норма, аномалия // Гуманитарные науки, 2019. – № 6.– С.100-102.
- 4.13. Ванденко О. Аксиологическая модальность романизированной биографии П.Хэртлинга “Гельдерлин” // European Applied Sciences (5). 2013. – pp. 70-72.
- 4.14. Гибатова Г. Аксиология в языке // Вестник ОГУ, 2011. – № 2 (121) . – С. 127-130
- 4.15. Гулямова Ш. Гендер тушунчаси ва унинг лингвистикада тутган ўрни // Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti, 2019. – № 2 (74). – Б.107-114.
- 4.16. Деминова М. Аксиологическая модальность в языку современной журналистики // Вестник НГУ, 2012. Том 11. – Выпуск 6. – С.110-116
- 4.17. Жамолиддинова Д. Қўшма гапларнинг ўзига хослиги хусусида // Тил ва адабиёт таълими, 2009. – №10. – Б.16-19.
- 4.18. Isaqova Z. Ingliz va o‘zbek tillarida subyektiv bahoning ifodalanishi // Til va adabiyot ta’limi, 2019. – № 2. – Б.41-42.
- 4.19. Киселева Я.В. Аксиологическая модальность в философском романе Антуана Де Сент-Экзюпери “Маленький принц” // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – 2017. – №1 (67) Ч.2– С. 131-133.
- 4.20. Костюченко В. Ю. Категория модальности с точки зрения логики и лингвистики: сходства, различия и перспективы синтеза // Журнал Белорусского государственного университета. – Минск, 2018. – № 3. – С.71-82.
- 4.21. Костюченко В.Ю. Аксиологическая модальность в русских и английских сетевых ток-шоу и интернет-комментариях: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты // Вестник МГЛУ. – Минск : МГЛУ, 2019. – № 2 (99). – С. 36-46.
- 4.22. Мирзаахмедова Ю. Модаллик категорияси ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006. – № 6. – Б.71-75.

4.23. Мощева С. Аксиологический и гносеологический аспекты массмедиального дискурса. // Известия вузов. Серия “Гуманитарные науки”. – №8 (1). – С.72-75.

4.24. Намакштанская И., Романова Е. Вводные конструкции в текстах поэтических произведений В.С.Высоцкого // Научный вестник Воронежского государственного архитектурно-строительного университета, 2013.– Выпуск №10. – С.20-30.

4.25. Омонтурдиев А. Тилга мурожаат воситалари // Мулоқот. – Тошкент, 2003. – №1. – Б.25-28.

4.26. Пардаев А., Курбонов С. Сўз таърифи хусусида // Журнал “Интернаука”, 2017 г. – № 11 (15), Часть 2.– Б.95-96.

4.27. Пардаев З. Нутқ инновацияси ва уларда баҳо муносабатининг шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009 – № 4. – Б.105-108.

4.28. Пардаев З. Танбех мазмунли нутқда баҳо // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010. – № 5. – Б.72-76.

4.29. Расулов Р., Аҳмедова Н. Ундалмами ёки мурожаат бирлиги ? // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. – № 2. – Б. 85-88.

4.30. Рофиева Г. “Аралаш қўргон” ва “Ёзувчи” ҳикояларида концептуал метафоралар таржимаси // Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 1 | ISSUE 1, 2021. – Б.321-329.

4.31. Руднев Д.В. История образования вводного слова “значит” // Вестник ВГУ. Серия: Лингвистика и межкультурная коммуникация. 2014. – № 3. – С.79-82.

4.32. Фролов В., Фомин В. Аксиологические модальности в современном информационном обществе // История и обществознание, 2019. – № 2. – С.205-208.

4.33. Шералиева М. Насрда лиризм ва киноя // “Шарқ юлдузи”, 2012. – №1. – Б. 1-10. [ Saviya.uz.]

4.34. Юнусова З. Инглиз ва ўзбек тилларида “хурмат” концептининг гендер хусусиятлари // Замонавий таълим, 2016. – № 11. – Б.79-84.

4.35. Юсупов Э. Шарқ фалсафаси ва инсонпарварлик // Жаҳон адабиёти, 2003. – №.10 // ziyo.uz.

4.36. Қозоқова Н. Мурожаат бирликларининг функционал-прагматик хусусиятлари // Тил ва адабиёт таълими, 2018. – № 6. – Б. 34.

4.37. Қўлдошев Б. Модаллик категорияси ва субъектив баҳо муносабатлари // Тил ва адабиёт таълими, 2000. – № 6. – Б. 64-68

4.38. Ҳакимов М. Ўзбек тилида нутқий актнинг баъзи муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. – № 1. – Б.45-48.

4.39. Ҳожалилов И. Нутқининг шаклий-мазмуний тузилишига субъект руҳий ҳолатининг таъсири // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001– № 1. – Б.39.

4.40. Ҳожиев А. Модал ёки субъектив баҳо формалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978. – № 1. – Б.3-6.

## **V. Илмий тўпламлардаги мақолалар**

5.1.Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликлари. // Филологические науки: состояние, перспективы, новые парадигмы исследований. Международная научная конференция. I том. – Уфа, 2019. – С. 34-41.

5.2.Багаутдинова Г., Байрамова Л. Аксиологическая фразеология о счастье // Ученые записки Казанского государственного университета. Том 148, кн 2. Гуманитарные науки, 2006. – С. 53-68.

5.3.Байрамова Л.К. Интерпретация фразеологизмов в свете когнитивистики и аксиологии // Фразеология и когнитивистика. Идиоматика и познание. Белгород: БелГУ, 2008. –Т.1. – С.298-302.

5.4. Бердиалиева А., Зокирова С. Алишер Навоий насрый асарлари тили синтаксик қурилишида шаклий-маъновий ассимметрия (“Ва” боғловчили гаплар мисолида) // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни”. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2017.– Б. 249-252.

5.5. Бозоров О., Бозоров О. Ундалма— гап, ундалмали содда гап – кўшма гап // Тилшуносликнинг долзарб муаммолари, VI китоб. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.103-106.

5.6. Борисова Е. О способах извлечения имплицитной информации // Скрытые смыслы в языке и коммуникации. Сборник статей. – Москва, 2006. – 250 с.

5.7. Виноградов В. Основные вопросы синтаксиса предложения (на материале русского языка) // Современный русский язык. Хрестоматия, часть 3. – Минск, 2010. – С. 49-54.

5.8. Гловинская М. Оценка в составе речевого акта / М. Я. Гловинская // Язык. Личность. Текст : сб. ст. к 70-летию Т. М. Николаевой. - Москва, 2005. – 976 с.

5.9. Давлатова Р. Матн дейксиси ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши // Филологические науки: состояние, перспективы, новые парадигмы исследований. II Международная научная конференция, посвященная 100-летию образования Республики Башкортостан и 110-летию создания Башкирского государственного университета. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2019, ТОМ 1. – С. 49-55.

5.10. Маркасова Е. “Я не употребляю древние вводные слова...” (о судьбе вводных конструкций в русском языке последнего десятилетия) // Slavica Bergensia. From Poets to Padonki : Linguistic Authority and Norm Negotiation in Modern Russian Culture, 2009. Т. 9. – С. 80–96.

5.11. Mykhailovych B.K. Axiological modality as a text category // Impatto dell’innovazione sulla scienza: aspetti fondamentali e applicati. – Verona, 26 giugno, 2020. – pp.77-79.

5.12.Мощева С.В. Аксиологический и гносеологический аспекты массмедиального дискурса // Известия вузов. Серия “Гуманитарные науки”. – 2017. – 8 (1). – С.72-75.

5.13. Нурмонов А. Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари. Танланган асарлар, 3-жилд. – Тошкент, 2012. –323 б.

5.14. Тожиев Ё. Туркий тилларда гап бош бўлакларининг кенгайиш имкониятлари ва қонуниятлари // Тил илмига садоқат. (Тўплам) Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. – Б.10-18.

5.15. Шохин В. Аксиология // Большая Российская энциклопедия. – Россия, 2004. // <https://bigenc.ru/philosophy/text/1807424>

## **VI. Бадиий адабиётлар**

6.1. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 656 б.

6.2. Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён. Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 656 б.

6.3. Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат // <http://library.navoiy-uni.uz>.

6.4. Зулфия Қуролбой қизи. Ўлим ҳеч нарса эмас. (Хикоялар) – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 308 б.

6.5. Зулфия Қуролбой қизи. Армон асираси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 308 б.

6.6. Муҳаммад Али. Сарбадорлар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – 620 б.

6.7. Nazar Eshonqul. Maymun yetaklagan odam (Hikoyalar). – Toshkent: Yangi nashr, 2019. – 205 b.

6.8. Oybek. Navoiy. – Toshkent: Sharq, 2004. – 496 б.

6.9. Пиримқул Қодиров. Юлдузли тунлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 504 б.

6.10. Саломат Вафо. Қора бева (Хикоялар). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 304 б.

6.11. Саломат Вафо. Оворанинг қўрган-кечирганлари. – Тошкент: Шарқ, 2008. – 351 б.

6.12. Тоғай Мурод. Ойдинда юрган одамлар. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – 192 б.

6.13. O'tkir Hoshimov. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. – Toshkent: Sharq, 2013. – 336 b.

6.14. O'tkir Hoshimov. Dunyoning ishlari. – Toshkent: Yangi asr avlod, 2015. – 336 b.

6.15. F.Fulom. Шум бола. – Тошкент: F.Fulom номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.– 133 б.

## VII. Интернет сайлари

- 7.1. <https://inслав.ru>.
- 7.2. <https://www.researchgate.net>.
- 7.3. <https://library.ziyonet.uz>.
- 7.4. <https://cyberleninka.ru/article/n/aksiologicheskaya-modalnost-v-yazyke-sovremennoy-zhurnalistiki/viewer>
- 7.5 <https://dic.academic.ru/dic.nsf/logic/8>
- 7.6. <https://fil.wikireading.ru/523>
- 7.7. [https://nsu.ru/xmlui/handle/nsu/9393\\_](https://nsu.ru/xmlui/handle/nsu/9393_)
- 7.8. [www.uz.denemetr.com](http://www.uz.denemetr.com).
- 7.9. <http://library.navoiy-uni.uz>.
- 7.10. <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/214870/1/71-82>.